

Аъзам АЗИМИЙ

ҚАСОСКОР МАЛИКА

тарихий роман



Тошкент — 2013


821.512.133-311.6

А 37

Ўзбек
арабисте

*Китоб таниқли тоғ инженер-геолог Қодиржон
РАҲМОН ташаббуси асосида нашрга тайёрланган.*

163 (7У)
К 103



АЗИМИЙ, Аъзам.

Қасоскор малика (тарихий роман)—Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси, 2012. — 148 б.

ISBN 978-9943-06-375-7

© Аъзам АЗИМИЙ
© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

СЎЗ БОШИ

1395 йили Шимолий Кавказдаги Терек дарёсининг соҳилларида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон Амир Темур лашкарларидан қақшатқич зарба олгач, Россиянинг ичкари ўлкаларига кириб яширинди. Пойтахт Сарой Беркани ишғол қилган Амир Темур Москва остоналаригача ҳам бориб, Олтин Ўрда хонлигини тағ-туғи билан йўқ қилиб ташлади. Парчаланган хонлик харобаларида аввал Қозон билан Сибирь, кейинчалик эса Қрим ва Ҳожи Тархон, яъни Астрахон хонликлари юзага келди. Татармўғул истилосидан қутулиб олган Россия ўз аламини янги пайдо бўлган хонликлардан олди. Уларнинг қудратга келишларига йўл қўймай, тажовуз қила бошлади. Натижада 1552 йили Қозоқ хонлиги, 1556 йили эса Ҳожи Тархон хонлигини босиб олган Россия бутун диққат-эътиборини тезлик билан ривож топаётган Сибирь ўзбек хонлигига қаратди. Бу хонликка асос солган Ёдгорхон Шайбоний салтанатнинг янада ривожланиб олишини таъминлаш ниятида вақтинчалик Москвага вассалликни тан олди. Аммо 1563 йили тахтга минган Кучумхон Шайбоний хонликни бутунлай мустақил деб эълон қилди.

Ўрол тоғларининг шарқий этакларидан бошлаб, то Ёқутистонгача чўзилган ўлкага абадий эгалик қилишни мўлжаллаган Кучумхон Сибирь ерларини ўзлаштириш, салтанат қудратини ошириш борасида катта ишлар олиб борди. Кучумхон салтанати билан Бухоро ва Хоразм хонликлари, Эрон ва Ҳиндистон салтанати яқин алоқада бўлиб, савдо-сотиқ ишларини ривожлантирдилар. Тезлик билан Фарб ва қадимий Шарқ мамлакатларига танилиб келаётган бу хонлик истиқболларини кўра олмаган Иван Грозний уни ўз тасарруфига ўтказиб олиш учун қатъий бел боғлади. Бу ишдан у ҳеч қандай қабиҳликлардан жирканмади. 1582 йили Россияда казаклар деб ном олган ўғриқароқчилардан мингдан ошганини бирлаштириб, бу ёвуз гуруҳга Ермак отлиқ бир ўғрибошини атаман қилиб тайинланди ва Сибирь ерларига юборди. Жуда катта қийинчиликлар билан ўлиб-тирилиб Сибирь ерларига зўрға етиб келган қароқчилар қўшини 1585 йили Тобол бўйларида Сибирь ўзбек хонлигини аскарлари билан учрашди. Маст-аласт бўлиб жангга кирган казаклар тўлиғича тор-мор бўлди. Ермак эса шармандаларча ҳалок бўлди. Бутун умидини тиккан Ермакнинг Кучумхон то-

монидан ўлдирилиб, қароқчи казакларнинг Сибирлик ўзбекларга таслим бўлганликларини эшитган Иван Грозний аламига чидай олмай, жинни бўлиб қолди. Аламзада бўлган Россия бу мағлубиятни сира унута олмади. Ўғрибоши Ермак ва унинг қароқчиларини миллий қаҳрамон даражасига кўтарди. Бутун нафратини Кучумхон ва унинг авлодига қаратди. Рус тарихида Кучумхонни уқувсиз ва қўрқоқ хон деб ноҳақ қоралади. Адабиёт ва тасвирий санъат асарларида Кучумхонни бадбашара, бўйи паст бир одамхўр маҳлуқдек қилиб кўрсатишди. Кучумхонга нисбатан илдиз отган нафрат дарахти ҳатто бизнинг кунларда ҳам мева бермоқда. Сибирь ерларида қорамағиз одамларни учратган руслар ҳозиргача уларни Кучум авлоди деб турли баҳоналар ўйлаб, улардан ўч олиш ниятида бўладилар. Узоқ йиллар Сибирь ерларини илмий ўзлаштириш ишларида қатнашган камина ҳам юқоридаги ҳолатга кўп марта гувоҳ бўлган. Шунинг учун ушбу рисолада Кучумхоннинг ўз ҳаёт йўли ва унинг хислатлари ҳақида ҳақиқатга яқин баён этилишига катта эътибор берилди.

Муаллифдан

ЭРОНИЙ СЕҲРГАР

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришларича, Искандар Зулқарнайн Осиё ерларини маҳв этишни бошлаганида Эрон шоҳи Доронинг улкан хазинаси билан бирга Эрон шоҳнинг қадимий китобларга бой бўлган бебаҳо кутубхонасини ҳам қўлга киритган. Қадимий китобларнинг ичида араб тилида ёзилган "Китобул ат-Тилсимот" деб аталган асар ҳам бўлиб, китобдан абадий умр кўриш сирлари баён этилган экан. Искандарнинг кутилмаган ўлимидан кейин унинг империяси парчаланиб кетиши натижасида бу китоб Миср ўлкаси билан бирга машҳур Клеопатранинг бобоси Птолемей Лагнинг қўлига ўтди... Тақдир тақозоси билан бу китоб Мовароуннаҳрлик машҳур башоратчи ва сеҳргар Ҳошим ибн Ҳакимнинг қўлига тушиб, у 15 йил китобдан фойдаланади. 785 йили сеҳргар Санам тоғларида ғойиб бўлгач, унинг уйидан топилган китобни араблар яна Бағдодга келтиришади. Ўша даврдаги маданий дунёни тўлиғича забт этишга муваффақ бўлган Ботухон бу китобни Бағдоддан Сарой — Беркага, ўзининг Буюк Олтин Ўрда империясининг пойтахтига келтиради. 1395 йили Амир Темур Тўхтамишхонга қақшаткич зарба бергач, Олтин Ўрда ўз қудратини йўқотади. Унинг харобаларида секин-аста Астрахань, Қрим, Қозон ва Сибирь хонликлари пайдо бўлди. "Китобул ат-Тилсимот" китобидан тўлиғича хабардор бўлган ўзга мамлакатларнинг подшолярию султонлари бу сирли китобни қўлга киритиш пайига тушиб, янги барпо бўлган хонликларга тажовуз қила бошлайдилар. Лекин Астрахань ва Қрим хонликларининг хазиналаридан ҳам китобни топишолмаган. Шундан кейин, кўпчилик ҳукмдорларнинг фикри-зикри Сибирь хонлигига қаратилди.

1576 йилнинг ёз фасли. Сибирь хонлигининг пойтахти бўлмиш Чинги Тўра (ҳозирги Тюмень) шаҳри. Тўра билан Пишма деган ном билан аталувчи икки катта дарёнинг ўртасидаги майдонда қад кўтарган бу шаҳарга XV аср бошларида туркларнинг қавмлар Туман деб атаганлар. Сибирь хонлигини тузиб, ўзини хон деб дунёга танитган Кучумхон айнан шу шаҳарни салтанатига пойтахт қилиб, ўн беш йиллардан буён даври-даврон сурарди. Жануби Дашти Қип-

чоқ далаларига уланиб кетган, атрофи минглаб чақирим-гача қулоч ёзган қарағайзору, қайинзорларни ўз ичига олган бу улкан мамлакат шундай олисликда жойлашган эдики, унинг бир томонидан иккинчи томонигача бориб етиш учун бир йил етмас эди. Шунинг учун Кучумхон ўз пойтахтини истеҳком иншоатлари билан ўраб олишни ортиқча билган. Ёзда ўтиб бўлмас ботқоқликлари, қишда эса қалин қор босиб, ҳаво ҳарорати 50 даражагача пасайиб кетувчи ўрмонлари туфайли дахлсизлиги табиат томонидан таъминланган Сибирь хонлиги олтин конлари ва мўйна ҳисобидан ривож топиб борарди.

Шаҳарнинг марказий бозорига тўпланган тумонат одам аллақандай сабаб билан, савдо-сотиқни бир четга суриб, бозорнинг орқа томонидаги майдон томон югуриб қолишди. Одамларнинг оғзидан чиққан узун-юлуқ гапларга қараганда жануб мамлакатларидан келган "кўзбоғловчи" жодугар томоша кўрсатар экан. Майдонга йиғилган мингта яқин ёш-яланг, ўтлоқ устига чўнқайиб ўтирганча, майдон четига тикланган оқ чодирдан кўзини узмас эди. Майдонга йиғилганлар асосан бозоргонийлар бўлиб, уларнинг ораларида бекорчиликдан бозорга томошага чиққан сипоҳлару, салтанатнинг майда амалдорлари ҳам бор эди.

"Томоша!", "Томоша!" деб, ҳайқираётган минглаб овозлар бирдан тиниб, майдон худди сув босгандек жим бўлди. Ҳамманинг кўзи оқ чодир олдида пайдо бўлган ярим яланғоч одамга қаратилганди. Ўрта бўйли, аммо бўй-басти жуда келишган бу одамнинг бошига оқ салла ўралган бўлиб, салласига қандайдир қора қушнинг думидан қилинган ярим қулочли тож қадалган эди. Ташқи қиёфасидан эронийларга ўхшаб кетган бу одам қаршисидаги қандайдир бир бўшлиққа тикилганча, оҳиста қадам ташлаб, одамлар орасидан ўтиб, майдон ўртасига келди. Шундан кейингина у одамларни пайқагандек бўлиб, томошабинларга бамайлихотир назар ташлади. У ёқ-бу ёққа юриб, ўзига қулай жой излай бошлади. Аммо томошабинларнинг тоқати тугаб, бараварига "Кўрсат!", "Кўрсат!" деб бақира бошлашди. Эроний ҳаракатини секин тўхтатиб, қўлини тепага баланд кўтарганида одамлар жим бўлиб қолишди. Жодугар белидаги таёқчани олиб, баданига теккизиши билан бадани ловуллаб аланга олди ва худди гулханга қалаб қўйилган

тарашадек ёна бошлади. Ваҳимага тушган одамлар оҳ-воҳ чека бошлашлари билан аланга ўчди. Тарашадек чарсиллаб "ёнаётган" Эроний бўлса ўз жойида, ҳеч ери шикастланмаган ҳолда турарди. Кейин у томошабинлар ўз кўзлари билан кўриб астойдил ишонишлари учун одамлар ўтирган жойга яқинлашиб, томошабинларнинг олдидан ўта бошлади. Аланга ичидан соппа-соғ чиққан сеҳргарга одамлар ҳайрат билан қарашар, баъзи бир дадилроқ томошабинлар эса сеҳргарнинг баданига қўл теккизиб кўришар эди. Майдонни бир айланиб чиққан сеҳргар яна ўз жойига, сеҳрини бошлаган ерига қайтиб келди-да, томошабинларга диққат билан қаради. Кейин қулочини ёзиб, осмонга бир қараганида, унинг икки кафтидан икки аланга пайдо бўлди. Шунда сеҳргар қўллари ни силкиб, бу алангаларни томошабинлар томон отган бўлди. Ана шу пайт боя у томошабинларнинг олдиларидан ўтганда, баданига бармоқ теккизиб кўрган қизиқувчиларнинг қўллари алангаланиб, катта шовқун-сурон, дод-войлар бошланди. Бундан пинагини ҳам бузмаган сеҳргар, яна икки қўлини икки томонга ёзди. Унинг кафтидан сувга лиммо-лим тўлган иккита коса пайдо бўлди ва у томошабинлар томонга сув сепгандек ҳаракат қилиб, қўллари "ёнаётган" томошабинларнинг алангаларини ўчирди. Бундан ҳайратланган халқ бир овоздан "Қойил!" "Қойил!" деб бақирарди.

Шу пайтда аллақердан икки оқ кабутар пайдо бўлди ва жодугарнинг боши узра уча бошлади. Сеҳргарнинг қўл ҳаракатига қараб, кабутарлар гоҳ баландлашар, гоҳ эса беш олти қулочга пасайиб, турли қилиқлар қилиб учишарди. Томошабинлар бу ажиб томошадан завқланиб, ҳайратда қолишди. Кутилмаганда тўсатдан осмонда пайдо бўлган қарчиғай кабутарларга ҳамла қилиб қолди. Қарчиғай чангалига чап бериб қолган кабутар худди одамлардан нажот излагандек, улар боши узра чарх урардилар. Оломон ичида ўтирган уч-тўртта мерганлар елкаларидан камонларини олиб, йиртқич қарчиғайни ўққа тутта бошладилар. Аммо қарчиғай чап бериб, ўзига битта ҳам ўқ теккизмади. Шу чоғ сеҳргар камари орасидан икки арқонни суғуриб олиб, одамларга кўрсатди. Одамлар эса ҳайрон бўлиб, арқонни ушлаб кўриб, елка қисшарди. Шунда сеҳргар қўлидаги арқоннинг бирини ерга қаттиқ урди ва у ажойиб камонга айланди,

иккинчи арқонни ерга уриб, уни камон ўқига айлантирди. Кейин сеҳргар қарчиғайни мўлжаллаб, ўқ узди. Кўксини ўқ тешиб ўтган қарчиғай ерга қулаб тушиб, жон берди. Хайратга келган оломон қийқириб юборди...

Яна майдоннинг марказига келиб олиб, сеҳргар икки кафтини бир-бирига уриб, қарсак чалди ва унинг оёғи остида бир қути пайдо бўлди. Шунда сеҳргар белбоғидан най суғуриб олиб, уни чала бошлади. Қутининг оғзи ўзидан ўзи очилиб унинг ичидан бир арқон худди илонга жон битгандек, юқорига ҳаракатланиб кўтарила бошлади. Найнинг овозига "маст" бўлган арқоннинг кети кўринмай, тобора юқорига интилар эди. Арқон шу қадар юқорига кўтарилдики, унинг бир учи майдон тепасига келиб, юқорилашган булутларнинг ичига кириб, кўринмай кетди, Аммо унинг иккинчи учи ҳамон қути ичида эди. Сеҳргар най чалишни тўхтатиб, булутлар орасига тик кўтарилиб кетган арқонни ушлаб кўрди. Арқон худди ёғочдай қотган эди. Шунда сеҳргар майдонни айланиб, томошабинлар орасида арқонга тирмашиб, осмонга кўтарилишни истовчиларни қидирди. Бирор шоввоз топилмагач, ўзи қути тепасига келди-да, секин-аста арқонга тирмашиб осмонга кўтарила бошлади. Анқайиб қолган халойиқнинг кўз олдида сеҳргар булутлар орасига кириб кетди. Сеҳргарнинг қайтиб туша олмаслигидан хавотирланган содда томошабинлар уч-тўрттаси арқонга осилиб, унинг тепага кўтарилиб кетишини тўхтатмоқчи бўлишди. Аммо бунга эркак олишмади. Тўртбеш қулоч баландликдан йиқилиб қолган йигитлар, анграйганча ўзларидан узоқлашаётган арқон учини кузатишарди. Кўз олдиларида бўлиб ўтган воқеадан кўрқиб кетган сибирликлар майдонга тўпланиб, анча вақтгача икки кўзларини осмондаги булутга тикиб туришди, аммо қанча кутишмасин, сеҳргар кўринмади.

Кети аянчли тугаган томошадан норози бўлган одамларнинг қути учиб, секин-аста уйга тарқалишаётганида бир йигит қувонч билан бақириб, оқ чодир томон югуриб борди. Оқ чодир олдида эса бояги сеҳргар ҳеч нарса бўлмагандек кулиб турарди...

Кучумхоннинг тўнғич фарзанди, тахт валиаҳди, шаҳзода Дилмурод "Қутб туни" даври тугаб, кунлар узайишини

доим орзиқиб кутарди. Айнан шу кунларда табиат ажиб гўзалликка бурканарди ва шаҳзода ўзининг элликка яқин шоввоз навкарларини олиб, Чинги Тўрани тарк этар, узоқ-узоқларга сафар қилиб, янги ерларни кашф этар, уларга туркий номлар бериб, харитага оларди. Бир йили ҳатто денгиз каби кенг суви мўл бўлган улуғ Обь дарёсида сузиб шимолга — "Катта денгиз"га чиқиб, унинг ёз фаслида ҳам музлаб ётишини аниқлаганди. Улардан ташқари шимол ерларида Қозим, Нодим, Тоз ва Янгисой (Енисей) дарёлари борлигини биринчи бўлиб аниқлаган, тавсифини ёзган.

1576 йил ёзида хантлар еридан шарққа мансилар ўлкасига сафарга отланган Дилмуродни Кучумхон ҳам йўлдан қайтара олмади...

Сафарга кетган шаҳзоданинг икки кемаси бус-бутун қайтиб келиб, шаҳар бандаргоҳида лангар ташланганини эшитган Кучумхоннинг юраги қувончдан эмас, ваҳимадан бир орзиқиб тушли. Чунки сафарга кетган шаҳзода бутун ёз бўйи сафар қилиб, кеч кузда, дарёлар музлай бошлаганидагина Чинги Тўрага қайтар эди. Шаҳзоданинг пойтахтга бемаврид қайтиши Кучумхонни хавотирга солди. Хон ўз аъёнлари билан бандаргоҳга етиб келганида ишчилар "Сўғдиёна" билан "Фарғона" кемаларидан юкларини тушириш билан овора эдилар. Шаҳзода Дилмурод ҳам, унинг ҳамроҳлари ҳам бандаргоҳда кўринмас эдилар. Кучумхонга бутун дунё остин-устин бўлиб, отидан йиқилишига оз қолди.

— Шаҳзода қани? У тирикми? — сўради хон бир оз ўзини босиб.

Хонга таъзим қилиб келган хизматкор уни "Сўғдиёна" кемаси томон бошлади. Кеманинг остки қисмидаги хоналарнинг бирида шаҳзода навкарлари ёрдами билан аста кийинмоқда эди. Куч-қувватга тўлиб уйдан чиқиб кетган ўғлининг салом беришга ҳам ҳоли қолмаганини кўрган Кучумхоннинг ранги ўчди.

— Қандай балога учрадинг, бўтам? — дея ўғлини кучди хон.

Шунда шаҳзоданинг навкарлари, Торкосали (Торкосали) деган ўлкада бўлганларида шаҳзоданинг қандайдир қайсар шомоннинг қарғишига учраб, оёқ-қўли ишламай қолганини афсус ила айтишди.

Хон ажабланиб, навкарларнинг қолган қисми ва отуловларнинг қаерга ғойиб бўлганлиги ҳақида сўраганида шаҳзоданинг ҳамроҳларидан бири:

— Биз Обь соҳилларига чиққанимизда Тоболга ташлаб кетган кемаларимизга етиб олмоқчи бўлдик. Шунинг учун қарағайзорда дарахт кесиб соллар ясашга киришдик. Отларимизни эса ўтлаш учун ўрмон ёнидаги яйловга қўйиб юбордик. Ўтлар шундай ажойиб, хуштаъм эдики, кийикларни ўтлатиб юрган мансилларни ҳайдаб юбориб, отларимизни бир ҳафта боқдик. Ҳатто ўзимиз ҳам таом тайёрлашда ана шу ўтлардан фойдаландик, — деди негадир ерга қараб.

— Тез орада қилган хатойимизни тушундик, — деб гапга аралашди шаҳзода. — Шимол яйловларида ўсувчи бу ўт ("ягель") фақат кийику буғуларнинг емиши бўлиб, бошқа жониворлар учун зарарли, ҳатто сурги эканлигини кейин билиб қолдик. Аммо кеч эди. Мадорсизланиб қолган отларимиз ҳам, йигитларимиз ҳам бирин-кетин нобуд бўлишди. Учта катта сол ясаб, дарёга тушиб олдик, Тоболдаги кемаларимизга зўрға етиб келдик, — деди Дилмурод.

Ўғлини саройга етказиб келган Кучумхон пойтахт ва унинг теварагида ном қозонган табибларни саройга таклиф қилиб, шаҳзодани оёққа турғазини топширди. Аммо уларнинг уринишлари бесамар бўлди, шаҳзодани даволай олишмади. У борган сари мадорсизланарди. Иложсиз қолган табиблар бу бедаво дард олдида ожиз эканликларини тан олиб, Кучумхонга суюкли ўғлини тақдирга Аллоҳ иродасига топширишни маслаҳат беришди. Тахт ворисининг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бораётганини кўра-била туриб, ёрдам қила олмаётганидан азият чеккан Кучумхон Сибирь хонлигини барча узоқ ўлкаларига, қўшни хонликларга чопар юбориб: "Кимда ким шаҳзода Дилмуроднинг дардига шифо топиб, уни оёққа турғазса, хон уни истаган талабини бажаришини, бошдан-оёқ олтинга кўмиб ташлашни" ваъда қилиб, жар солди. Бироқ бундай масъулиятга қўл урадиган бирорта ҳам довюрак шифокор топилмади.

Кунларнинг бирида Кучумхон ҳукмида бўлган ненец султони Тамбай уч-тўртта шимолий оқсоқоллари билан саройга ташриф буюрди. Шаҳзоданинг аҳволини кўрган

Тамвай ҳамроҳлари билан ўз тилида алланарсаларни гаплашиб олди ва Кучумхонга қараб:

— Шаҳзода шомон қарғишига учрагани аниқ! Уни фақат шомонгина даволаши мумкин, — деб хулоса қилди. Кейин шундай маслаҳат берди: — Мансиллар ўлкасига навкарларни жўнатиб, ўша шомонни топиб пойтахтга келтириш керак. Бўлмаса шаҳзода нобуд бўлади...

Тамбай султоннинг маслаҳати тўғри бўлса-да, уни бажаришнинг энди иложи йўқ эди. Шимолнинг қисқа муддатли ёзи тугаб, қиш фасли бошланган, дарёларни секин-аста муз қоплаб, ўрмонларни қор қатламлари босаётган давр эди. Бундай шароитда шимол ўлкаларига сафар қилиш у ёқда турсин, пойтахтдан ташқарига, ўн чақирим йўл босиш ҳам ўта хатарли эди. Буни яхши билган Кучумхоннинг дарди ичида эди. Хон ҳазратларининг оғир аҳволидан ташвишланган вазир — Салоҳиддин маслаҳат билан хон ҳузурига киради.

— Ёз кунларида бир эроний сеҳргар бозор қошидаги майдонга чодир тикиб, кўп ажойиботларни халққа намоёйиш қилган. Одамларнинг айтишича, унинг қўлидан келмаган амал йўқ эмиш. Балки сеҳргарнинг илму амали шаҳзодага шифо берар? — деди вазир хиёл иккиланиб.

Жигарбанди Дилмуроднинг ҳаётини сақлаб қолишдан умидини узган Кучумхон вазирнинг таклифига рози бўлгандек қилиб бошини бир силкитиб қўйди-да, жонсиз ўғлини сочини силаганча, кўзёш тўкди. Қор остида қолган Чинги Тўранинг бир қаватли кўп сонли ёғоч уйларининг бирида истиқомат қилаётган эроний сеҳргарни топиб, саройга етказишди. Уни шаҳзода ётган хонага олиб киришганида, Кучумхон ҳамон ўғли қошида йиғлаб ўтирарди. Хон қаршисида ҳурмат билан бош эгиб турган сеҳргарга ҳорғин кўзларини тикиб:

— Сен кимсан? — деб сўради.

Шунда вазир шошилиб, меҳмоннинг кимлигини айтмоқчи бўлганида, сеҳргар унинг сўзини бўлиб, ўзини танитди:

— Нишопур шахрининг фуқароси Аҳмад Риштонийман. Аллоҳнинг улуғ каромати ила мен инсон боласи қилолмайдиган кўп юмушларни бажариб, кўп ҳунарларни амалга ошира оламан. Шу амалларни халқ оммасига намоёйиш

қилиб, тирикчилик қилиб, юртма-юрт кўчиб юрибман. Қай ўлкада бўлмай, ҳеч бир қавм ёки салтанатларга зарар етказмаганман.

Риштонийнинг гапларидан тез ўзига келган Кучумхон қаддини ростлади-да, унга умидли кўзларини тикиб:

— Сен ҳузуримда гуноҳкор банда сифатида эмас, Сибирнинг қудратли хонининг меҳмони сифатида турибсан. Агар сен ўлим тўшагида ётган ўғлимнинг умрини сақлаб қолсанг, бошқа саргардон бўлиб юртлар кезмайсан. Сени ўғилларим қаторига киритиб, Сибирь хонлигининг исталган ўлкасига султон қилиб тайинлайман, — деб ваъда қилди.

Риштоний хоннинг рухсати билан қалин тўшак устида деярли жонсиз чўзилиб ётган шаҳзоданинг тепасига келди. Унга бир муддат тикилиб туриб, белига қистирилган сирли таёқчани суғуриб олди. Кейин таёқчани аста шаҳзоданинг юзи устида юргизди, кутилмаганда бир неча кундан бери кўзини очмай ётган бемор кўзини очди. Сеҳргар таёқчани шаҳзоданинг қаерига теккизса, ўша ери бир оз муддатга бўлса-да, жонлана бошлади. Риштоний беморга тикилганча:

— Шаҳзодани узоғи билан ўн кунда оёққа турғизаман! — дея дадил ваъда қилди.

Эроний сеҳргарнинг илк ташҳисиданоқ унинг қудратини кўрган Кучумхон ҳам Салоҳиддин ҳам Риштонийнинг сўзларига ишонишди. Улар галма-галдан сеҳргарни кучиб, миннатдорчиликларини изҳор эта бошладилар.

— Лекин менинг бир шартим бор. Шунинг бажаришга Ҳазрати олийлари сўз берсинлар, — деб Риштоний Кучумхонга бош эгди.

— У қандай шарт экан, муҳожир? — сўради Кучумхон.

— Хазинангизга кириб, кўнглимга ёққан нарсани олишга ижозат берсангиз, — деди Риштоний кўзларида қандайдир учкун ялт этиб.

Сеҳргарнинг бундай оддий, аммо сирли талабидан ҳайрон қолган Кучумхон билан Салоҳиддин бир-бирларига қараб қўйишди. Чунки Олтин Ўрда бойлигининг энг катта қисмини ўзлаштирган Кучумхоннинг хазинасида бойлик жуда мўл бўлиб, уларнинг аниқ қанча қийматга эга эканлигини Кучумхоннинг ўзи ҳам билмас эди. Жони қил устида турган тахт ворисининг умрини сақлаб қолишни ўйлаб

турган хон наздида буларнинг бари ўз қийматини йўқотган эди. Шунинг учун у ўйлаб ҳам ўтирмай, сеҳргарнинг талабини бажаришга сўз берди.

Кучумхондек хоннинг ваъдасига ишонган Риштоний ўша заҳоти хонни ҳам, вазиру сарой хизматкорларини ҳам хонадан чиқариб юборди ва шаҳзода билан ёлғиз қолди. Етти кеча-кундуз ҳеч қандай овоз, ҳеч қандай сас эшитилмаган хонада нималар рўй бераётганидан саройдагилар беҳабар эдилар. Ниҳоят саккизинчи куни эрталаб хона эшиги очилди-ю шаҳзода Дилмурод худди ҳеч нарса бўлмагандек соғлом ҳолда чиқиб келди. Бироқ эроний сеҳргар Аҳмад Риштонийнинг ўзи шаҳзоданинг ёнида ҳам, у ётган хонада ҳам кўринмади...

СИРЛИ КИТОБ КАЛИТИ

Шаҳзода Дилмуроднинг соғайиб кетгани муносабати билан берилган тўю томошалар, базму улфатчиликлар поёнига етгач, Кучумхоннинг дилига хиралик тушди. Чунки у ўғлининг соғайиб оёққа турғазган сеҳргар табибга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, рози қилиш ўрнига биринчи навбатда кўнгилхушликка, ўз яқинларининг, сарой аҳолининг кўнглини олишга, улар билан хурсандчилик қилишга берилиб кетган эди. Шунинг учун Кучумхон эрта тонгдан ёнига бош вазир Салоҳиддинни чақирди.

— Тўсатдан ғойиб бўлган ҳаким ер остига кириб ёки осмонга учиб кетмагандир?! Биринчи навбатда ҳакимнинг кўнглини олиш ўрнига ўз кўнгилхушлигимизни ўйладик. Бизга яхши ақл бериб, тўғри йўлга солувчи инсон бўлмади, — деб ранжиган хон вазирини обдон койимоқчи бўлди-ю, лекин қўл силтаб, буюрди: — Ҳакимни топиб, ҳузуримга етказ!

Икки навкар билан ташқарига чиққан Салоҳиддин, танани қақшатувчи совуқдан бир оз жунжикиб турди-да, кейин қизил тулки пўстинига яхшилаб ўраниб олиб, от қўшилган чанасига ўтирар экан навкарларга:

— Наби қандолатчининг ҳовлисига! — деб буйруқ берди.

Наби қандолатчининг уйи Туман шаҳрининг энг чеккасида, салтанат ўрдасининг қарама-қарши томонида жойлашган бўлиб, вазирнинг сеҳргарни шу ердан топишига

умиди катта эди. Чунки биринчи гал излаганда, Риштонийни айнан шу хонадондан топган эди. Ўзини одамлардан четроқда ушлашни ёқтирган сеҳргарга сўққабош Набининг уйи жуда қулай эди. Умрининг кўпини сафарда юриб, савдо билан ўтказадиган Наби қандолатчининг сеҳргарга зиёни етмас, у билан кам кўришар эди. Ўз навбатида Риштоний ҳам қандолатчининг уйини қўриқлаб, у ёқ-буёғини тузатиб турар эди.

Вазирнинг тусмоли тўғри чиқди. Салоҳиддин қандолатчининг ҳовлисига кирганида, совуқдан тирбанд беки-тилган хонада Риштонийнинг йўғон овозда қандайдир сураларни ўқиётгани эшитилди...

Маълум вақт ўтиб, сеҳргар жим бўлиб қолди-ю, бош вазир вақтдан фойдаланиб, хонага бошини суқди. Ичкарига қаради-ю, донг қотди. Чунки ўрнида ёнбошлаб ётган одам ёз пайтда шаҳар майдонида ярим ялонғоч бўлиб олиб, қабарик мушакларини одамларга кўз-кўз қилган кўркам сеҳргар табиб эмас, саксон-тўқсонни ўтаб қўйган оқ соқолли чол эди. Хонадаги қария шу қадар кекса, ҳолдан тойган бўлишига қарамай, остонада пайдо бўлган вазирни кўриши билан чаққонлик билан юзини сочиқ билан беркитиб:

— Хонга бориб айт, икки кундан кейин саройда бўлурман! — деб навқирон йигитлар овозида шундай ўшқириб бердики, қўрқиб кетган Салоҳиддин қандай учиб чиқиб, навкарларининг ёнида бўлиб қолганини билмай қолди.

Икки кундан кейин саройга келган Риштоний яна ўша — 30 ёшлардаги бақувват ва кўркам кўринишда эди. Сеҳргарга зимдан тикилган Салоҳиддин унинг тиниқ ва ажинсиз юзидан кўзини узолмасди. Риштоний бўлса бош вазирга эътибор ҳам бермай, тўғри тахтда ўтирган Кучумхон томонга йўналди.

— Хон ҳазратлари, мен шаҳзоданинг жонини сақлаб қолдим. энди сиз Олий ҳазратлари ҳам каминага берган олий сўзингизни бажаринг! — деб талаб қилди сеҳргар.

Кучумхон ҳузурига бош хазиначи бўлмиш Мирзо Валини чақириб, Риштонийга ишора қилар экан:

— Муҳтарам ҳакимни хазинага олиб кириб, бисотингдаги барча бойликни кўрсат. У нимани танласа, қанчалар қадрли ёҳуд қимматли эканидан қатъий назар, уни қўлига тутқаз. Биз шуни ихтиёр қилдик! — деб буюрди.

Хазиначи Мирзо Вали етмишларга бориб қолган қари одам эди. Унинг ота-боболар Ботухон даврида ҳам хазиначи бўлиб, машҳур хонга сидқидилдан хизмат қилган, салтанатнинг ишончли одамларидан бўлишган экан. Йўл-йўлакай тўнғиллаб борар экан, Мирзо Вали:

— Салтанат хазинасига фақат шоҳ билан бош хазиначидан бўлак ҳеч қандай бегона одамлар кириши мумкин эмас. Хазина-салтанатнинг юраги, унинг кўз қорачиғидек нозик жой эканлигини била туриб, Кучумхоннинг қилган ишига ҳайронман! — деб хуноб бўларди...

Хазина Туро дарёсининг шундоққина соҳилида жойлашган эди. Мирзо Вали Риштонийни пастга олиб тушувчи зиналар томон бошлади. Ер сатҳидан 7-8 қулоч чуқурликда тошлардан метин тешалар билан чопиб ишланган бу хазинани бегона одамлар тополмас, топганда ҳам уни қўлга киритиш мушкул эди. Чунки бош хазиначининг сирли бир ҳаракати билан салтанат хазинаси Туро дарёсининг остида қолиб кетиши аниқ эди.

Кучумхон ҳақиқатдан ҳам улкан бойликка эга ҳукмдор эди. Унинг хазинасида олтин қуймалар, олтин тангалар, табиий ёмбилар, мамлакатнинг заргар усталари яратган зебу зийнатлар, уй жиҳозлари, олтин ва кумуш қадаҳлар қалашиб ётарди. Олмослару гавҳарлар, ёкутлару лаъл тошлари, зумрадлару ферузалар, денгиз дурларию дарё марваридлар сандиқ-сандиқ бўлиб ётарди. Риштоний 4 кун давомида хазинани қизиқишсиз ва лоқайдлик билан томоша қилди, аммо ҳеч бир буюмни хуш кўриб танламади. Бундан жаҳли чиққан хазиначи бешинчи куни хазинага тушишдан олдин Риштонийга:

— Ўғлим, тўрт кундан бери хазинани томоша қиласану бирон-бир нарсани танлай олмадинг! Бу аҳволда сен билан ер остида бир йил бефойда тентираб юришимиз мумкин. Сен бекорчи бўлсанг, менинг ишларим кўп! Яхшиси, сени нима қизиқтиришини айт, сени тўғридан-тўғри ўша нарса сақланадиган хонага олиб бораман.

Тўрт кун ичида бош хазиначи билан яқинлашиб, ҳатто дилкаш бўлиб қолган Риштонийга Мирзо Валининг таклифи маъқул тушди. Шунинг учун сеҳргар тортинмай, мақсадини очиқ айтди:

— Эшитишимча, "Китоб ул ат-Тилсимот" деган бир

қадимий китоб бошқа бойликлари қаторида Кучумхоннинг хазинасига тушиб қолган экан. Мен ана шу китобни қидириб юрибман!

Мирзо Вали бирдан қиқирлаб кулиб юборди. Беш-олти дақиқа мазза қилиб кулгач:

— Эй, тентак! Шу мақсадингни олдиндан менга айтганинга, бекорга 4 кун ер остида юрмаган бўлардик, — деди ва бошини афсус билан сарак-сарак қилиб: — Сен айтган китобни Кучумхон саройида, ўз кутубхонасида сақлайди.

Умр бўйи излаган китобига ниҳоят етишишини билиб, ич-ичидан қувониб кетган Риштоний тезроқ саройга, Кучумхоннинг кутубхонасига боришга шошиларди. Улар саройга етиб келгач, Мирзо Вали Кучумхонга ахборот бера бошлайди.

— Меҳмон излаган буюм хазинада эмас, сизнинг кутубхонангизда экан, — деди.

Ҳайрон бўлиб қолган Кучумхон:

— У қандай китоб экан? — деб қизиқди.

Хазиначи бу антиқа китобнинг тарихини хонга муфассал гапириб берди. Анча хаёлга чўмган Кучумхон бош вазирга тикилиб: "Сен нима дейсан?" қабилида ишора қилди. Негадир Салоҳиддиндан садо чиқмади. Шунда Кучумхон Риштонийга юзланди.

— Сен ўз шартингда менга: "Хазинангдан кўнглимга ёққан бир нарсани олурман", деб талаб қўйган эдинг. Мен шартингни бажардим, энди биздан не истарсан? — деб муғамбирона кулди.

— Қидирган нарсам хазинангизда эмас, кутубхонангизда экан, Олий Ҳазратлари, — деди Риштоний бошини эгиб.

Кучумхон ўз сўзида турди. У бош хазиначига юзланиб, кутубхонадан Риштонийга ўша тарихий китобни олиб беришга фармон берди...

Сарой кутубхонасида мингга яқин қадимий китоблар ва папирус қўлёзмалар сирли бир тартиб асосида тахланган бўлиб, хазиначи ўз дафтарига диққат билан қараб, "Китоб ул ат-Тилсимот" ни алоҳида ажратиб қўйилган бир тўп китоблар орасидан топди. Бу сирли китобнинг ёнида яна бир қатор нодир китоб ва қўлёзмалар, турли луғатлар

бўлиб, уларнинг орасида Ҳошим ибн Ҳакимнинг китобига ёзган шарҳи ҳам бор эди. Бу асарнинг ҳаммаси ҳам қизиқ ва нодир эди. Аммо Риштоний фақат "Китоб ул ат-Тилсимот"ни олишга ҳақли эди.

Орзу қилган китобини қўлга киритган Риштонийнинг қувончи ичига сиғмас эди. Кучумхоннинг олдига келганида, тиз чўкиб, унинг қўлини ўпди ва ўз миннатдорчилигини изҳор қилди. Кучумхон ҳам уста ҳакимнинг хизматларини юқори баҳолаб, унга бошқа қимматли совғалар ҳам ҳадя қилди, кейин сеҳргарни кучиб, муборакбод қилар экан, кутилмаганда:

— Барча орзуларингга эришдинг! Энди айт-чи, саройда қолиб, менга фарзандлик бурчини адо этурмисан? — деб сўради.


— Фарзандлик бурчини адо этиш болаларингизга насиб этсин, Ҳазратим! Менга не вазифа таклиф этурсиз! — деб сўради Риштоний.

— Менинг арзигулик мунажжимим, доно башоратчим йўқ. Боз устига ўсиб келаётган шахзодаларга тарбия берувчи, уларни етарлича билимга ўргатувчи муаллим ҳам йўқ, — деди Кучумхон айёрона кулиб, сўнгра жавоб беришга иккиланиб турган сеҳргарнинг елкасидан меҳр билан кучар экан: — Рози бўлавер, ўғлим. Ҳар бир вазифангга айрим-айрим ҳолда яхши мояна тўлайман, — деб қўшиб қўйди...

Риштоний уйга келиши билан қўлига сирли китобни олди, узунлиги бир қаричу тўрт энлик, эни эса бир ярим қаричга яқин бўлган бу китобнинг муқоваси қандайдир нотаниш ҳайвоннинг терисидан ясалган, қизил чармдан бўлиб, ўзидан аллақандай ис таратади. Риштоний меҳр билан юзига босганида бетига илиқ югуриб, бадани қизигандек бўлди...

Китобда нималар ёзилганлигини билишга ошиққан Риштоний варақламоқчи бўлди. Аммо китобнинг муқовасини очолмади. Китобни ҳар томонга айлантириб кўрсанда, муқовани очиш йўлини тополмади. Китоб қутидек қаттиқ ёпилган, махфий усул билан қулфланган эди. Алламаҳалгача уриниб китобни очолмаган Риштоний тонгга қадар ухлаб қолди.

Шунда Риштоний бир башорат қилувчи туш кўрди.



Тушида дарвеш пири мавлоно Ризқий пайдо бўлиб, уни етаклаб юарди. Улар Сулаймон тоғига чиқишганида қаттиқ совуқ туради. Шунда дарвеш шогирдининг қўлидан тутиб, бир ғорнинг ичига олиб кирди-да: "Энди сенинг маконинг совуқ ўлкалардир. Шу ерларда бахтли бўл!" деб дуо қилди. Қўлига чарм ғилофли китобни бериб, уни оч, деб буюради ва шогирдига бир вақтлари тақдим қилган оддий темир узук ёрдамида китобни очиш сирини ўргатади. Шогирди билан видолашар экан, мавлоно Ризқий китобга ишора қилиб: "Одамзот орзу қилган барча ажойиботларнинг сири ёзилган", деб ғордан чиқиб кетди.

Чўчиб уйғонган Риштоний ўйга ботади. Бир вақтлар устози билан Сулаймон тоғларида кезиб юришганида пири унга бир темир узук ҳадя қилиб: "Бу узук оддий темирдан бўлса-да, сенга узоқ умр бериб, бахтиёр яшашингнинг гаровидир", деганини эслади. У узукни тақиб юришга андиша қилиб, халтачага солиб қўйганди. Риштоний эски-туски нарсаларни титкилаб, ўша узукни излай бошлади. Ниҳоят, кечга яқин узукни бир хуржуннинг ичидан топди. Шунда дарров "Китоб ул ат-Тилсимот" ни олиб, унинг муқовасидаги лаъл доначасини темир узук билан босди ва китоб муқоваси очилди.

Китобнинг биринчи варағида қуйидаги сўзлар ёзилган эди: "Осмонга учиб кетганингда ҳам ерга қайтишни унутма! Осмонга қараган одам қоқилади. Доим ерга боқ. Барака топасан!"

Юқоридагиларни ўқиган Риштоний чуқур мулоҳазага борди. Биринчи бетиде насихат билан бошланган китобни ўқишда ҳам, унга амал қилишда ҳам жуда эҳтиёткор бўлиш лозимлигини тушунди. Китобда одамнинг уча олиши, йўқ бўлиб, ўзга ерда пайдо бўла олиши, ўқ ўтмас ва болта чопмас хусусиятларга эга бўлиши, сувда чўкмас, ўтда ёнмас хислатларга эга бўлиши ҳамда адабий барҳаётлик сирлари ёзилган бўлиб, Риштоний шу сирлардан огоҳ бўлгач ҳам, ўзини авлиёлардек санашдан сақланиши лозимлиги ўзига шарт қилиб қўйди.

Китобнинг муқовасини ёпар экан, Риштоний китобни очувчи бирдан-бир "калит" — темир узугини бармоғига тақиб олди.

СИНОВ

Эроний сеҳргар башорат қилганидек, Сибирь хони Кучум ибн Шайбонийхон хазинасидаги олтинлар йил сайин эмас, ой сайин, ҳатто кун сайин мисли кўрилмаган даражада кўпайиб борарди.

Шаҳзода Дилмурод ва унинг йигитлари Сибирь ерларидан топган кўплаб конлардан олтин ёмбилари хазинага дарёдек оқиб келарди. Салтанатнинг бу қадар ривожланиши сабаби Риштонийнинг мунажжимлик ва сеҳргарлик маҳоратига боғланган Кучумхон тўлиғича эроний сеҳргарнинг таъсирига тушиб, унинг кўрсатган чизигидан четга чиқмасликка ҳаракат қиларди. Салтанатда нуфузли ўринни эгаллай бошлаган Риштоний бўлса ўз ҳаётидан унчалик мамнун эмас эди. Кучумхоннинг таклифи билан саройда қолиб, бир йўла мунажжимлик, башоратчилик ва ҳакимлик ишларини қойил қилиб бажараётган Риштоний яна бир масала юзасидан бўйнига юкланган маъсулиятдан ўзини четлаш мақсадида хон ҳузурига кирди.

— Олий Ҳазратлари! Елкамга юкланган олий вазифа, яъни шаҳзодаларга таълим бериб, уларга илму тилсим, амалиёти нужум, илму башорат бобида билим бериш боразидаги, маъсулиятларни ғариб қулингизни елкасидан соқит қилишингизни сўрайман, — деб ҳукмдор қаршисига бош эгди.

— Не сабабдан? — сўради Кучумхоннинг капалаги учиб. Риштоний хонга шундай тушунтирди:

— Маълумингиз бўлсинки, биз ҳаёт кечираётган рўйи заминда юз бераётган ҳар бир ҳаракат, ҳар бир воқеа Улуғ Коинот билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг таъсирида юз бериб туради. Оддий халқ ҳамма нарсани Худодан деб билади. Аммо баъзи тоифадаги одамлар, туғма бир истеъдод билан оддий одамлар кўрмаган нарсаларни кўрадилар, ҳеч ким эшитмайдиган товуш ва овозларни эшитадилар. Бошқалар бажара олмайдиган ишларни қила оладилар. Бундай одамлар "Китоб ул ат-Тилсимот"да "боғловчилар" деб таърифланган. Оддий халқ бундай одамларни сеҳргар, жодугар деб номлаб, уларни жамоадан ҳайдашади, улардан қочишади...

— Одамлар нима деса дейишаверсин! Улар билан

ишинг бўлмасин. Болаларимга бу хил илмларни ўргат, деб мен сенга топширдим. Шунинг учун сен бу топшириқни индамай бажаравер! — деди хон бир оз ранжиб.

— Хон ҳазратлари, бешта шаҳзоданинг биронтаси ҳам "боғловчилик" қилишга лойиқ туғма хислати йўқдир! — деди Риштоний ниҳоят гапнинг индаллосига кўчиб.

— Сен айтган ноқобил ўғилларимнинг иккитаси ёш бўлишига қарамай, салтанат ҳудудини кенгайтирмоқда, янги ерлар очмоқда, хазинани олтинга тўлдирмоқда! — деди хон астойдил жаҳли чиқиб.

Шу суҳбатдан кейин Кучумхон бир ҳафтача Риштонийни кўрмади, кўрганида эса саломига алик олмади. Орадан бир ой ўтгач, Риштонийнинг башорати билан Сасиққўл мавзесида олтин конини топилганини эшитган Кучумхон анча юмшади, башоратчига яна мойиллик кўрсата бошлади. Бундан фойдаланган Риштоний кунларнинг бирида 15 ёшли Шомурод, 11 ёшли Султонмурод ва 5 ёшли Райҳонни олиб, Кучумхон ҳузурига кирди.

— Кутилмаган ташрифингизга не сабаб?! Ёки фарзандларим бирон гуноҳ иш қилиб қўйдими? — деди Кучумхон киноя билан.

— Мен фарзандларингизни улуғ Коинот билан алоқа қилиш даражаларини сиз Олий Ҳазратларига намоиш қилмоқчиман, — деди Риштоний бепарволик билан.

Шаҳзодалар билан маликани Кучумхонга орқа ўгириб ўтказиб қўйган Риштоний оёқ учида юриб, секин хонга яқинлашди. Ундан қўлидаги олмос кўзли узугини бирон ерга яширишини сўради. Ҳеч нарсга тушунмаган Кучумхон узукни бармоғидан ечиб, Риштонийнинг қўлига тутқазди. Риштоний хон берган узукни бошидаги салласининг ичига яширди ва шогирдларидан яширилган узукни топишни сўради.

Шомурод билан Султонмурод хоннинг ёнига келиб, унинг бармоқларини ёзиб кўришди, чўнтақларини титкилаб кўришди. Малика Райҳон эса топшириқ олиши билан бир зумда ўзгариб қолди. Унинг жилмайиб турган чиройли юзи жиддий тус олди. Хонанинг ўртасига келганда, жойида қотиб, киприкларини пириллатганча аллаким билан гаплашаётгандек, лабларини қимирлатиб қўйди. Кейин бирдан шаҳло кўзлари чарақлаб:

— Узук муаллимнинг саллаларида! — деб Риштонийга ишора қилди.

Хурсанд бўлган Риштоний салласини орасидан узукни олиб, маликага бераркан, уни самимий олқишлади.

Кучумхон ўрнидан шартта туриб, маликанинг қўлидан узукни олар экан, Риштонийга қараб:

— Сен узукни яширадиган ерингни маликага олдиндан айтиб қўйгансан! Шунинг учун ҳаммангиз терс бурилинг! Узукни мен яшираман, — деди.

Хонадагиларнинг барчаси хонга орқа ўгириб, анча пайтгача туриб қолишди. Ниҳоят Кучумхон уларнинг бурилишларига рухсат берди. Шоҳ Риштоний ва икки шахзодани узук қидиришдан чеклади. Бу ишни маликанинг зиммасига юклади. Хонанинг қоқ марказига келиб қолган қизалоқ лабларида ярим табассум билан кўзларини аста юмди, бир оздан кейин кўзларини очди. Кафтини кўксига босганча, Кучумхонга қараб:

— Бузрукворим, узук остингизда, — деди қизариб.

Кучумхон анграйиб қолди. Сўнгра қизни кўтариб, бағрига босаркан:

— Қизалоғим, узук тагимда эканлигини қандай билдинг? — деб сўрарди.

Шунда малика Райҳон:

— Кимдир қулоғимга шивирлаб айтгандек бўлди, — деди.

— Олий ҳазрат, фарзандларингиз ичида фақат маликада ажойиб қобилият борлигини ўзингиз шахсан гувоҳ бўлдингиз. Малика Райҳонни тарбиялаб, унга яхши билим берилса, у ажойиб "боғловчи" бўлиб, Коинот хабарларини бизга етказувчи, бизнинг саволларимизни уларга узатувчи бўлиб етишади. Бунинг учун маликанинг қалбида инсонларга хос бўлган рашк ва ғараз, қаҳр ва ғазабларга ўхшаш жирканч хислатлар бўлмаслиги лозим. Сиз Олий ҳазратлари рухсат берсангиз, маликага ўз билимим ва ҳунаримни ўргатишга бел боғлайман, — деди Риштоний...

Райҳонни шогирдликка олган Риштоний хон билан хайрлашар экан:

— Олий Ҳазратлари! Маликанинг менинг тарбиямга ўтганлигини сизу мендан ўзга ҳеч ким билмаслиги керак! — деб шарт қўйди.

Ҳукмдорларнинг саройларида бошқа мамлакатлару ўлкаларда келган сайёҳу элчиларнинг ажойиботлари ҳақида гапириб беришлари одатий ҳол эди. Галдаги бир йиғинда Сибирь хонлигидан Ҳиндистонга, Бобур империясига элчи бўлиб бориб келган Арслон Етим Бобурзода Акбаршоҳ саройида кўрганларини қўшиб-чатиб гапириб беришди.

— Агра шаҳри бизнинг Сибирь шаҳарларига сира ўхшамайди у ерда қиш бўлмайди. Йил бўйи ёз фаслидир! Шунинг учун ҳиндлар ярим яланғоч бўлиб юришаверади. Аёлларнинг эса фақат кўкракларигина берк, қолган ерлари очик, — деди мазах қилиб.

— Хитой ҳоқонлари нима сабабдан Буюк деворни қурдирганларини сабабини биласизларми? — деб Арслон Етимни сўзини чўрт кесди Лю Си Ан деган хитой элчиси.

Кимдир ўтирган еридан "Душман кучларидан сақлаш учун", деб жавоб қилди. Шунда хитойлик элчи ғурур билан:

— Халқимиз шу қадар кўпки, душманга қарши курашда ҳар қандай ҳарбий кучни оддий таёқ билан йўқ қилиб юбора олади. Аммо ялқовлик касали олдида улар ҳам кучсиздир. Шунинг учун ялқовлик касали шимолдан ёки ғарбдан кириб келиб қолмасин деб, тоғ ҳудудда ана шу машҳур девор қурилган, — деди.

Лю Си Ан улкан деворнинг қанча йилда қурилгану, унинг ўлчамлар ҳақида гапириб берди. Даврада ўтирганлар бири олиб, бири қўйиб, Хитой буюмларининг аъло сифатли эканлиги, Хитой халқининг донолигини, ажойиб ҳунарлар соҳиби эканлигини мақтай бошлашди. Кучумхон салтанатида паноҳ топган нўғай шаҳзодаларидан бири бўлган Искандар Юсуфга хитойликнинг мақтаниши ёқмади, у ўрнидан туриб шундай деди:

— Меҳмонимиз ҳинд халқи номига ўринсиз гаплар қилиб, хатоликка йўл қўйдилар. Чунки қадимий ҳинд халқининг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси Хитой ва Миср олимлариникидан кам эмас! Чунончи, рус усталарининг бажарган ишларига тасаннолар айтса бўлади, шоҳ Иван Грознийнинг саройида олтиндан ясалган товусни кўрганман. Бу қуш ўзидан ўзи ҳаракатга келиб, думларини ёзади, вақти-вақтида сайраб ҳам қўяди. Подшо Иван қўлимга оддий товук тухумини тутқазганида, ҳайратдан

оғзим очилиб қолган. Тухум пўстлоғини қириб, шундай ишлов берилган эдики, мўрт пўстлоқнинг синмай, бутун қолгани таажжублидир...

Юсуфхон Мирза русларни мақтай бошлаганида, Кучумхон унинг ҳовурини босди:

— Бизга қондош уруғ бўлган Самарқанд султони Шайбонийхоннинг ҳам саройида кўп ажойиботлар бўлганидан хабардор эруرمىз, — деди Кучумхон дона-дона қилиб гапираркан. — Айтишларича, Шайбонийхон ўзининг суюкли хотинига Самарқанд усталари томонидан Бадахшон лаълида ясалган атиргулни тақдим қилган экан. Гулдан шундай хушбўй ҳид анқиб турганки, унинг ичидан малика кун бўйи сархуш бўлиб юрган. Табиатдан жуда мўрт бўлган лаъл жавоҳирини тарошлаб, атиргул шаклида келтириш ва ундан гул исининг анқиб туришига эришиш менимча Хитой деворини қурган гишт терувчиларнинг ҳам, олтиндан сайровчи товусни яратган ўрис усталарнинг ҳам қўлларидан келмаса ҳам керак, — деди Кучумхон қатъий оҳангда ва ёнига Риштонийни чақириб: — Қудратли ҳаким! Меҳмонларимга сеҳр бобидаги санъатингни кўрсатиб, уларни лол қолдир! — деб буюрди.

Меҳмонларга назар ташлаган сеҳргар кўпчилик ичидан Хитой элчисини танлаб олди. Элчининг олдида турган ликопчага "жон битиб", дастурхондан кўтарилди. Бўш ликопча Лю Си Аннинг юзи атрофида гириллаб айлана бошлади. Анграйиб, оғзи очилиб қолган элчи гоҳо баландлаб, гоҳо эса пастлаб "парвоз" этаётган ликопчани ҳаракатини даҳшат билан кузатарди. Ликопча айлана-айлана яна дастурхон устига пасайиб, ўз жойига қўнди. Хитой элчисинининг қийиқ кўзлари чақнаб: "Жуда қойил! Жуда қойил!" деб, Кучумхон тарафга таъзим қилди, даврадагилар баробарига "Офарин! Офарин!" деб хитоб қилдилар. Кучумхон бўлса мамнуният билан кулиб:

— Бу Хитой ўйинчиларининг ёғоч учида ликопча айлантириш эмас! Бу ҳақиқий сеҳргарликдир! — деди.

Меҳмонлар ҳозиргина кўрган ҳодисани бир-бирларига таърифлаб ўтирганларида бирдан Ҳиндистонга бориб келган Арслон Етим ўтирган тарафда кулги кўтарилди, ҳамма меҳмонлар ўша томонга қарашди. Ва улар ҳам кулгидан ўзларини тутолмай қолдилар. Чунки Арслон Етим

беихтиёр равишда ярим ялонғоч бўлиб, ҳиндча либосда эди. Ўзининг қай аҳволга тушиб қолганини сезган Арслон Етим яширинишга жой тополмай, типирчилар эди.

Кучумхоннинг унга раҳми кели, Риштонийга:

— Бечорани бошқа шарманда қилма! Уни асл ҳолига қайтар! — деб буюрди.

Сўнгра Кучумхон меҳмонларни битта-биттадан тургазиб, уларнинг юрагида қандай ўй бору, нималарни хоҳлаб ўтирганини айтиб бера бошлади. Дастлаб, ичимдагини Кучумхон қандай била оларди, деб ўйлаган меҳмон дадил ўрнидан турарди. Кейин унинг дилидаги яширин фикрлари ошкор бўлгач, тик турган меҳмон ҳайратдан донг қотарди...

1533 йилининг қаҳратон қишида хон саройида уюштирилган бу зиёфат поёнсиз Сибирь ерларида ва унга қўшни мамлакатларда "Кучумхон одамнинг ичидагини олдиндан била оладиган илоҳий қудратга эга экан" деган ваҳимали гаплар тарқалишига сабаб бўлди. Сибирнинг ерости бойликлари, айниқса, олтинларига кўз тутган Московия салтанати Бухоро ва Хоразм хонликларига элчилар юбориб, уларнинг ўз томонга оғдириш, Кучумхон билан ўрталарида бўлган қардошлик ипини узиш учун ҳар қандай ишга тайёр туради.

ЯНГИ РЕЖА

Рус тарихида Бешафқат Иван номи билан ўрин олган шоҳ — Иван Грозний 1530 йили туғилган. Рус тарихчиси Василий Ключевскийнинг таъбирича, "У... биринчи навбатда ўз манфаатини кўзловчи, худбин, авлодлари номидан ўрнатилган азалий удумларини бузувчи одам бўлган".

Ёши элликка яқинлашиб қолган шоҳдан ҳар дақиқада дашном кутувчи сарой аҳли унинг ҳузурида жонини ҳовучлаб турарди. Бугун эса унинг кайфияти эрталабданоқ ёмон эди. Нонушта пайтида хизмат қилиб юрган қизни атайлаб туртиб юборди ва довдираб қолган қизнинг қўлидан патниси учиб кетди. Қўрққанидан типирчилаб қолган қизнинг юз карра эгилиб узр сўрашидан ўзгача завқ олган шоҳ завқланиб кулди.

Подшонинг кайфияти кўтарилганидан фойдаланган амалдорлар унга яқинлашиб, тезлик билан ўз ишларини битказиб олиш тараддудига тушдилар.

Мағлуб бўлган ливонликларнинг Коленгаузен шахрига ҳокимлик масаласи ҳал бўлаётганда бир пастор эҳтиётсизлик билан ҳоким Лютерин "Авлиё Павелнинг худди ўзгинаси" деб қолди. Шунда ғазабга келган Иван қўлидаги қамчиси билан унинг бошига яхшилаб тушириб:

— Сени ҳам, авлиё Павел билан Лютеринни ҳам жин урсин! — деб, мажлисдан ҳайдаб юборди.

Авзойи бузилса, Иван ён-атрофдаги ҳеч кимни аямасди. Шундай дамда ҳеч ким унинг қўлига тушишни истамасди. Ҳамма унинг кўзидан нари юришга ҳаракат қиларди.

Ҳозир ҳам шоҳнинг авзойи бузилганини кўрган амалдорларнинг ранги ўчиб турган бир пайтда, шоҳ ҳузурига Қозон шаҳзодаларидан бири Мирзо Қосимхон (русча-Қосимов) ташриф буюрди.

Бу шаҳзодани шоҳ Иван Грозний Ҳожи Тархонга (Астраханга) муҳим топшириқ билан юборган эди. Ҳожи Тархон хонлигини 1576-йили босиб олган шоҳ пойтахтни рус аскарларига талатиб, кейин шаҳарга ўт қўйиб юборади. Хонлик хазинасида бир танга олтин ёки қумуш танга қолдирмай, талон-тарож қилдиради. Бир ой давомида хазинани шахсан ўзи титиб, у ердан сирли асар, "Китобул ат-Тилсимот"ни ахтаради. Ҳожи Тархон хонининг бой кутубхонасидан ҳам бу китобни топа олмайди. Улуғ Олтин Ўрданинг асосчиси Ботухоннинг хазинасида азиз буюмдек сақланган бу сирли китобни Қрим ва Қозон хонликларида йўқлиги маълум бўлгач, рус подшоси китобни Ҳожи Тархоннинг хазинасидан топишга умид боғлаганди. Аммо подшонинг сўнгги умиди ҳам пучга чиқади. Ҳожи Тархоннинг хазинасидан ҳам бу китобни топа олмаган Иван Грозний Мирзо Қосимни Аштархонга йўллаб, шаҳарнинг барча масжиду церковларини, бадавлат одамларнинг хонадонларини остин-устун қилиб, титиб бўлса-да, муқаддас китобни топиб келтиришни унга топширади. Соғлиғи кун сайин ёмонлашиб бораётган подшо шу китобни қўлга киритгач, албатта шифо топиб кетишига, қолаверса, боқий ҳаёт кечириб, бутун дунёни маҳв этиб, ўз ҳукмига олишга қаттиқ ишонар эди.

Шунинг учун остонада пайдо бўлган Мирзо Қосимнинг бетига эмас, қўлларига қараган Иван Грознийнинг кўзлари ёнди. Чунки шаҳзода Мирзо Қосимнинг қўлида

уч-тўртта китоб бор эди. Шаҳзоданинг тиз чўкиб берган саломига аҳамият бермаган подшо югуриб бориб, шаҳзоданинг қўлидаги китоблардан бирини олди. Ҳовлиқиб, китобни тез-тез кўздан кечира бошлади. Китоблар араб имлосида битилганлиги учун уларга "тиши ўтмади". Дарҳол шарқ тилларини яхши билган, қадимий араб тили бўйича етук билимдон бўлган татар уламози Собирийни ҳузурига чақирди. Китобларга кўз югуртиб чиққан уламо китобларнинг жуда қадимийлигини тасдиқлади, Аммо уларнинг биронтаси ҳам "Китобул ат-Тилсимот" эмаслигини айтди. Шунда жазавага тушиб кетган шоҳ ҳеч қандай гуноҳи йўқ уламога ташланиб, унинг соқолидан тутамлаб тортди ва бечорани дўппослай бошлади. Катта салласи бошидан учиб кетган Собирий, зўрға подшони қўлидан қутулиб чиқиб, қочиб қолди. Оғзи кўпириб кетган шоҳ энди қўрқиб, хонанинг бир бурчагига яшириниб олган шаҳзодани топиб олиб, уни калтаклай кетди. Жазавага тушган подшонинг муштидан ўзини қандай ҳимоя қилишни билмай қолган бечора шаҳзода:

— Яна бир ер бор! Яна бир хонлик бор! — деб бақирар эди.

Ниҳоят шаҳзоданинг ноласи қулоғига етган Иван Грозний уни калтаклашдан тўхтатиб, шаҳзоданинг елкасидан тортиб турғазди-да, кўзлари қўрқувдан қотиб қолган Мирзо Қосимга:

— Бор, квас келтир! — деб буюрди. Квас ичиб, бир оз нафасини ростлаб олган золим шоҳ шаҳзоданинг қонгалаш бўлиб қолган башарасига, йиртилиб кетган уст-бошига қараб унга раҳми келди чоғи, бир оз овозини юмшатиб:

— Яна бир хонлик бор, деганингда қайси салтанатни назарда тутдинг? — деб сўради.

— Сибирь хонлигини! — деди шаҳзода кўзлари пирллаб.

Мирзо Қосимнинг жавобидан ҳушёр тортган рус подшоси шартта ўрнидан турди-да, ўзининг жарангдор, йўғон овози билан қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади.

— Бир вақтлари менга вассал бўлиб, хизматимни қилган Кучумни 1557 йили ўзим хонликка кўтарганман! Бутун ботқоқлигу, ўтиб бўлмас тайгадан иборат бўлган ташландиқ ўлканинг хони бўлиб қолган Кучумнинг сандиқларида

мен излаган муқаддас китоб у ёқда турсин, бир варақ қоғоз бўлишига ҳам ишонмайман! — деб тиззасига уриб кулиб кўйди.

— Олий Ҳазратлари, бекор куляпсиз! Раҳматли отамнинг айтишларича, Олтин Ўрданинг парчаланишида Ботухон хазинасининг катта қисми Кучумхон авлодлари ҳукмига ўтган экан. Ботунинг машҳур кутубхонаси ҳам тўлиғича Сибирь хонлигининг мулкига айланган. Шул сабаб, "Китобул ат-Тилсимот" айнан Кучумхоннинг кўлида бўлиши мумкин, деб ўйлайман, — деб Мирзо Қосим ўз тусмолини баён қилди ва шоҳнинг ўйланиб қолганини кўриб: — Сибирга бориб-келиб юрган савдогарларнинг айтишларича, ўша ботқоқликлару қарағайзорлардан иборат бўлган Сибирь подшолигининг ерлари олтин ва кумушга жуда бой эмиш...

Ока дарёсининг ўрта оқимида жойлашган каттагина вилоятни шоҳ Иван Грозний, рус салтанатининг таркибида бўлган Қосимов подшолиги деб эълон қилиб, унинг тахтига шаҳзода Мирзо Қосимни ўтказган эди. (Бу подшоликнинг собиқ пойтахти бўлган Қосимов шаҳри бизнинг кунларгача номини сақлаб қолган Рязань вилоятидаги йирик саноат шаҳридир. *Муаллиф.*) Кичик бўлса-да, бир мустақил салтанатнинг подшоси бўлиб олган Қозон шаҳзадасининг катта орзуси Сибирь хонлигини қўлга киритиш эди. Бунга эса шоҳ Иваннинг ёрдамисиз эриша олмаслигини яхши биларди. Шунинг учун аламзада Мирзо Қосимнинг дами ичида бўлиб, рус подшосининг уришига ҳам, сўкишига ҳам чидаб, қулай вақтни кутар эди. "Китоб ул ат-Тилсимот" китобини қўлга киритишнинг пайига астойдил тушган Иван Грозний бу муқаддас китобни топиб келтиришни айнан шу, ўзининг содиқ югурдаги Мирзо Қосимга топширди. Учта хонлик ҳудудларида бу китоб топилмагач, татар шаҳзадаси рус подшосининг нигоҳини Сибирь хонлигига қаратишни айнаи вақти эканлигини билди...

— Бекорчи гапларни бас қил! — деб шоҳ Мирзо Қосимнинг сўзининг бўлди. Сўнг бир оз ўйланиб турди-ю, бир қарорга келиб: — Сенга содиқ бўлган йигитларингдан бириккитасини хонлик пойтахтига йўлла, — деди подшо. — Агар китоб сен айтгандек, Кучумхон хазинасида бўлса, у

ҳолда китоб албатта меники бўлади. Агар тентак Кучу бунга кўнмаса, уни тахтдан қулатиб, сени хон қилиб кўтараман! — деди шоҳ худди Мирзо Қосимнинг кўнглидаги гапни сезиб тургандек...

Сибирь ерларида анча пайт қолиб кетган Мирзо Қосимнинг айғоқчилари ниҳоят изларига қайтиб, изланаётган китоб чиндан ҳам кўп йиллар Кучумхон кутубхонасида сақланаётганини, кейин эса Риштоний деган эроний сеҳргарнинг қўлига тушиб, сеҳргар ўзининг кундалик амалиётларида шу китобдан фойдаланиб, турли хил ажойиботлар кўрсатаётганлиги, ўлимга маҳкум бўлган Кучумхон фарзандининг жонини сақлаб қолганлиги ҳақидаги гапларни топиб келишди. Бу гаплардан жунбушга келган Иван Грозний зудлик билан катта қўшин тўплаб, Кучумхон устига юборди.

Бироқ Хоразм ва Бухоро хонликларидан кучли ҳарбий кўмак олган Кучумхон рус қўшинларини Қозон хонлигининг чегарасидан чиқармай туриб, Сарипул остоналарида тор-мор қилиб ташлади. Омон қолган 380та аскар билан Москвага етиб келган лашкарбоши — Тоҳир ботир шоҳ хузурига кириб:

— Сен "Кучумхон қўшини фақат ёввойи хантилару мансилардан иборат, жанг майдонига кийикларда келишади" деб менга ғирт нотўғри маълумот бердинг! Аслида эса Кучумхоннинг қўшини Хоразм ва Бухородан келган жанговар аскарлардан иборат экан. Турк аскарлари жанг майдонида мағлубият билмайдилар! — деб жаҳл қилди.

Енгилиб келган қўмондонининг гапидан ларзага келган Иван Грозний ўрнидан сапчиб туриб, Тоҳир ботирнинг юзига тарсаки туширмоқчи бўлиб қўл кўтарганида, лашкарбоши подшонинг билагидан тутиб қолди. Билагини Тоҳир ботирнинг чангалидан озод қилолмаган бешафқат шоҳнинг кўзлари олайиб: "Соқчилар! Соқчилар!" деб ҳайқирди. Югуриб кирган сарой навкарлари Тоҳир ботирнинг қўлларини боғлаб, олиб чиқиб кетишди. Сўнгра Сибирь ҳарбий сафаридан омон қайтган 380 та рус аскарларини ҳам қамашди.

Эртасига Москванинг савдо майдони (Ҳозирги Қизил майдон)да тумонат одам тўпланди. Иван Грозний келиб, Василий Блаженный соборининг эшиги олдида қўйилган

тахтга жойлашгач, кечаги аскарларни майдонга олиб кира бошлашди.

Болтасини ушлаб, шай турган жаллод олдига дастлаб Тоҳир ботирни олиб келишди. Қатл супасига кўтарилаётганда, Тоҳир ботир ўзини сургаб келган навкарларни четлатиб, кундага ўзи яқинлашди. Унга хоч тутган черков попини четлатиб, подшо Иван томонга қараб бир тупурдида, кундага ўзи бош қўйди. Жаллоднинг эпчил ҳаракати билан жанговар қўмондоннинг боши узилди. Тоҳир ботирдан кейин у билан жангга отланган ўн икки қозоқ йигитларнинг, сўнгра эса рус аскарларининг ҳам бошлари узила бошлади. Кўп ўтмай, Савдо майдони қип-қизил қонга бўялди....

Қатл маросими авжига чиққан пайт Успенский соборида ўтирган Москва ва Бутунруссия митрополити Филипп ўзининг диний мавқеидан фойдаланиб, шоҳ Иваннынгни ёнига келди-да, қатлга маҳкум этилган аскарларнинг бир томчи қонидан кечиб, қатлни тўхтатишни сўради. Шунда Иван Грозний ўз газабини зўрға босиб:

—Авлиё ота, яхшиси жим бўлинг! Фақат бизларга оқ фотиҳа бериш учунгина оғзингизни очишингиз мумкин! —деди ғижиниб.

— Бизнинг жим туришимиз оқибатида сен гуноҳга ботасан, атрофни эса мурдалар эгаллайди, — деди митрополит куюниб.

Қатл сўнггида шоҳ митрополит Филиппнинг ҳам бошини кундага қўйдирди.

Бундай ўтакетган ваҳшийликдан ларзага тушган рус халқи ўз подшосини лаънатлади.

1580 йил. Пермь шаҳридаги трактирларнинг бири. Строганов билан Демидов деган рус саноатчилари катта зиёфат бериб, ичкиликбозлик қилиб ўтиришарди. Пермлик 5-6та бекорчилар эса бадавлат заводчилар атрофида гирдикапалак бўлиб, текин зиёфатдан баҳраманд эдилар.

— Фёдорович! — Строгановнинг эътиборини ўзига қаратган Демидов ундан гина қила бошлади: — Ишларим юришмаяпти, деб ҳадеб нолийверма! Худонинг қаҳри келади! Туз конларинг қишин-ёзин тинмайди, заводларинг

тўхтамай ишлаб турибди. Рус тупроғида сенинг тузингни ишлатмаган шаҳар, қишлоқларнинг ўзи йўқ...

— Сен Демидич, кечагина савдога келган гумашта болаларнинг гапини қиялпсан! — деди Строганов дўстининг гапини бўлиб. — Боядан бери жонимни қийнаб, "Чиқимим киримимга тенглашиб қолди. Бунақада бир-икки йил ичида корхоналаримни сотишга тўғри келади", десам сен тушунмай, Худони тилга олялпсан. Тайёр маҳсулотлар заводларимда тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Ғарб ва жануб ерларимиздаги бозорларга етгунча тузлар қотиб, сотувдан чиқиб қолмоқда. Аммо бозор торлик қилмоқда....

— Фикрингни тушундим! Сенга яқин бозор керак.

— Ана энди сен ҳам ҳақиқий саноатчининг гапини қилдинг! — деди Строганов кўлидаги қадаҳни бўшатар экан, сўнг Демидовни кучиб, юзидан ўпди. — Хомашё заҳираси билан бозор яқин бўлса, саноатчининг ошиғи олчи бўлади.

Навбатдаги қадаҳ бўшатилагач, Демидов Строгановнинг кулоғига оғзини кўйиб олиб, унинг маҳсулотлари учун янги бозор сифатида Сибирь хонлигини тавсия қилди. Московия подшолиги билан Сибирь хонлиги ўртасидаги сиёсий аҳволдан яхши хабардор бўлган Строганов ҳам-товоғининг гапига эътиборсизлик билан қаради.

— Шоҳ Иван Васильевичнинг бутун фикри-зикри ҳозир ғарбга қаратилган. У литваликлар билан масалани бир ёқлик қилиб, Болтиқ денгизига чиқмоқчи. Бундан нима фойда кутмоқда, билмайман, — деди Строганов кўл силтаб.

— Сен эса подшонинг фикрини шарқ томонга бур! Сибирь хонлиги, Хоразм, Бухоро хонликлари орқали Ҳиндистон билан савдо-сотик имкониятларини туғилишини уқтир!

— Иван Васильевични бунга кўндириш қийин!

— Агар ҳарбий юриш ҳаракатларини ўз зиммамизга олсак, нега кўнмас экан? Сўзсиз кўнади! — деди Демидов ишонч билан.

— Хўш, бу тadbирдан сен қандай манфаат кўзлаялпсан, муғамбир тулки? — сўради Строганов маст кўзларини Демидовга тикиб.

— Шуни билки, сендек тирриққа мен асло рақобатчи бўлмайман! Мен улардаги темир конларга эгалик қилишни истаيمان! — деди Демидов дўстини тинчилантириб.

Трактирда бўлиб ўтган икки саноатчи ўртасидаги гап, кайфда бўлиб ўтган сафсата эмасди, чунки улар эртаси куниёқ амалий ишга ўтдилар. Строганов билан Деми-довларнинг ёнига кўнчилар билан мўйначилар ҳам қўшил-дилар. Йирик ер эгалари ҳам четда қолмадилар. Фидойилар ҳатто ҳарбий кўшинга бош-қошлик қила оладиган жанго-вар одамни ҳам топиб берадиган бўлишди. Навбатдаги йиғилиш яна ўша трактирда бўлиб ўтди ва бўлғуси кў-мондонни ҳам мажлисга таклиф қилишди. Бу одам Ермак Тимофеевич деган казаклар жўрабошиси бўлиб, бўйи ўр-тадан сал тикроқ, бакувват, жуссали одам эди. Ўз йигит-лари билан нўғай Ўрдаси ва қалмоқ қабилаларига босқин уюштириб юрган бу атаман ҳам, унинг йигитлари ҳам ан-чадан буён қиличбозликлардан йироқ бўлиб, ер ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолишган эди. Ярми татар, ярми рус бўлган Ермак атрофдаги вилоятлардан мингга яқин казакларни йиғиб, рус подшолиги байроғи остида бирлаштириб, Кучумхон устига юра олишни ваъ-да қилиб, бу ҳарбий сафарга кетадиган харажатлар ҳаж-мини ҳам хомчўт қилиб берди. Строганов билан Демидов бошчилигидаги мулкдорлар якдиллик билан казаклар жў-рабошчисига бу миқдордаги маблағини уч-тўрт ойда йиғиб беражакларини айтишганда, Ермак уларнинг диққатини асосий масалага қаратди.

— Мен давлат кўлловисиз бу ишни бошлай олмайман! Шунинг учун подшо Иван Васильевичдан менинг номим-га, Сибирь хонлигининг чегараларини бузиб кириш бу ерда яшовчи вогуллардан (ёввойилардан) ясоқ ундириш ҳуқуқини берувчи ёрлик бўлиши шарт! — деди...

Таниқли туз ишлаб чиқарувчини қабул қилган Иван Грозний тахтида ўтириб олганча, саноатчининг таклифини эътиборсиз тинглади. Бундай қалтис ҳарбий тадбир учун хазинадан бир танга чиқмаслигини билгачгина тадбирнинг айрим ерларини қайта изоҳлашни сўради. Ерлик Сибирь халқидан солиқ унишини эшитгач, шоҳнинг чехраси бир оз ёришди.

— Ермак Кучумхондан хонлик хазинаси ва Боту кутуб-хонасини бизнинг ихтиёримизга берилишини талаб қил-син! Бу бойликлар аслида Россия ерларида йиғиб олинган. Зеро, улар русларга тегишли.

Шоҳ Сибирь хонининг устига ҳарбий юриш уюштириш учун сиёсий баҳона топилганидан хурсанд бўлиб кетди. У оғир қадам ташлаб, хона ичида юрар экан, чуқур ўйга ботиб, бир нуқтага тикилганча тўхтаб қолди. Сўнгра Строгановга қаттиқ тикилиб:

— Кучумнинг устига юришнинг вақти-соатини ўзим белгилайман! — деб саноатчини чиқариб юборди.

Подшонинг ижозатини олган Строганов қанот қоқиб, ўз юртига кетди.

Иван Грозний ўз ҳузурига инглиз салтанати вакили Жонкинсон билан Мирзо Қосимни таклиф қилди. Жонкинсонни Бухоро хонлигига, Мирзо Қосимни эса Хоразм хонлигига рус подшолиги тарафидан элчи қилиб юборар экан, уларнинг зиммаларига қуйидаги мушкул вазифани юклади:

— Бизнинг номимиздан хон Олий Ҳазратларидан Сибирь хони Кучумга ҳарбий ёрдам бермасликни илтимос қиласизлар, — деди шоҳ.

Топшириқдан ҳанг-манг бўлиб қолган иккала элчи бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашди. Мирзо Қосим бирор-бир сўз айтишга ботина олмай, довдираб турганида Жонкинсон далиллик қилди.

— Олий Ҳазратлари! Ахир бу қалтис қадам-ку! Осиёлик ҳукмдорлар бизни нотўғри тушунишлари мумкин. Ахир уларнинг барчаси бир-бирига қондош-жондош уруғлар-ку — деди инглиз қўлларини икки тарафга ёзиб.

— Бундай ҳаракатлар эвазига уларнинг савдогарларига Россия ҳудудларида божсиз савдо қилиш ҳуқуқини бера-жагимизни ваъда қилсангиз, хонлар ҳар қандай уруғчилик ришталарини узиб ташлайдилар. Чунки туркий хонларнинг барчаси савдо билан чамбарчас боғлиқ, — деди шоҳ ишонч билан.

Бундай гапга эътироз билдира олмаган икки элчи салтанат ваколатномасини қўйниларига солганча, ўзларига мутлақо нотаниш ва сирли бўлган машҳур Хоразм билан афсонавий Бухоро хонликлари томон йўлга чиқдилар.

Айни дамда Иван Грозний яна бир ваколатнома тайёрлаб, 1581 йилнинг баҳоридан бошлаб Сибирь хонлиги ҳудудларига бостириб кириш ҳақида буйруқ берди.

ТАНАЗЗУЛГА УЧРАГАН ШОҲ

Бухоро амири рус подшоши Иван Грознийдан элчи бўлиб келган Жонкинсонни қабул қилмади. 1557 йили Бухоро тахтига Абдуллахон номи билан ўтирган амир шайбонийлар авлодидан бўлиб, ҳамма хонлигу бекликларни Бухоро атрофида бирлаштириб, заминда ягона, қудратли Турон салтанатини қуриш нияти билан яшаган, ўткир сиёсатчи, ақлли лашкарбоши, ўта кўркем одам эди.

Балки шунинг учундир, у узоқ Московиядан келган насроний элчи билан учрашишдан кўра, Бухоро ва Сибирь хонликлари ўртасида ястаниб ётган Дашти Қипчоқ яйловларида кўчиб юрган қардош қозоқ султонларига илтифот кўрсатишни афзалроқ билди. Чунки Ҳақназар деган қозоқ султони ўз байроғи остида қозоқ ботирларию ўғлонларини бирлаштириб, Абдуллахон салтанатининг шимолий ҳудудларига хавф солар, Тошкент ва Сайрам вилоятларига ўқтин-ўқтин бостириб кириб, халқни талон-тарож қилиб турарди. Қозоқ ва қирғиз қабилаларини бирлаштириб, Мўғулистонга ҳужум қилган Ҳақназарнинг ўша кезлари ойрат (жунгар) қабиласининг кўшинидан енгилганлиги Абдуллахонни қозоқлар тажовузидан бир муддат халос этгандек бўлди. Аммо салтанатининг чекка ҳудудларида ҳукм сурган бу осойишталикнинг узоқ чўзилмаслигини яхши билган Абдуллахон Дашти Қипчоққа кўшин тортиб, бебош қозоқ султонларининг таъзирини бериб, керак бўлса, ўз ҳукмига ўтказиш ниятида юрарди. Бироқ бу ҳарбий сафар натижасида қўлга киритиладиган ўлжаларнинг қимматли эканлигини назарда тутган Абдуллахон шимолга уюштирилиши керак бўлган сафарни орқага суриб келарди. Айнан ўша кунларда кичик жуз уруғидан бўлган Шигайхоннинг ўғли хонзода Таваккал билан Бухорога, унинг ҳузурига паноҳ излаб келиши амир назарида ҳамма муаммони ҳал этадигандек бўлди.

— Менинг Кичик жуз элатимнинг молу мулклари, ўтлоғу яйловлари билан ўз ҳимоянгга ол! Бизни рус подшоши Иван тажовузидан асра! Бебош Ҳақназарни эса сенга совға қилиб келтирдик! — деди Шигайхон, амир олдида тиз чўкиб, унга тортиқни узатаркан.

Хизматкорлар қора матога ўралган матони очишга-

нида, ундан Ҳақназарнинг қонга беланган боши думалаб тушиди, бундай хунук манзарани кўрган Абдуллахон сесканиб кетди. У ўз қондоши яқин уруғига хоинлик қилган Шигайхондан ҳам, унинг ўғли Таваккалдан ҳам садоқат кутиб бўлмаслигини сизди. Аммо Мовароуннахрнинг тинчини бузиб юрган, ўз душманидан осонгина қутулганига хурсанд бўлган Абдуллахон меҳмонлар сўровини қондириб, кичик жуз уруғини Бухоро хонлигининг таркибига қўшиб олди. Сўнгра қозоқ хонлиги қалбида ўзига нисбатан бирор гина-қудрат сақланиб қолмасин, деган ниятда Шигайхонга Хўжанд вилоятини ҳадя қилди.

Абдуллахоннинг илтифотидан бошлари осмонга етган ота-ўғил ўзларини хонга қанчалик содиқ эканлигини кўрсатиш ниятида Орол соҳилларига шошилишч юриш қилиб, Абдуллахоннинг азалий душмани бўлган Баракхонни хоинларча ўлдириб, бошини Бухорога келтиришди. Қозоқ хонларининг бундай ёрдамларидан ғоятда мамнун бўлган Абдуллахон мумдек эриб, шаҳзода Таваккалга кўпдан-кўп ҳадялар қаторида Зарафшон водийсидаги Вобкент ва Шопуркон ерларини ҳам совға қилди. Айни дамда салтанатига сезиларли осойишталик олиб келган қозоқ хонларининг қилган "яхши хизматлари" олдида эсанкираб қолган Абдуллахон ўзи унча хушламайдиган рус подшосидан келган элчининг қабул қилишга шошилмас эди...

Женкинсон элчиликдан ҳам кўпроқ жосусликка мойил эди. У амирнинг қабул қилишини сабр билан кутар экан, Бухоро шаҳрини обдон айланиб, унинг тарихини, истехому иншоотларнинг ҳолатини, халқнинг яшаш шароитини ўрганди.

Женкинсонни ҳайратга солган нарсалардан бири ўша кезларда Бухорои шарифда бошланган савдогарларнинг ҳар йилги Халқаро қурултойи бўлди. Бу қурултойга Ҳиндистону Хитойдан, Эрону Ироқдан, Франция-ю Испаниядан, Россия ва Австриядан йирик савдогарлар келиб, сотувга чиқариладиган нарсаларнинг номлари, уларнинг сифатлари ва нархлари ҳақида келишиб олишар эди. Женкинсон Мовароуннахрдан четга тўқимачилик матолари, шойи газламалари, "Султоний" ва "Мириб-роҳимий" деган Самарқанд қоғоз навлари, гиламлар, мис ва бронза идишлар, турли хил қурул-аслаҳалар, чарм, духоба, мева

қоқилари, pista-бодомлар олиб чиқишини билиб олди. Фақат Ҳиндистонгагина бир йилда юбориладиган юк ҳажми 1415 мингта туя карвонига ортилишини ҳам суриштириб билди.

Қурултойга келган рус савдогарлари билан тез тил топишиб олган Женкинсон рус ерларидан нима келтирилади-ю, қандай нарсалар олиб кетилишини бирма-бир ёзиб олар экан, Сибирь хонлигидан кўплаб олтин ва кумуш қуймалари, қурол-аслаҳа-ю, "жавшаний"деб аталган ўқ ўтмас совуту қалқонлар келишига алоҳида аҳамият берди. Ўқ ўтмас пўлатдан қуйилган совуту қалқонларни кўпириб мақтаган рус савдогарлари:

— Айтишларича, бу совутларни Кучумхоннинг Дилмурод деган ўғли махсус пўлат эритмасидан тайёрлар экан, — дейишди.

— Бундай совутлар анча қимматдир? — қизикди Женкинсон.

— Туркийларга қанчадан сотишларини биламиз. Аммо сибирликлар бундай совут ва қалқонларни русларга сира сотмайдилар, — дейишди савдогарлар...

Женкинсоннинг Бухорога келганига 2 ой бўлганида, ниҳоят амир уни қабул қилди. Иван Грозний йўллаган мактубни ўқиб кўрган Абдуллахоннинг энсаси қотди. Хатни четга суриб қўйди-да, Женкинсоннинг бетига ҳам қарамай, бир нуқтага тикилганча:

— Бизнинг ўз қондошимиз, Туро ҳукмдори — Кучумхон Шайбонийга хиёнат қила олмаслигимизни шоҳ Иван Грознийга етказинг. Агар у бу икки хонлик орасига раҳна солишда давом этса, биз Хуросон томон йўллаган қўшинимизни шимолга, Московия томон буриб юборишимиз мумкин! — деди.

Женкинсон икки ой зориқиб кутган учрашуви тўлиқ барбод бўлганидан тушкунликка тушмади, у энди у иккинчи йўл — Шигайхон ва унинг ўғли Таваккал билан учрашишга умид боғларди. Бироқ Хўжанд сафарига тайёрланаётганида вилоятга янги ҳукмрон бўлиб танилган Шигайхоннинг сирли равишда ўлганини эшитиб, сафар тарадудини тўхтатди.

Орадан икки кун ўтгач эса, Шопурконга — Таваккал билан учрашиш учун йўл олди.

Бухороча кийиниб олган Женкинсон туту ўриқларга бой бўлган Вобкент шаҳрига кириб келди. Керакли божхирожларни тўлаган Женкинсон бир оздан сўнг Вобкентнинг сув сепилган текис кўчаларида оҳиста юриб борарди.

Ўша кеча қарвонсаройда тунаб қолган Женкинсон хизматкорнинг аста туртишидан уйғониб кетди. Кун анча кўтарилган, қуёш тафти сезиларли равишда қизиган эди. Дастурхонга қўйилган машҳур Вобкент қаймоғидан тотинган инглиз қайтиб келгунича дастурхонни йиғиштирмасликларини илтимос қилиб, шошилганча Ўрда томон кетди.

Ўрда мулозимлари ҳоким ҳеч кимсани қабул қилмаслигини айтиб, уни Ўрда остонасидан ҳайдашди. Шунда Женкинсон Москвадан Шигаё билан Таваккалнинг кўз олдида подшо Иваннинг шахсан ўзи тақиб қўйган аметист кўзли ажойиб узукни бармоғидан ечиб, эшик оғаси қўлига тутар экан:

— Бу узукни хўжанга кўрсатиб, Русия элчиси остонанга кутиб қолди, деб айт! — деб буюрди.

Узукни кўтариб, ичкарига кириб кетган эшикбон даров изига қайтди-да, узукни Женкинсонга қайтариб бериб, узр сўраб, уни ичкарига бошлади. Таваккал Женкинсоннинг истиқболига чиқар экан, қулоч очиб у билан сўрашди. Элчи шарафига ёзилган дастурхон атрофига беш-ўнта қозоқ ботирларини йиғиб олган Таваккал керилиб, зиёфатни бошлади. Ботирлар маст бўлиб, ўлан айтишга ўтишганида Женкинсон Таваккални четга чиқариб, унга Иван Грознийнинг топшириғи барбод бўлганини, амир Абдуллахон тўнини тескари кийганини айтиб берди. Рус подшосининг мактубини қозоқ шахзодасига топширди.

Рус подшосининг Сибирь хонлиги масаласи бўйича қилган таклифига Абдуллахоннинг қўнмаслиги эҳтимолини ҳам қилган маккор Иван Грозний қозоқ султони Таваккалга йўллаган хатида Сибирь хони Кучумхонга Бухоро амири томонидан ҳарбий қўмак юборилишига асло йўл қўймаслигини сўраган, бунинг эвазига эса Сибирь хонлигининг тахтига Таваккални ўтказишни ваъда қилган эди.

Мактубни қайта-қайта ўқиб чиққан Таваккалнинг кўзларида ғалати бир учкун ёнди-ю, сўнди. Кейин эса подшонинг хатини элчининг кўз олдида ўчоқдаги алангага ташлаб, Женкинсоннинг елкасига оғир кафтини қўйди:

— Шимолнинг гапи жанубга, жанубнинг гапи шимолга тўғри келмайди. Бугун орамизда ўтириб, биз билан ошон еган одам эртага орамизда йўқ. Шунинг учун олдиндан бирон нарсани айтиш қийин. — Кейин элчининг авзойи бузилганини кўриб, уни тинчитиб: — Абдуллахон Хуросон устига юриб, шу кунларда бир нечта вилоятларни ўз ҳукмига олди. Шу туфайли Абдуллахон ва Ҳиндистон ҳукмдори бобурзода Акбаршоҳ ўрталарига совуқлик тушди. Зеро, Абдуллахон Кучумхонга аскар билан ёрдам беролмас! Ҳар қанча қўшин бўлса, Бухоро амири император Акбаршоҳга қарши жанг майдонига ташлашга тайёр! — деди Таваккал.

Бухорода икки ой ушланиб қолган рус элчиси амир Абдуллахоннинг Акбаршоҳ билан муносабатлари совугани, ҳатто ҳинд қўшинлари Балх атрофига келтирилганини эшитган Женкинсон мантиқий фикр юритиб, бир оз тинчлангандек бўлди.

Ўз ишидан мамнун бўлган Таваккал англизни яна даврага чорлаган эди, Женкинсон уни четга тортиб:

— Азизим, Сибирь хонлиги томонидан бу ерларга юборилган "жавшаний" деб номланган совут ва қалқонлардан қанчалик хабардорсиз? — деб сўради паст овозда.

— Жуда пишиқ, енгил ва ихчам совутлар. Уларга урилган қилич ёки ойболтанинг юзи қайрилади, буни ўзим синаб кўрганман, — деди Таваккал ишонч билан ва англизнинг кўзига синовчан қараб: — Хўш, бунинг сизга нима кераги бор? — деб сўради.

— Шундай совутлардан бир донасини менга топиб беролмайсизми? — сўради Женкинсон.

Таваккал англизга қараб, бир зум эсанкираб турди-да, кейин жонлангандек бўлиб:

— Бундай совутлардан битта эмас, иккитасини сиз Олий зотга ҳадя қилишга тайёрман! — деди ишонч билан.

Орадан уч кун ўтгач, Женкинсоннинг қўлига иккита совут ўраб бериб, уни карвон билан кузатаётган Таваккал:

— Борди-ю амир Абдуллахон имконият топиб, Кучумхонга ҳарбий қўшин билан ёрдам берадиган бўлиб қолса,

мен бундай тадбирга қарши тураман! Шунини Иван Васильевичга етказинг! — дея англиз қулоғига шивирлади....

Женкинсон Бухоро тупроғини тарк этганига икки ҳафта бўлганида амир Абдуллахон Таваккални Ўрдага чақиртирди.

— Ҳозир ихтиёрингда нечта йигит бор? — сўради Абдуллахон Таваккалдан.

— Доимо урушга тайёр қиличбардор йигитларимдан 350 киши амримга мунтазирдир. Шунча йигитни даштдан ҳам йиға олурман! — деди Таваккал Ҳиндистон устига юриш ҳақида ўйлаб.

Таваккалнинг жавобидан мамнун бўлган Бухоро амири:

— У ҳолда 50та навқарингни Шопуркон билан Вобкентда қолдир! Қолган 300та ўғлонинг билан шимолга, биродаримиз Кучумхон юртига ошиқ! Кучумхон биздан ёрдам сўраб, чопар юборибди. Тентак Иван унга қарши қўшин тортибди, — деди Абдуллахон алам билан.

Қорақум чўлидан яна 300га яқин қозоқ йигитларини йиққан Таваккал 600 отлиқ сипоҳлар бошида шитоб билан Дашти Қипчоқни кесиб, Сибирь хонлигининг худудларига кириб борарди...

1557 йили Хоразм тахтига ўтирган Ҳожимхон қабилалару уруғлар орасидаги тортишув ва урушларга барҳам бериб, сиёсий оламда Хоразм мавқеини кучайтира бошлаган биринчи ҳукмдор эди. Ҳожимхон Эрон ва Московия салтанатлари билан яқин алоқада бўлиб, савдо-сотик ишларини ривожлантириб, мамлакатни қашшоқликдан аста-секин чиқараётган дамлар эди. Шунинг учун у рус подшоси Иван Грознийдан келган элчи — Мирзо Қосимовни очиққўнгиллик билан қутиб олиб, расмий қабулга сарой аҳлини ҳам таклиф қилди. Мирзо Қосимов Иван Грознийнинг хатини Ҳожимхоннинг қўлига тутқазганида хон хатни уч марта ўқиб, кўзларига суртгандан кейингина таржимонга узатиб, уни ўқишни буюрди. Ҳожимхоннинг рус подшосига бундай ортиқча ҳурмат-эътибор кўрсатгани кўпчилик амалдорларга, айниқса, хоннинг иниси султон Маҳмудга ёқмади. Хатни ўқиб бўлингач, мажлис аҳли сув қуйгандек жим қолди. Амирларнинг юз кўринишларидан рус подшосининг мактуби уларга ёқмаганлиги аён эди. Шунда Мирзо Қосимов сўз олиб:

— Подшоҳимизнинг сиз Олий ҳазратдан сўровлари шуки: бордию Кучумхон Хоразмдан ҳарбий кўмак сўраб қолса, сиз унинг илтимосини важ-карсон билан рад этасиз, деган умиддамиз, — дея Хоразмшоҳ олдида бош эгди.

Бир вақтлари Шайбонийлар сулоласида турткилар еб, аламзада бўлган Ҳожимхон ҳалигача бу авлод вакилларига нафрат кўзи билан қарарди. Кучумхоннинг шу хонадондан чиққанлигини яхши билган Хоразмшоҳ қасос онлари келганлигини фаҳмлаб:

— Барча ишлар биродаримиз Иван айтгандек бўлур! Биздан ёрдам сўраб келган Кучумхон вакилини Хевакда тутиб турамиз. Унга битта ҳам аскар бермай изига қайтарамиз! — деб сўз берди.

Ҳожимхоннинг бу расмий баёноти мажлисда ўтирганларнинг биронтасига ҳам ёқмади. Улар Ҳожимхон ва Мирзо Қосимовга нафрат кўзи билан қараб, секин-аста мажлисни тарк этдилар.

Эртаси куни тонг саҳарлаб, шимолга хомуш ҳолда йўл олган Кучумхон элчисини кузатгани келган амирлар ва Муҳаммад султон элчининг кўнглини кўтаришди.

— Кучумхонга аскар жўнатишдан оғам Ҳожимхон бош тортса-да, бизлар тўролик қариндошларимизга албатта ёрдам берамиз. Қорақум саҳросидан эркпарвар туркман ўғлонларини, Орол бўйларида жанговар қорақалпоқларни йиғиб, яқин орада юртингизга етамиз! — деди Муҳаммад султон барча амирлар номидан...

Эски ўзан бўйлаб Каспий денгиз томон селдек учиб бораётган Мирзо Қосимов ниҳоятда хурсанд эди. Чунки у шоҳ Иван Грознийнинг топшириғини кўнгилдагидек қилиб бажариб, қайтмоқда эди. Сирли Сибирь хонлигининг тахтига яқин орада ўтириши аниқ бўлиб қолган Мирзо Қосимов хаёлан Кучумхоннинг бой хазинасига эга бўлиб, унинг чексиз олтинларини кўздан кечирар, уларни овлоқроқ ерга яшириш йўлларини ўйлар эди...

Касаллиги зўрайган Иван Грознийнинг кейинги пайтлар кайфияти доимо ёмон, тажанг аҳволда юрадиган бўлиб қолган эди. Давлат ишларини чала-чулпа қилиб, ўлда-жўлда ташлаб қўйган шоҳ, арзимаган нарсаларга жаҳли чиқиб, аламини ҳаммадан олар эди.

Ҳинд подшоси Акбаршоҳ совға қилиб юборган фил

тиз чўкиб салом бермаганидан фиғони чиққан шоҳ аскарларга бечора филни чоптириб ташлашни буюрди. Бироқ Мирзо Қосимовнинг Хоразмдан келтирган хабари Иванга ёқиб, кўнгли анча юмшади. Бир ҳафта зиёфат бериб, бошини кўтармай ичди. Чунки у тажрибали элчи Женкинсоннинг ҳам Бухородан шундай хушхабар билан келишига аниқ ишонарди.

Зиёфатга барҳам бериб, салтанат ишларига қўл урай деб турганида боши карахт Иван Грознийнинг ҳузурида ҳорғин Женкинсон кўринди. Ишонган элчиси билан совуққина кўришган подшонинг кўзи Бухородан келтирилган совутларга тушди. Бундан қувониб кетган Женкинсон подшонинг ғазабини бир оз юмшатишда фойдаланиш учун совутларни гаройибот хусусиятларини мақтаб, таърифлай бошлади. Иван Грозний катта қизиқиш билан совутларнинг у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўра бошлади. Кейин бирдан таъби тирриқ бўлди.

— Олиб келган совутингни ўзимизнинг темирчилар ясаганга ўхшайди, — деди подшо гумонсираб, сўнг икки навкарни ёнига чақирди.

Бир навкарга совутни кийишни, иккинчисига эса ой-болтаси билан аямай шу совутга туширишни буюрди. Ой-болта тутган навкар ўрта жуссали бўлишига қарамай, урган зарбидан Женкинсон келтирган совут аскарнинг устида шундай мажақланиб кетдики, қаттиқ яраланган навкарни кўтариб олиб, чиқиб кетишди. Таваккал бериб юборган совут ҳеч қандай жавшаний пўлатидан эмаслигига иқроор бўлган инглиз бақрайиб қолди.

— Шайтонвачча қозоқ сени алдабди! — деди бақайиб Иван Грозний.

Женкинсоннинг Бухорога қилган сафари самарасиз тугагани Иван Грознийни жазавага туширди. Бўкириб, ерда ётган совутни олди-ю, Женкинсоннинг бошига туширди.

Подшонинг жазаваси тутганини кўрган сарой амалдорлари ҳар томонга тумтарақай қочишди.

Кўзига қон қуйилган шоҳ ғазабдан ёниб, хонама-хона кириб борар, кимдан аламини олишни билмас эди. Саройнинг бир-бирига уланган хоналарида изғиб қолган Иван Грозний катта қадамлар ташлаб, узун темир ҳассасини дўқиллатганча саройнинг ўғли шаҳзода Иван истиқомат

қиладиган қисмига бориб қолди. Шунда тасодифан унинг қаршисидан ич кўйлақда юрган ҳомиладор келини чиқиб қолди. Иван Грозний шаҳзода Иваннинг рафиқасини хушламас эди. Устига-устак, шундай расво кайфиятда ва келинни хунук ҳолатда кўриб қолган шоҳ уни беодобликда айблаб, роса қамчилади. Малика отаси томондан калтакланаётганини эшитган шаҳзода югуриб келиб, рафиқасини отаси қўлидан ажратиб олди. Ҳамон жаҳддан тушмаган шоҳ аччиқ устида темир ҳассаси билан ўғлининг бошига қаттиқ туширди. Чаккаси қонга беланган 27 ёшли тахт вориси, князь Иван Иванович отасининг тиззасида жон берди.

Бу фожиа Иван Грознийни деярли ақлдан оздирди. энди уни Кучумхоннинг хазинасида сақланаётган, инсонга боқий ҳаёт кечириш сирларини очувчи "Китоб ул ат-Тилсимот" китоб ҳам, казаклар жўрабошиси Ермакнинг 840та абжир казаклар билан Урал тоғидан ўтиб, Сибирь хонлигининг ҳудудларига етганлиги ҳақида хабар ҳам қизиқтирмас эди. У ўз қўли билан суюкли фарзандини ўлдириб, IX асрдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган Рюриклар сулоласини таназзулга учратгани учун ўзини кечира олмас эди...

ХИЁНАТГА ЙЎЛ ТУТИБ

Сибирь хонлиги ўтиб бўлмас ботқоқликлару игнабаргли ўрмонлар ичида жойлашганлиги сабабли салтанатини дахлсиз деб ишонган Кучумхон ўз хонлиги ҳудудларида бирорта ҳам истеҳком қурмай, мамлакатга хавф-хатар солинган чоғда жанубда жойлашган қариндошларнинг ҳарбий кўмаklarига суянар эди. Шунинг учун хонликнинг шимолий ҳудудлари рус қўшинлари томонидан бузилганлиги ҳақидаги хабар уни бир оз эсанкиратиб қўйди.

Вилоятларнинг ҳукмдорлари бўлган бекларга юборилган хон фармони бўйича йиғилган жанговар бўлинмалар зудлик билан пойтахт Қошлиқда тўпланмоғи керак эди. Бироқ вилоятларда тўпланиши керак бўлган бу аскарлар то пойтахтга етиб келгунларича, атаман Ермак бошчилигидаги рус-казак каллакесарларининг Қошлиқ остоналарида пайдо бўлиш эҳтимоли Кучумхонни қаттиқ қийнади. Шунинг учун у шаҳзода Дилмуроднинг маслаҳати билан

салтанат хазинасини йироқроққа яшириш пайига тушди. Хазинадаги барча олтин қуймалари, антиқий жавоҳир тошлар ва улардан ясалган зебу зийнатларни олиб, Урал тоғи томон кетган шаҳзода Дилмурод билан сеҳргар Риштоний соғ-саломат эшикдан кириб келишганида Кучумхоннинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

— Сизларга топшириқни беришга бериб, кейин ўзим пушаймон бўлдим. Олтин-кумушлар, зебу зийнатларни талаш учун келаётган рус қароқчиларининг қўлига тушдингларми деб, қўп хавотир олдим, — деди Кучумхон улар билан кучоқлашиб кўришар экан.

— Азият чекишингизнинг сира ҳожати йўқ эди. Сандиқчалар ортилган кийикларни кўрган Тамбей султони ҳақиқатдан ҳам уларни ўз маъбудалари бўлмиш Шимол Ёғдусига қилинган инъом, қурбонлик деб тушунди. Бош шомонлари ажратган икки ненец хизматкорлари бизларни Телпаксиз тоғидаги ғорга жон деб олиб боришди. Сандиқларни ғорга жойлаштиргач, ғор оғзини беркитиб, изимизга қайтдик, — деди шаҳзода Дилмурод қисқача ҳисобот бериб.

Ҳаким Риштоний ҳам ўз навбатида сўз олиб, хазина яширилган ғор оғзига катта харсанг тош билан ёпилганлиги, бу тош эшикнинг ёпилиш-очиличи эса атайлаб тилсимланганлигини, бу тилсимни билмаган ҳеч бир инсон уни очолмаслигини айтиб, Кучумхонни тинчлантиришди.

— Тамбей султоннинг одамлари-чи? Тилсим амалиётларини бажараётганингизда, тош эшикнинг очилиш-ёпилиш сирларини синаётганларингизда улар тепангизда бўлган-ку ахир? — қизиқди хон.

Кучумхоннинг бундай саволини кутган шаҳзода ҳам, эроний сеҳргар ҳам бир-бирларига қараб олишди. Кейин шаҳзоданинг ишораси билан Риштоний гапида давом этди:

— Шимол қавмининг азалий одатига кўра, Шимол Ёғдусига қурбонлик аталганида жамоадан битта ёки иккита вакил чиқиб, қурбонлик учун берилган жонлик ёки бошқа нарсани олиб, ўз маъбудаларининг "Доимий қароргоҳи"га олиб бориш истагини билдиришади. Қурбонлик буғуси ўтга ташланса-у — ўзини ўтга, сувга ташланса — сувга ташлайди. Қилинган қурбонликнинг тангрига ўз вакиллари томонидан "етказилганлигига" қаттиқ ишонган ненецлар, ўзини қурбон қилган қабиладошларини авлиё даражасига кўта-

риб, унинг бола-чақаси-ю, уруғ-аждодига умрбод ғамхўрлик кўрсатадилар.... Шу сабабдан шомон ажратган икки шимоллик йигит ҳам худди ўзларини жаннатга киргандек ҳис қилиб, тилсимланган ғор ичида қолишди....

Риштонийнинг гапини эшитган Кучумхон: "Астаффируллоҳ! Астаффируллоҳ!" деганича, ёқасини ушлади. Икки авом ненецнинг ғор ичига ихтиёрий равишда қамалганини ўғли билан эроний сеҳргарнинг гуноҳлари деб ҳисоблаб, бошини сарак-сарак қилиб, афсусланди.

— Ҳазрати Олийлари, бу уларнинг ўз ихтиёрлари билан танланган йўл! Бунга уларни ҳеч ким мажбур қилмади. Бу шимолий халқнинг азалий расми экан. Биз фақат уларга қаршилиқ кўрсатмай, итоат ила расм-русмларини бажардик, холос! Агар шундай қилмасак, султон Тамбей ҳам, улуғ шомон ҳам буни ҳақорат санаб, биздан қаттиқ хафа бўлар эди... Шоҳ Иван бизни ғажигишга шайланганида бирор-бир уруғнинг дили оғриб, биздан юз ўгириши жуда хатарлидир, — деди шаҳзода Дилмурод.

Ўғлининг гапидан кейин Кучумхон бир оз тинчлангандек бўлди. Шаҳзода кулимсираб, отасининг қўлига кийик шохининг кичик бир бўлагини узатди. Кучумхон ҳайрон бўлиб, кийик шохининг у ёқ-бу ёғига назар солди. Шунда Дилмурод кийик шохини отасининг қўлидан олиб, унинг учини буради, шох иккига ажралиб, нафис ясалган ненец ханжари пайдо бўлди. Ханжарчанинг кийик шохидан бўлган сопини қуёш ҳаракати бўйича айлантирган Дилмурод ханжар сопининг ичидан бир парча қоғоз олганида Кучумхоннинг қизиқиши ортди. Бу қоғозни қўлига олган хон қоғоз бетидаги турли чизмаларни кўриб, ажабланди.

— Бу сурат Ўрол тоғининг биз борган ҳудудини кўрсатувчи чизмалардир, — деб тушунтирди шаҳзода отасига: — Чизмадаги ёлғизоёқ йўлга ўхшаб кетган ингичка чизиқлар хазина яширилган ғорга олиб борувчи ягона йўлдир. Бу харитасиз ғорга бегона кимса у ёқда турсин, ҳатто мен ва устоз Риштоний ҳам қайтиб боролмайди, — дея Дилмурод яна кийик шохи тусини олган ненец ханжарни отасига узатар экан: — Шунинг учун бузрукворим, дудамани эҳтиёт қилиб сақланг! — деди.

Катталиги бир қарич келар-келмас бу ханжар кўримсизгина бўлса-да, тиғи шу қадар кескир эдики, у билан

соч-соқолни бемалол қирса бўларди. Аммо ташқи кўри-нишидан кийик шохининг кесиб олинган бир бўлагига ўхшаган ханжарни ҳеч ким кескир тигли деб ўйламас, ёш болаларнинг эрмак ўйинчоғидек қабул қилиши аниқ эди. Тигни ғилофидан суғуриш учун эса "кийик шохининг" бир учига ўрнатилган зарғун тошини тирноқ билан астагина уч марта босиш зарур эди. Агар зарғунга уч мартадан кам-роқ ёки кўпроқ босилса, ханжар тиги ғилофдан чиқмас эди. Бу тилсим ҳам сеҳргар Риштоний томонидан бажа-рилганлигини пайқаган Кучумхон миннатдорчилигини билдириб, "кийик шохини" унга узатди:

— Ханжар ўйинчоққа ўхшар экан. Шунинг учун уни қизим Райхоннинг бўйнига илиб қўй. Кўрган одам "бу шун-чаки боланинг ўйинчоғи" деб ўйлаб, ханжарга назар ҳам солмайди, — деди Кучумхон.

Шундай қилиб, Сибирь хони Кучумхоннинг машҳур ҳазинаси яширилган жой сир бўлиб қолди ва эл оғзида турли ривоятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди...

Сибирь хонлигининг пойтахти Қошликда пайдо бўлган 600 нафар отлиқ суворий ҳамманинг чехрасининг очиб юборди. Чунки мамлакат чегарасини бузиб кирган Ермак-нинг мингга яқин каллакесар казаклари борган сари мам-лакатнинг ичкарасига кириб борарди. Ясоқ талаб қилган Ермак қўшинлари йўлларида учраган бир нечта ханти қавм-ларини хонавайрон қилиб, минглаб буғуларини тортиб олиб, уйларини ёқиб ташлашган эди. Руслар босқинидан безиллаб қолган хантлар, бой яйловларини, ов қиладиган ўрмонларини тарк этиб, Тюмень ва Қошлик кўчаларида изғиб юришга мажбур эдилар. Шунинг учун Бухоро амири Абдуллахон юборган қозоқ ботирлари от ўйнатиб шаҳар кўчаларидан ўта бошлаганида уларга пешвоз чиққан сибир-лик ўзбекларнинг ҳам, маҳаллий хантларнинг ҳам табас-сум қилиб, олқишлаши мутлақо табиий эди.

Кучумхоннинг фармони билан суворийларни иккита-иккитадан қилиб, қошликларнинг хонадонларига тарқат-ган Таваккалхон шаҳзода Дилмурод ҳамкорлигида шоҳ са-ройига борди. Кучумхон қозоқ лашкарбошисини катта ҳур-мат билан кутиб олди. Мажлиста таклиф қилинган сарой

аҳли билан қозоқ ботирини таништирган Кучумхон азиз меҳмон шарофатига ташкил қилинган зиёфатини бошланганига бир соат ҳам бўлмай, Таваккал ўзининг узоқ йўл босиб, чарчаб келганини баҳона қилиб, ҳеч тортинмай, хонга дам олиш истаги борлигини маълум қилди.

Жонажон Дашти Қипчоқ далалари, узоқ Мовароуннаҳр боғлари қадрдон туркий қавмлар ҳақидаги янги гаплар эшитиб, юракни ёзиш учун келган мажлис аҳлига ҳам, мезбон Кучумхонга ҳам Таваккалнинг зиёфатдан эрта туриши ёқмади. Бироқ ёрдам қўлини чўзиб келган қўшин қўмондонининг барча истагини бажариш амри вожиблигини билган Кучумхон меҳмонга рухсат берди. Ўзига ажратилган хонага хизматкор кузатувида йўл олган қозоқ султони Кучумхоннинг олдида бир он тўхтаб:

— Тақсир, тузукроқ канизакларингиздан ажратсангиз, дегандим, — деди тиржайиб.

Кучумхон қозоқ ботирининг айтган гапларини ҳақоратдек қабул қилди. Кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб олайиб кетди. Белидаги ханжарнинг сопини маҳкам чангаллади-ю, бироқ ўзини босди.

— Ботир, сиз душман билан уришгани келганмисиз ёки менинг канизакларим билан ишрат қилганими? — деди Кучумхон Таваккалнинг кўзларига тик қараб. — Агар ишрат қилиш ниятида келган бўлсангиз, ҳозир мавриди эмас! Салтанат хавф остида. Ҳатто душманнинг ҳам юрагига ишрат сигмаяпти! Яхшиси, ҳордиқ олиб, куч тўпланг!

— Тақсир, фақир қулингизни беодоблиги учун кечиринг! — Таваккал ўйламасдан нотўғри гапириб қўйганлигини тушуниб, хон олдида итоаткорона бош эгди.

Тез орада тарқаб кетган мажлис сўнгида қолган Риштоний ўрнидан турар экан, чуқур хўрсиниб:

— Дашти Қипчоқдан келган ўғлон менга ёқмади. Унинг кўзларида дўстликдан кўра ёвузлик хислатлари кўпроқдир, — деди.

— Мен ҳам мавлоно ҳақимнинг фикрларига тўла қўшиламан, — деди бош вазир Риштонийнинг гапини маъқуллаб. — Таваккалнинг мажлисда ўтириши менга ҳам ёқмади. Шунинг учун уни жанг майдонига туширишдан олдин бирор-бир эҳтиёткорлик чорасини кўриб қўйиш керак...

Аммо қандай чора кўриш тўғрисида жиддийроқ ўйлаб

кўриш учун вақт анча тигиз эди. Ўз вақтида етиб келган Абдуллахоннинг ҳарбий ёрдамидан қувониб кетган Кучумхон Таваккалнинг содиқлигига гумон қилиб, туни билан ухлай олмади. Таваккални ўзи келтирган суворийлар қўмондонлигидан четлатиб, ўрнига синашта бўлган Сибирь лашкарбошиларида бирини тайинлашни эса ўзига эп кўрмади. Чунки бундан хабардор бўлган Абдуллахон "Кучумхон менинг юзимга оёқ босиб, мен тайинлаган қўмондонни алмаштириб, менга ишонмаслигини намойиш қилди", деб қаттиқ ранжишини истамасди. Бироқ 600та қозоқ ботирларини тўғридан-тўғри жанг майдонига юборишдан ҳам ҳайиқар эди. Чунки умрида кўп сотқинликлару хоинликларнинг гувоҳи бўлган Кучумхон Таваккалнинг кўзида меҳр, гапларида эса самимиятни сезмаганди...

Туни билан мижжа қоқмай чиққан Кучумхон ўрнидан тетик турди. У Таваккал бошлаб келган ҳарбий қисмни икки кун Қошликда олиб қолиб, бу вақт ичида Искандар Юсуфхон билан маслаҳатлашиб, Ермак билан бўлажак жангда Таваккалдан қандай фойдаланиш борасида келишиб оладиган бўлди. Шу мақсад ила ёзилган биринчи мактубни олган чопар мамлакатнинг ҳарбий сарҳадларидан Искандар Юсуфхон бошчилигида шошилинч барпо қилинаётган ҳарбий истеҳкомлар томон йўл олди.

Ўз хазинасидаги олтин қуймаларининг барчасини Кучумхон Урал тоғларига яширганини Дашти Қипчоқдаёқ эшитган Таваккалнинг Сибирь ерларига келганидан бери тинчи йўқолганди. У Қошликда ўтган 3 кунни дам олиб эмас, пойтахт бозорлари-ю, масжидларида, карвонсарой работларида юриб, одамлар ичида тарқалган "узунқулоқ" гапларга қулоқ солиш билан ўтказди. Гаплар асосан юртга бостириб келаётган руслар подшоси Иваннинг қандайдир ваҳший казак қўшинлари ҳақида бўлиб, уларнинг бошлиғи "атаман Ермак" деган одам бошдан-оёқ пўлат совут кийиб, бераҳм эканлиги ҳақида эди. Буларнинг ҳаммаси халқ томонидан тўқилган ривоятлар эканлигини яхши билган Таваккал бу гапларга аҳамият бермай, баъзилар: "Ўрислар келаётган бўлса келаверсин, уларнинг қўлидан нима келар эди? Мовароуннаҳрдан туркий аскарлар келиб, рус-

ларнинг адабини бериб қўйишади!" деган зайлдаги гаплар қилишса, сибирликлар: "У ерлардан ўзбек жангчиларнинг келиши учун Хоразм билан Бухоро подшолигига кўплаб олтин-кумуш жўнатилиши керак. Кучумхон бўлса зиқналик қилиб, ўзбек хонларининг оғзини мойлаш ўрнига, олтину жавоҳирларини сандиқ-сандиқ қилиб яшириб, оиласи билан Тўродан қочиш пайига тушиб қолди", деб куюнар эдилар. Сандиқларга солинган бу хазинанинг иккитадан қилиб, нечта кийикка ортилганини ҳам, карвонда нечта кийик бўлганини ҳам билган сибирлик ўзбеклар Таваккални энг қизиқтирган нарсаси — карвоннинг қай томонга кетганлигидан хабарсиз эдилар. Аммо кўпчиликнинг фикрича, карвон Тобол дарёси бўйлаб, Дашти Қипчоқ томонга йўл олган. Чунки Дашти Қипчоқ далаларида хазинани яшириш имконлари катта, бошқа томондан Кучумхон Сибирни ташлаб қочиш ниятида бўлса, ўз она юртига кетаётганида хазинани ола кетиш жуда қулай бўлади. Мантиқан тўғри бўлган бу фикрга Таваккал энди ишона бошлади, доим бозорда ўтирадиган Олим-эгарчи гапга аралашиб:

— Хон шаънига ҳар хил асоссиз гаплар қилиб, туҳмат тошини ёғдириб, гуноҳга ботманглар. Хон хазинасини яширган бўлса, ўрисларнинг қўлига тушмаслигини кўзлаган. Сенлар айтгандек, хон хазинасидаги олтинларни Дашти Қипчоққа яширган бўлса, нечун уларни отлар ёки туялар карвонига ортиб кетмади? — деб олдинги фикрларни пучга чиқарди.

Бозордагилар эгарчини ҳар томондан "чўқилаб", гапга аралашганига пушаймон қилишганида Таваккал унинг ёнига тушди, сотувга қўйилган эгарларини жуда мақтади. Шундан кейин Олим-эгарчи ўзининг самарқандлик бўлгани учун сибирлик кўчманчи ўзбеклар билан ўрталарида бир озгина адоват борлигини андиша билан айтди, қозоқ султони унинг гапини бўлиб:

— Жигаргўшам, менга айт-чи, наҳотки чиндан ҳам Кучумхон шоҳ Ивандан қўрқиб, олтинларини яшираётган бўлса?! — деб гапни ўзи истаган мавзуга бурди.

Шунда Олим-эгарчи ён-берига бир қараб олиб, овозини пасайтирганча:

— Бу аниқ гап! Хон олтинларини шимол томонга чў-

зилиб кетган Урал тоғининг горларидан бирига яширган,
— деди ишонч билан.

— Сен буни қаердан биласан? — деди Таваккал ҳам овозини пасайтириб.

— Яқинда шаҳзода Дилмурод буғуларини эгарлаш учун қирқта махсус эгар ясашимни буюрганди. Шогирдларим билан буюртмани бир ҳафтада бажардик. Кейин кичкина сандиқларни иккита-иккитадан қилиб, буғуларга ўзим ортдим. Тоғлар оша шимолга кўп маротаба сафар қилганимни яхши билган шаҳзода ўзининг буғулар карвонига бошчилик қилишимни таклиф қилганида, мен йўқ дея олмадим. Бироқ қаттиқ касал бўлиб қолганим туфайли ярим йўлдан қайтдим...

Сарой аҳлидан ҳеч қандай гап ололмаган Таваккал даштдан миниб келган отини парваришлаш мақсадида Кучумхоннинг отхонасига йўл олди. Отбоқар икки ўғли билан отлару буғуларнинг тағларини тозалаб, оғилларига хашак ташлаш билан машғул эди. Темир тароқ билан отни қашлаб, ёлларини тараган Таваккал кўрадаги буғуларга ҳайрон бўлиб қарар экан:

— Кўрада нега кийиклар боқилади? — деб сўради.

— Тақсир, шимолда отлардан ҳам кийикларга эҳтиёж кўп. Юклар асосан кийик карвонларида ташилади, — деб жавоб қилди отбоқар.

Буғуларнинг орқаларидаги қонталаш бўлган яғирларини кўрган Таваккал:

— Буғуларни ярадор қилиб қўйибсан-ку? — деб отбоқарга танбеҳ берган бўлди.

Кўранинг олдига тўпланган буғуларни меҳмон назаридан четроққа ҳайдаган айбдорлардек ерга қараб:

— Яқинда шаҳзода Дилмурод билан узоқ сафардан қайтдик. Жониворлар шунда анча уриниб қолишди. Ҳозир дори-дармон қилиб турибман. Яралари битиб қолади...

Искандар Юсуфхоннинг мудофаада турган қўшини билан қўшилиш ҳақида Кучумхондан буйруқ олган Таваккал эрталаб Қошлиқдан чиқиб, ғарб томонга йўл олди. Бироқ пойтахтдан бир карвон йўли масофасига узоқлашгач, қўшинни икки гуруҳга бўлди. 250та отлиқдан иборат бўлган гуруҳга Қайсар исмли инисини бошлиқ қилиб, Тобол дарёси бўйлаб жанубга, Дашти Қипчоқ далалари томон йўллади.

350 кишилиқ иккинчи гуруҳга эса ўзи бош бўлиб, Урал тоғ тизимлари устидан шимол томонга, Кучумхоннинг хазинаси томон йўл олди. Олим-эгарчи билан сарой отбоқари қўллари боғлиқ ҳолда икки кийикни устида ўтирганча Таваккалнинг ҳарбий қўшинига йўл кўрсатиб борардилар.

Мамлакат ҳимоясига чиққан сибирлик ўзбеклар салтанатнинг ғарбий чегараларида ёрдам кучини зориқиб кутардилар...

ЗАБТ ЭТИЛМАГАН НИШОН

Уруш кетаётган майдондан келиб турган хабарлардан ташвишга тушган Кучумхон ўз оила аъзоларини ва салтанат ўрдасини мамлакатнинг шарқий ҳудудларига кўчириб, ўзи жангга тайёрлана бошлади. Кучумхон маҳорат машқларини такрорларди.

Аҳволнинг танглигини яхши билган Риштоний хондан бир қадам ҳам нари жилмай, саҳарлаб дори-дармон тайёрлаб, хоннинг кайфиятини кўтаришга интиларди. Сеҳргарнинг малҳамлари-ю, руҳий машқларидан бирор бир наф тегишига ишонмаган Кучумхон руҳи тушган ҳолда:

— Улуғ ҳаким, бефойда уринишларингни ташла-да, доим саройда бўл, қизим Райҳоннинг ҳолидан хабардор бўлиб тур. Мени эса ўз ҳолимга қўй! Тақдир пешонамга нима ёзган бўлса шуни кўраман! — деди.

Ясама тетиклик билан айтилган бу сўзларда хазинликни сезган эроний сеҳргар:

— Олампаноҳ! Юлдуз буржингизнинг ҳолати доим менинг назоратим остида. Сайёраларнинг осмон гумбазида жойлашуви сизнинг қўлингиз баланд келишидан ва сиз Олий Ҳазратларининг узоқ умр кўришингиздан башорат қилиб турибди.

Сеҳргарнинг гапини мулойим жилмайганча тинглаган Кучумхон эронийга меҳр билан қараб, уни барибир урушдан нари бўлган беҳавотирроқ ерга жўната олмаслигини билди-да: "Билганингни қилавер" дегандек ишора қилиб, қиличбозлик машқини давом эттирди. Риштоний ҳам бўш келмай, ўз илмий амалларининг бесамара эмаслигига хонни ишонтирмоқчи бўлди. Шу мақсадда бир қизиқарли синов ўтказди. Кучумхонга мурожаат қилиб, қилич билан ҳамла қилишини сўради.

— Мен жанговар аскарлар билангина қилич чопишгайман! Оддий одамларга қарши қилич кўтармайман! — деди хафа бўлиб хон.

Аммо табиб сўзида туриб олгач, хон эшик олдида турган навкарига табибга қилич билан ҳамла қилишни буюрди. Ўзи эса четга ўтиб, унинг ҳаракатини кузатиб турди. Қилич яланғочлаб Риштонийнинг олдига келган навкар қиличнинг учини сеҳргарнинг кўкрагига аста тираб, уни кўрқитмоқчи бўлди. Бироқ уни эплай олмади. Унинг қиличи қандайдир бир кўринмас ғилофга теккандек бўлиб, эронийнинг танасидан бир қарич масофа нарида қотиб қолди. Бундан ҳайрон бўлиб қолган навкар, қилич учини бир оз куч ишлатиб бўлса-да, сеҳргарнинг баданига ботирмоқчи бўлди. Аммо ўша ҳолат такрорланди. Риштонийни "ўраб турган кўринмас ғилоф" навкарнинг қиличини таққа тўхтатарди. Дадиллашган навкар жилмайиб қараб турган сеҳргарнинг бирор ерини енгил ярадор қилиш ниятида Риштонийнинг қўлини қилич билан чопмоқчи бўлди. Бироқ унинг қиличи аллақандай тўсиққа тегиб, қўлидан тушаёзди. Бундан қони қайнаб кетган туркнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Ўзини "майна" қилаётган ҳақимнинг адабини бериб қўйиш ниятида қилични айлангириб туриб, Риштонийнинг елкасига зарб билан туширмоқчи бўлди. Бироқ қиличи аллақандай кўринмас сирт устидан сирпаниб ўтиб, ерга тўшалган гиламга урилди ва уни кесиб юборди. Аламга чидай олмаган турк эронийнинг башарасига мушт туширган эди, ўзи оғриқдан инграб юборди. Навкарнинг ҳаракатини қизиқиш билан кузатиб турган Кучумхон уни четлатиб, сеҳргарга ўзи ташланиб кўрди. Аммо унинг ҳаракати ҳам навкарники каби бесамар кетди. Риштоний дахлсизлигича турарди.

Ҳайратга келган Кучумхон сеҳргарга:

— Бунинг сиридан огоҳ эт! — деди.

Навкарни ташқарига чиқариб, хон билан юзма-юз қолишганида, Риштоний машҳур "Китобул ат-Тилсимот" саҳифаларининг бирида шу амалиётни ўқиб, бу синоатни ўзи ва шогирди-малика Райҳонда синаб кўрганини айтди. Ҳайратдан ҳали ҳам ўзига кела олмаган Кучумхон "Бундай ажойиб хусусиятларни менга ҳам юқтириш мумкинми?" деб сўраган эди, ҳақим:

— Олий ҳазрат! Бу сизнинг руҳингиз ва танангизнинг Коинотга қанчалик яқинлигини, дилингизнинг фалак қудратининг нозик ҳаракатларига монанд равишда яшай олишига боғлиқдир, — деди ва хоннинг бу гапларга тушуна олмаганини сезиб: — Сизнинг ҳам шундай хусусиятларга эга бўлишингизга қаттиқ ҳаракат қилурман. Аммо натижаси ёлғиз Тангрининг иродасига боғлиқ! — деди сирли жилмайиб.

Ташвишли шароитга тушиб қолган Сибирь хонининг ўз ихтиёрини Риштонийнинг қўлига топширишдан бошқа иложи йўқ эди. Эроний сеҳргарнинг берган барча доридармонларини ичиб, унинг айтган руҳий машқларини ва амалиётларини бажариб, ўзини қилич ўтмас, ўқ ўтмас хусусиятларга эга бўлишини худодан туну кун сўрарди. Бироқ ҳаким Риштонийнинг ҳам, Кучумхоннинг ҳам барча уринишлари Тангри иродасига "тўғри келмади". У қандай яратилган бўлса, ўша ҳолатда қолади. Тақдирга тан берган Кучумхон ўз кучигагина ишониши кераклигини тушуниб, жангарилик маҳоратини оширишдан, жисмоний тарбия ва қиличбозлик машқларини бажаришдан чарчамади...

Кеч куз пайти. Дарёнинг юзини муз қоплаган, ерни қалин қор эгаллаган. Саройда барча ўчоқларга ўт ёқиб, хоналар иситилмоқда. Искандар Юсуфдан хабар келмаётганига диққати ошган Кучумхоннинг томоғидан овқат ўтмасди.

Сарой эшикбони ҳовлиқиб ичкарига кирганида бирор хушxabар эшитишга умид боғлаган хон унинг чехрасига разм солиб, руҳи тушди. Эшикбон икки букилиб:

— Искандар Юсуфдан "Қора чопар!", — деганида бутун танаси музлаб кетган Кучумхоннинг қўлидан косаси тушиб кетди...

Туркий салтанатларнинг барчасида бўлгани каби Сибирь хонлигида ҳам ўша пайтларда "Қора чопар"дан фойдаланиш русумга кирганди. Бу русум бўйича мамлакат ичида бирор-бир фожиа юз бериб қолса, бу ҳақда салтанат султонига тезлик билан хабар етказиш мақсадида чопар юбориларди. Бу чопар бошдан-оёқ қора либос кийиб, қўлида қора байроқ кўтарганча салтанат пойтахти томонга

йўл оларди. Шошилинч хабар билан салтанат пойтахтига етиб келган "Қора чопар"ни тўғридан-тўғри султон ҳузурига киритишарди. Ҳукмдорлар "Қора чопар"га ёмон кўз билан қарашар, келган бало-қазо ўзи билан кетсин, деб, келтирган шумхабарни эшитишлари билан бошини танасидан жудо этишар эди. Акс ҳолда хоннинг ўзи ажалга маҳкум бўлиб, бутун эл-юрт дарду алам ичида қолар эди. Буни яхши билган туркий халқлар "Қора чопар"ни жуда ҳурматлашар, унинг хотирасига бағишлаб, қўшиғу дostonлар тўқишарди.

Рус қўшинлари Сибирь истеҳкомларига ҳужум бошлаганини хабар қилиш мақсадида Искандар Юсуф "Қора чопар"ликка ўз фарзанди Наримон Юсуфни танлаган эди. Эшикдан югуриб кириб, Кучумхон тахти олдида тиз чўккан хонзода:

— Хон ҳазратлари, рус қўшинлари бугун тонгда бизнинг истеҳкомга ҳужум қилиб, Московия подшоси уруш очганини эълон қилишди! — Наримон Юсуф белидаги қиличини суғуриб, икки қўллаб хонга узатар экан, ўзини бўлажак қатлга тайёр эканлигини билдирди.

Бундай хунук хабарни эрта ёки кеч албатта эшитишини билган Кучумхон азалий одатга итоат қилиб, "Қора чопар"нинг бошини узмади. Аксинча, ўн саккиз ёшли хонзонанинг қиличини қинига солар экан:

— Сенинг бир томчи қонингдан кечдим, бизни Тангри кечирсин! Душман билан олишувда ҳали кўп қаҳрамонликлар кўрсатасан, деб умид қиламан! — деб Наримон Юсуфни бағрига босди....

Турли вилоятлару улуслардан пойтахтга етиб келаётган кичик-кичик гуруҳларни бир-бирига бирлаштириб, қўшин тузаётган шаҳзода Дилмурод ҳам, салтанатнинг кекса амирлари ҳам пойтахт ҳимояси учун ҳозирлик кўришар эди. Жанг майдонидан келиб турган хабарларга қараганда, Искандар Юсуф оғир жанглар олиб борса-да, ўзи қурдирган истеҳком иншоотларини бирин-кетин қўлдай бой бериб, Тюмень шаҳри томон чекиниш арафасида экан. Уруш бошланганига роппа-роса 21 кун деганда, ярадор бўлиб, ҳолдан тойган Искандар Юсуф икки навкарнинг қўлтиғига таяниб, хон ҳузурига кирди ва:

— Тюмень душман қўлига ўтди. Ермакнинг мингта кал-

лакесарларига менинг 500 нафар аскарим бас келиши қийин бўлди, — деб ўзини курсига ташлади.

— Таваккалнинг йигитлари-чи?

— Таваккал хоинлик қилди. У ўз аскарлари билан тўлиғича Ермак томонга ўтиб, бизга қарши жанг қилмоқда. Шунинг учун Тюменни қўлдан чиқардим...

Таваккални обдон сўккан Кучумхон шамдек эриб, тахтга ўтириб қолди. Хон то Хоразмшоҳдан ёрдамчи жангчилар етиб келгунга қадар Таваккалнинг отлиқ сарбозлари Тюмень шаҳрини мудрофаа қилиб турарди, деб умид қилган эди. Тюменнинг қўлдан кетиши мумкинлигини, пойтахт қўлдан кетгани эса салтанатнинг қулаганидан дарак беришини яхши тушунган Кучумхоннинг танида мадор қолмади.

Тюменни қўлга киритган Ермак бир вақтлар Кучумхонга салтанат саройи бўлиб хизмат қилган икки қаватли ёғоч бинони ўзига қароргоҳ қилиб олди. Шаҳарни ўз казаклари ва Таваккалнинг йигитлари ихтиёрига топшириб, талашлари учун имконият яратиб берди.

Сибирь хонлигининг эски пойтахтини забт этган Ермак бу севинчли хабарни подшо Иван Грознийга етказиш учун чопарни сафарга тайёрлаётганида Таваккал ҳам ўзининг бир йигитини чопарга ҳамроҳ қилиб жўнатмоқчи эканлигини билдирди. Ўзига ажабланиб тикилган Ермакка эса:

— Мен йигитларим билан Кучумхонга қарши жанг қилмоқдаман. Бунинг учун энди барча туркий қавмлар мени лаънатлаб, Дашти Қипчоқ далаларида менга тинчлик беришмайди. Шунинг учун Московияга ўз вакилимни йўллаб, Иван подшодан бизни ўз паноҳига олишини ва рус фуқаролигига олишини истайман! — деди.

Ермакнинг Сибирга қилган ҳарбий сафарининг яхши бошланганидан хурсанд бўлган Иван Грозний Урал шимолидаги "Совуқ денгизлар"дан тортиб, то Узоқ Шарқдаги "Қуёш чиқувчи ерларгача" бўлган улкан ҳудудни "Шарқий рус салтанати" деб атаб, казак Ермакни подшо деб эълон қилди. Қозоқ ўғлони Таваккалга эса, Тюменни тортиқ қилиб, уни Сибирь хони деб атаб, барча қозоқларни бўлса рус фуқаролигига ўтганлиги билан табриклади. Бу "хуш-

хабар" Тюменга етиб келганда Ермак билан Кучумхон ўрта-сида ўқтин-ўқтин тўқнашувлар бўлиб турар, аммо Тюменнинг шундайгина ёнида жойлашган пойтахт Қошликка сўнгги ҳал этувчи ҳужум қилишга Ермакнинг ҳам, рус фуқаролигига ўтиб, Шигаев номини олган Таваккал ҳам ботина олмай турардилар. Чунки Сибирнинг қақшатқич қиш ойлари бошланган эди.

Сибирь совуқлари билан биринчи бор танишган рус казаклари ҳам, Таваккалнинг қозоқ ботирлари ҳам Тюменнинг ёғоч уйларига жойлашиб олганча, иссиқ хоналардан чиқмай, ичкиликбозлик билан банд эдилар. Бирор-бир юмуш билан ташқарига чиққан аскарлар эса манси мерганлари отган ўқдан тил тортмай ўлардилар. Одатда беш-олтита бўлиб, Тюмень атрофида пайдо бўладиган манси ўқчиларини тутмоқчи бўлиб, уларни кетидан тушган рус казакларининг барча ҳаракатлари кулгили тугарди. Чунки темир совут кийиб олган казаклар беш-ўн қадам ташлашлари билан қалин қор уюмига ботиб қолишарди. Чаққон мансилар Таваккалнинг сипоҳларига тутқич беришмасди.

Кунига битта-иккитадан аскардан ажраб турган Ермак Кучумхонга элчи юбориб, сулҳ тузиш ниятига тушиб қолди. Унинг бундай йўл тутишига Таваккал қарши чиқди:

— Тюмендан тўхтамай, бир уринишда Кучумхонга кетма-кет зарба бериш керак эди. Ахир пойтахт — Қошлик қўл узатсак етадиган масофада. Тоболь билан Тара ҳам узоқ эмас!

— Баҳор келиб, кунлар бир оз исисин. Совуқнинг зўрлигидан отлар ҳам ташқарига чиқмаяпти. Ароқнинг таъсири остона ҳатлаб, ташқарига чиқиш билан тарқаб кетмоқда. Казаклар эса ичмаса жанг қилмайди. Шунинг учун жанг тўғрисида ҳозирча гап юритмайлик, — деди Ермак.

— Кучумхон осонликча хонлик тахтини топширмайди. "Руслар юртимизга бостириб келиши мумкин", деб юрган Кучумхон ҳаммадан олдин жар солиб, қариндошларидан ҳарбий ёрдам сўраган. Ўйлайсанки, ҳозир у қўл қовуштириб ўтирибдими? Менимча, сен Урал тоғидан ўтишинг билан, Кучумхон жанубдаги барча хонлигу султонликларга қимматбаҳо совғалар юбориб, ҳарбий ёрдам сўраган. Шунинг учун кун исишини кутмай, бухоролик, хоразмлик аскарлар

етиб келмасидан бурун Кучумхон устига юриб, уни йўқ қилиш керак! — деди Таваккал.

— Бас қил! — деб ўшқирди Ермак. — Руслар чидамаган Сибирь совуқларига ўзбекларга йўл бўлсин! Улар Дашти Қипчоқнинг далаларидаёқ музлаб қолишади. Шунинг учун вақтинча бўлса-да, Кучумхон билан сулҳ тузамиз...

Бошиданоқ урушга тайёр бўлмаган Кучумхонга бундай сулҳ зарур эди. Шунинг учун у Ермак билан учрашишга рози бўлди. Икки кундан кейин Кучумхон саройида ўтказилган йиғилишга рус салтанатининг вакили сифатида Таваккал ҳам кириб келди. Ермакнинг ўрнига Таваккалнинг юборилишини ҳақорат деб қабул қилган Кучумхон:

— Мен рус подшосининг ҳақиқий вакили бўлган Ермак билангина музокара олиб бораман! Сенга ўхшаган хоинлар билан гаплашишга ҳазар қиламан! — деб Таваккалга ташланди.

Агар сарой аҳллари ҳушёрлик қилиб, вақтида ораларига тушмаганларида, Кучумхон Таваккални ўлдириб қўйиши мумкин эди. Хонликнинг расмий вакиллари Таваккални юпатиб, кузатиб юборишди.

Бир ҳафтадан кейин Ермакнинг шахсан ўзи ўнга яқин сарбозлари билан Қошликқа етиб келди. Унинг олдиндан тайёрлаб келган сулҳ битимини Кучумхон қабул қилмай, ўз фикрларини ўтказди. Қаршисида руслар таърифлаган беақл ва тентак хон эмас, шижоатли, ўтқир фикрли, бир сўзли султонни кўрган Ермак Кучумхон билан баҳслашиб ўтирмади. Чунки Хоннинг фикрлари асосли эди.

Сулҳ шартномасини имзолагач, Ермак кетар чоғида норасмий равишда Кучумхонга илтимос қилиб, "Китобул ат-Тилсимот" китоби ҳақида оғиз очди. Ермакнинг бу илтимосини эшитган Риштоний Кучумхоннинг қаршилигига қарамай: "Юрт тинчлиги — менинг тинчлигим", дея китобни Ермакнинг қўлига тутди.

Ажойиб китобни қўлга киритган Ермак эртасигаёқ уни икки навкар билан Москвага — Иван Грознийнинг ҳузурига жўнатди. Аммо бу пайтда подшо Иван Грознийнинг касаллиги янада оғирлашган, ўрнидан тура олмай, ярадор айиқдек бўкириб ётарди.

Қозондан атайлаб чақирилган икки татар уламолари китоб саҳифаларини ўқиб, бетоб подшонинг дардига даво

излай бошлашди. Дастлабки уринишларнинг ўзидаёқ шоҳнинг аҳволи бир оз енгиллашгандек бўлди. Ўзига келиб қолган подшонинг уламоларидан ўзини ёшартириб беришларини талаб қилди. Бечора уламолар китобни ағдар-тўнтар қилиб ўқисалар-да, одамнинг ёшартирувчи илму-амал сирларини топа олмадилар. Чунки айёр Риштоний Ермакнинг кўлига "Китобул ат-Тилсимот"ни бераётиб, бу китобдан қандай фойдаланиш кераклигини баён этувчи қаршилик мутафаккир олим ва сеҳргар Ҳошим ибн Ҳакимнинг шарҳини атайлаб ўзида олиб қолган эди. Шунинг учун татар уламолари "Китобул ат-Тилсимот"ни ҳар қанча варақлашмасин, Иван Грознийнинг дардига даво топиб, унинг оғриқларини енгиллаштираётганлари вақтинча, баъзи ҳолларда эса хавфли ҳам эди...

ДУШМАН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

1584 йилнинг баҳор ойлари. Кунлар анча илиб қолган эди. Хоразмшоҳ Ҳожимхоннинг туғишган биродари — Маҳмуджон бошчилигидаги мингта яқин отлиқ чавандозлар Кучумхон қўшинига келиб қўшилади. Хоразмликлар асосан туркман ва қорақалпоқ уруғларидан бўлиб, жуда абжир йигитлар эди.

Жанубдан келган аскарларни қаерга жойлаштириш хусусида Кучумхоннинг боши қотиб турганида, Бухоро амири Абдуллахон томонидан юборилган фарғоналик минг отлиқ Қўрғон шаҳрига келиб қўнганлиги ҳақида хушхабар ҳам етиб келди. Шунда Кучумхон хоразмликларни Тоз шаҳрига жойлаштириб, фарғоналикларни эса, Тобол томон жўнатди. Сибирь хонлигида ҳаёт бирданига жонланиб кетди. Усталар тинмай ишлаб, иморатлар қуриб, шаҳарларни кенгайтира бошлади. Ермак зулмидан қочиб қутулган хантилар пода-пода буғулари билан келиб, яқин орадаги ўрмонларни эгаллашди. Шунинг учун озиқ-овқат масаласи унча қийинчилик туғдирмади. Фақат дон-дун билан таъминлаш масаласи ҳамон оғир эди. Дашти Қипчоқ далаларида кезиб юрган Таваккалнинг иниси шимолга йўл олган карвонларни талаб, Сибирь хонлиги учун каттагина муаммо туғдираётган эди.

Бу орада анча жонланиб қолган Ермак қўшини ҳам

"қиш уйқуси"дан уйғониб, ўз атаманларидан жангга киришни талаб қилар эди. Улар Ермакнинг кўзини очирмай:

— Сулҳ тузмасдан Кучумхоннинг устига юриб, зарба бериш керак эди. Битта яхшигина хужум билан унинг куни битар эди. Мана энди ўзингга ўзинг бошоғриқ орттирдинг! Ҳали қараб тур, бу қари қипчоқ Тюменни ҳам кўлимиздан тортиб олиб, бизни Сибирдан ҳайдаб чиқаради, — деб жиғибийрон бўлардилар.

— Кўлидан келмайди. Бу ерлар энди рус ерларидир. Унинг бир қаричини олиб кўрсин-чи! — деди ишонч билан Ермак....

Икки ўртада уруш бошланиши аниқ, фақат куни номаълум эди. "Ғалаба дастлаб хужум қилган қўшин кўлида бўлади" деган нақлга асосланиб иш тутган Ермак тўсатдан Тобол дарёси бўйлаб шимолга қараб юрди. Унинг бир ярим мингта етган қўшини иккига бўлиниб, хотин-халажлар аравада келаётган катта қисми дарё соҳили бўйлаб ҳаракатланар, иккинчи қисми ўн саккизта уч мачтали кемаларга тушиб, Тоболда сузиб борарди. Тўрт кундан кейин қўшинлар учрашди. Бир-бирига қарши саф тортган қўшинларга кийик кўзини қисиб қараган Таваккал пешонасига бир уриб, Ермак йўл қўйган қалтис хатони англади.

— Қўшинни иккига бўлмай, уни яхлитлигича сақлаш керак эди. Бизда "Бўлинганни бўри ер!" деган мақол бор, — деди Таваккал Ермакка ғижиниб қараб.

Ермак ўз хатосини тан олмаса-да, лекин ҳали жангга кирмай туриб, қўшинларини бирлаштириб олмоқчи бўлди. Шунинг учун у Таваккалга қараб:

— Анави қайиқни миниб, кемаларга боргин-да, аскарларни қирғоққа чақириб, уларни пистирмага қўй, — деб буйруқ берди. Кейин Кучумхон томонга қараб: — Эй Кучум! Кел, қадимий одатга кўра, аскарларнинг ичидан битта ботирини танлаб, ўртага чиқар. У мен билан олишиб кўрсин. Қайси томон енгилса, ўша томон мағлуб ҳисобланади. Қўшиннинг қони бекорга тўкилмайди, — деб бақирди.

Кучумхон жанговар амирларнинг қаршилигига қарамай, Ермакнинг чақирғини қабул қилиб, қилич ялонғочлаганча ўзи ўртага тушди. Ўша пайтларда ёши олтмишларга бориб қолган хонни икки зарба билан ер тишлатишга ишонган ўттиз беш ёшли Ермак мийиғида кулиб, Кучум-

хонга яқинлашди. Аммо қилич зарбасиданоқ казак атамани қаршисида ниҳоятда кучли рақиб турганини тушунди. Ўша ондаёқ заҳарханда табассуми лабидан учиб, юзи жиддий тус олди. Дастлаб шовқин-сурон билан атаманларини қўллаётган казаклар ҳам афсонавий қўмондонларининг Кучумхон зарбасидан ўзини зўрға ҳимоя қилаётганини даҳшат билан кузатар эканлар, товушлари чиқмай қолди. Қизишиб кетган Кучумхон чаққон ҳаракат билан Ермакнинг чап қулоғини кесиб олди. Тирқираб қон чиқишига қарамай, Ермак олишишдан тўхтамади, қилични қаттиқ ушлаганича курашишда давом этди. Кучумхон ҳалиги ҳаракатини яна қайтариб, Ермакнинг иккинчи қулоғини ҳам узиб ташлади.

Кучумхоннинг ҳаракатларидан завқланган туркий жангчилар хонни қувватлаб, қийқиришар, журъатли атаманларнинг "татар хони" қўлида қонга беланиб, шарманда бўлаётганини кўрган казаклар эса, саросимага тушиб қолишганди.

— Энди бас қилайлик! Аскарларингни олиб, изингга қайт! — деди Кучумхон Ермакнинг бўйнига қилич учини тираб.

— Йўқ! — деди Ермак хириллаб ва белидаги болтасини суғуриб, Кучумхонга қарата отди. Кучли зарб билан отилган болта хоннинг дубулғасини бошидан учуриб юборди. Яхшики, Кучумхон вақтида чап бериб қолди. Боши очиқ қолган Кучумхон муҳофазасиз бўлиб, душман қиличидан ёки мерганнинг ягона ўқидан ҳалок бўлиши муқаррар эди. Буни билган иккала томондаги жангчилар бирдан сукутга чўмиб, яккама-якка олишувнинг оқибатини кутдилар. Дубулғасига келиб урилган болта зарбидан ўзига кела олмаган Кучумхон бошини сарак-сарак қилиб турарди. Бундай аҳволдан фойдаланиб қолишни кўзлаган Ермак қиличини айлантириб, бор кучи билан Кучумхоннинг бўйнига қараб солди. Шу ондаёқ хоннинг боши қовоқдек учиб кетишини кутган аскарлар бараварига "Оҳ!" деб юборишди. Бироқ... Кучумхон чаққонлик билан энгашиб қолди-ю, Ермак мувозанатини йўқотиб қўйди ва унинг қўлидаги қилич отилиб кетди. Худди шу пайт унинг бўйнига Кучумхоннинг чустий қиличи тушиб, атаманнинг боши узилиб тушди. Бошсиз қолган Ермакнинг танаси қуламай, беш-олти қадам ташлаганича соҳилдан пастга, Тобол дарёсига қулади.

Маст ҳолда жанг қилишга одатланган казаклар ўша уни ҳам ичган эдилар. Шунинг учун улар кўрқиб ўрнига жазавага тушиб, Ермакнинг қони учун ўч олишга шайланиб, Кучумхонга ташландилар. Аммо туркий аскарлар бунга йўл қўйишмади. Чаққонлик билан ўз хонларини ўртага олишди. Икки ўртада жанг бошланиб кетди. Атаманларидан айрилган казаклар аламзадалиқ билан олишар эдилар. Туркманларнинг отган ўқлари беҳато кетмай, кўп казакларни ер тишлатдилар. Соҳилга туриб олган қорақалпоқлар мойга ботирилган ўқларини отиб, ўнга яқин кемани ёқиб юборишди. Оғир совут кийган аскарлар сузолмай, Тобол дарёсида ғарқ бўла бошлашди. Урушнинг бой берилганлигини билган аскарларнинг бир қисми омонлик тилаб, асир тушишди. Қўшиннинг арзимас қисми эса, бутун қолган кемаларга тушиб, Таваккал бошчилигида қочиб қолишди.

Рус қўшинларининг Кучумхон томонидан тор-мор этилганини эшитган Иван Грозний бир ингради-ю, жон берди. Московия ва бутун Русия салтанатининг тахтига Иван Грознийнинг ўғли Фёдор Иванович ўтириб, салтанат бошқарувини тўлиғича қайнотаси — Борис Годуновнинг қўлига топширди.

Ермак ҳалок бўлиб, унинг ишонган рус-казак қўшини қолдиқлари Сибирь ерларини ташлаб қочганидан кейин ғолиблар қўлига олти кема билан уч юзга яқин хотин-қизлар ўлжа бўлиб тушди. Кемаларни давлат тасарруфига ўтказган Кучумхон аёлларни жангда қаҳрамонлик кўрсатган аскарлари, юзбошию мингбошиларга, саркарда амирларига совға қилиб юборди. Жорияларнинг ичида Ермакнинг йигирма икки ёшли рафиқаси Елизавета Ивановна Ермолаева ҳам бўлиб, уни уч-тўртта рус қизлари билан Кучумхон ўз саройига канизак сифатида олди.

Ўзини-ўзи ўлдиришга шайланган Елизаветани қўлидан тутиб, Кучумхоннинг ёнига олиб киришди. Баланд бўйли бўлган Елизавета ҳақиқий казак қизи бўлиб, ниҳоятда гўзал эди. Унинг иккита қилиб ўрилган тим қора сочлари билакдек йўғон бўлиб, уларнинг учи ергача етарди. Қизнинг катта-катта мовий кўзлари сал қия жойлашган бўлиб, ярим қизиқиш, ярим нафрат билан Кучумхонга қадалган эди. Елизаветани бошлаб кирган ҳарамнинг бош оқсочи Марсия хижолат тортиб, қизни турткилаб, русчалаб "Бизда

олампаноҳга ундай тикилмайдилар, яшашдан умидинг бўлса, кўзингни ерга тикканча хонга салом бер!" деди-да, қизни эгилишга ундаб, енгидан тортди. "Енгилмас Ермакнинг қотили девдек, даҳшатли бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Қарасам, хонларинг станицамизнинг оқсоқоли Никитич амакига ўхшаган хушбичим атаман экан. Ермак айтгандек, вагуллар султонининг бошида шохи ҳам йўқ, лабини йиртиб чиққан сўйлоқ тишлари ҳам кўринмайди", деганида Марсия Елизаветанинг биқинидан чимчилаб олди. Елизавета бир чимирилди-ю, Кучумхонга салом берди.

Дашти Қипчоқнинг Орол бўйларида, чўлда туғилиб ўсган Кучумхонни Тангри худди тўқайзор мушугидек қилиб яратган эди. У юз қадам нарида инидан чиққан сичқоннинг шитирлатган овозини эшитар, қоп-қоронғи кечаларда эса атрофни худди кундуз кундагидек кўра олар эди. Шунинг учун эшик олдида турган бу икки аёлнинг аста шивирлашиб гаплашаётган барча гаплари хонни кулоғига аниқ эшитилган эди. Олтин Ўрда хони рус князларини ҳузурига чақириб, улардан ҳисобот олган кезлари болаликдан тилмочлик қилган Кучумхон рус тилини жуда яхши билар эди. Унинг бу хусусиятини эса сарой аҳли ҳам, Кучумхоннинг яқинлари ҳам ёдларидан чиқарган, унутган эдилар. Икки жувоннинг гапларини эшитиб ўтирган хоннинг кўзлари қоғозда бўлса ҳам, бутун вужуди ўша тарафда эди.

— Мени нега хонни олдига олиб келдинг? Қаққайиб тураверасанми? — сўради Елизавета сабрсизлик билан.

— Хон сени кўриб, тақдирингни ҳал этсин, — пичирлади Марсия. — Агар унга ёқсанг, ҳарамда қолдиради. Саройга келган меҳмонларнинг кўнглини кўтариб юрасан. Агар ёқмасанг, бирор-бир хизматкорига ҳадя қилади.

— Менга қолса, биронта хизматкорига ҳадя қилгани маъкул. Ермак қотилининг совуқ башарасига ортиқ қарашга тоқатим йўқ! — деди Елизавета ва қоғоз кўришдан ҳамон бўшамаган хонга диққат билан тикилар экан: — Назаримда, хўжанг истараси иссиқ, келишган одамга ўхшайди. Соқол-мўйлови ҳам бизнинг казакларникидек ҳар томонга тарвақайламаган, чиройли қилиб қайчиланган, таралган, — шу гапидан кейин Елизаветага қўққисдан кулги ҳам келди.

Уни бир чимчилаб, кулгидан тўхтатган Марсия деди:

— Суюкли маликаси ўлган хон ўн йилдан буён бева.

— Саройдаги канизаклар-чи? Уларнинг ичида маликаликка арзигулиги йўқми? Казакларни айтишича, Кучумхоннинг уч юзта хотини бор экан. Эй тавба, бу гапларнинг барчаси ёлгон экан-да?!

Аёлларнинг гапига қизиқиши йўқолган Кучумхон қозларни нари суриб, аста бошини кўтарди. Кучумхоннинг очик юзига ҳайрат билан тикилиб қолган Елизавета кўзини ундан узолмай қолди. Аёлларни яқинроқ келиб, тахт олдидаги курсилардан бирига ўтиришга ундаган Кучумхон таржимон Марсияга қараб шундай деди:

— Саройдагилар меҳмоннинг дилини оғритмадимикан, сўраб бил-чи?

Кутилмаганда хон томонидан ёқимли табассум билан берилган бу саволдан эсанкираб қолган татар қизи Марсия саволга ўзи жавоб бериб, кейин хоннинг саволини Елизаветага таржима қилди.

Кучумхон Ермакнинг ўлими юзасидан таъзия изҳор этганида, Елизавета бир ҳўрсиниб:

— На илож?! Бу тақдир тақозоси экан! Ермакнинг Сибирга ҳарбий юриш қилишига мен қаттиқ қарши бўлганман, — деди кўзига ёш олиб.

Елизаветанинг келиб чиқиши, уруғ-аждоди ва маълумоти ҳақида суриштирган Кучумхон ундан суюкли қизи Райҳонни тарбиясига олиб, рус тилини ўргатишини сўради. Ёввойи-вогуллар султони Ермакнинг қони учун ўч олишни мўлжаллаган, енгига пичоқ қистириб саройга келган Елизавета Кучумхон ҳузуридан негадир енгиллашиб чиқди. Ермак Сибирь сафарига отланганидан бери эртаю-кеч таъкидлаганидек, "Кучумхоннинг бошида кийикникидек бўталаб кетган шохи, "одамхўрлик" қиладиган сўйлоқ тиши ҳам йўқ экан. Сибирликлар ҳам ўрисларга ўхшаган қош-кўзли, оғиз-бурунли одамлар экан. Уларнинг хонлари ҳам рус князларига ўхшаб, тахтда ўтиришар, бироқ улардан фарқли равишда ўқимишли ва улардан озода, чиройлироқ экан".

Охирги гаплари хаёлидан ўтганда Елизаветанинг юзлари қизариб кетди. Ермакнинг ўлимидан йигирма кун ҳам ўтмай, бошқа эркак тўғрисида, яна келиб-келиб суйган эрининг қотили тўғрисида ширин хаёл сура бошлаганига ўзини қойиди.

Кучумхоннинг фармони билан Елизаветани алоҳида

хонага, малика Райҳонга яқинроқ жойга жойлаштирдилар, хизмати учун битта жория ҳам ажратишди. Ермак билан уч йил яшаганида ўтказган энг яхши кунларидаги шароитдан ўн марта афзал бўлган сарой маликалари даражасига кўтарилган Елизавета Кучумхон саройига меҳр қўя бошлади. Малика Райҳон билан уни таништиришганида қўғирчоқдек чиройга эга бўлган ўн ёшли қизалоққа биринчи учрашувдаёқ меҳри тушди. Таржимон Марсия бошини эгиб, маликага Елизаветани таништиргач, Райҳон ўзига чиройли бир ҳаракат билан салом берган рус аёлига бир зум бошдан-оёқ разм солди ва:

— Ҳурматли хоним, шаҳид бўлган эрингиз учун самимий таъзиямни қабул қилгайсиз. Расм-русумларингиз бўйича лозим бўлган барча маъракаларингизни ўтказишга Хон Олий Ҳазратларининг номларидан ижозат этгум. Бундаги ҳамма харажатларни салтанат хазинаси ҳисобидан қоплайди, — деди.

Маликага бошдан-оёқ разм солишга улгурган Елизавета Райҳоннинг чиройига тан берди. "Ўн ёшли малика шу қадар чиройга эга бўлса, онасининг ҳусни қандай бўлган экан?" деб дилдан ўтказганини билган малика:

— Онам раҳматли парилардек чиройга эга бўлган экан. Олти фарзандни дунёга келтирган қирқ ёшли улуғ маликанинг ҳуснини бир марта бўлса-да, кўриш илинжида Дашти Қипчоқ султонлари узоқ йўллар босиб, юртимизга келишар экан, — деди. Маликанинг гапларини Марсия бир сўзини ҳам қолдирмай таржима қилди.

Ичида ўйлаётган ҳар бир гапига шу ондаёқ жавоб олаётган Елизавета бир оз каловланиб қолди. Аммо маликага самимий ачиниб, "Бечора қиз, она меҳрини кўрмай ўсаётган экан", деб хаёл қилди. Бу гал ҳам Райҳон унинг дилидаги гапини уқиб:

— Тўғри, она меҳрини кўрмай ўсаяпман, аммо падари бузрукворим ҳам ота, ҳам она бўлиб, меҳрларини аямаётирлар! — деди.

Малика Райҳоннинг ҳаким Риштоний томонидан ривожлантирилган ажойиб хусусиятларидан хабардор бўлмаган Елизаветанинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бундай "авлиёсифат" қизга қандай қилиб дарс бера оламан, деб ўйлаганида маликанинг лабига сирли табассум қўнди:

— Бу тарафини ўйламанг, мен жуда интизомли ва тиришқоқ шогирд бўламан! — деб Елизаветани тинчлангирди.

Маликанинг хонасидан чиқишгач, Елизавета бош оқсочдан секингина:

— Онаси ўлганида малика неча ёшда бўлган? — деб сўради.

— Райҳонга онасини кўриш насиб этмаган. Уни мен эмизиб катта қилганман, — деди Марсия.

— Хон нега ўйланиб қўяқолмаган?

— Хон маликамизни жуда қаттиқ севган. Юрагидаги яра ҳалигача кетмаган. Ҳар беш йилда бир маротаба ўғиллари билан суюкли хотинининг қабри тепасига бориб келади.

— Улуғ малика қаерга дафн этилган?

— Мен бормаганман. Аммо бош вазирнинг айтишича, Дашти Қипчоқдаги Орол денгизнинг бўйида, Манғит деган мавзеда экан. Улуғ малика манғит уруғидан бўлган...

Кутилмаганда йўлакда пайдо бўлган Кучумхон аёлларнинг гапини бўлиб қўйди. Эгилиб салом берган аёллар билан сўрашган Кучумхон бир оз тўхтаб, Елизаветадан ҳолаҳвол сўради. Хоннинг саволларига жавоб берар экан, Елизавета хонга бир назар ташлаб, кўзини дарров олиб қочди. Кучумхон анча камтарин инсон бўлгани билан улкан салобатга ҳам эга эди. Кўкрагига кафтини қўйиб, бошини эгган Елизаветанинг хонга қараши билан юраги негадир ширин зириллаб, бармоқларининг учи қалтираб кетди...

Отасининг дўқ-пўписаси билан Ермакка эрга тегишга мажбур бўлган эрксевар казак қизини қалбида уч йил ичида атаманга нисбатан муҳаббат пайдо бўлмади. Елизавета отаси тенги келадиган Ермакни яхши кўришдан ҳам кўра кўпроқ ҳурмат қилар эди. Қаттиққўл, дағал сўзли атаман Ермакдан бирор марта ширин сўз эшитмаган бўлса-да, мунис казак аёллари қатори Елизавета ҳам эрига сўзсиз итоат қилар, тўлиғича унинг амрида эди. Ёш Елизавета ҳатто ана шундай ҳолатни севги деб билган. Шунинг учун эрининг ҳалок бўлганини эшитгач, бошқа жориялар, бева қолган казак аёллари каби у ҳам йиғлаб, аза тутган, ҳатто атаманнинг хотини сифатида ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлганди. Ҳозир эса Ермакнинг қотили олдида бош эгиб, салом бериб турар экан, ҳақиқий муҳаббат туйғуларини биринчи марта ҳис

эта бошлаган эди. Айни чоғда Кучумхон сал ҳаракат қилиб, қўлини Елизавета томон чўзганида у ҳар қандай андишани йиғиштириб, хоннинг бағрига ташланишга тайёр эди. Аммо Кучумхон бундай қилмади, алланарсаларни Марсияга тайинлаб, аёллардан узоқлашди.

Елизаветанинг юрагида туғён урган муҳаббати ташқарига вулқондек отилиб чиқай деб турарди. Унинг бу аҳволдан хавотирланган бош оқсоч "Сенга нима бўлди, қизим?" деб куюниб сўраганида тўлиб турган Елизавета Марсиянинг бағрига ўзини ташлаб, йиғлаб юборди. Елизаветанинг аҳволига тушунган Марсия қизни кучоқлаб, юпатишга ҳаракат қилди. Кейин уни хонасига олиб кириб:

— Нима қилиб қўйдинг? Вақтида эсингни йиғиб ол, тентак қиз! Ахир у хон-ку?! — деб Елизаветани койиб берди.

— Нима бўлаётганини ўзим ҳам билмаяпман, опажон! — деб бечора Елизавета ўкириб йиғлаб юборди.

Яхшилаб йиғлаб олиш унинг дардини оз бўлса-да, енгиллаштиришига умид боғлаган Марсия Елизаветанинг ёнидан жилмай анчагина ўтирди. Йиғидан тўхтаб, ўзига келган Елизаветани Марсия кучоқлаб, бағрига босди, кейин ўз туйғуларини пинҳон сақлашни, ҳеч кимга билдирмасликни маслаҳат берди.

— Хонга ишқинг тушганини сарой аҳлидан биронтаси билиб қолса, узоқ яшамаслигинг аниқ, — деди Марсия уни огоҳлантириб.

Қалбидаги севгисини ҳеч кимга билдирмасликка сўз берган Елизавета кутилмаганда юрагига чўғ олган бу муҳаббат оташи унинг бошига қанчалар кулфат келтиришини тасаввур ҳам қилолмас эди.

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Апрель ойининг сўнгги кунларидан бирида Кучумхоннинг хонадонидида эрталабдан байрамона кайфият ҳукм суларди. Хон оиласи сафар тараддудини кўрарди.

Чанғили кареталарга ясатилган отларни учта-учтадан қўшиб, отларнинг бошларига попукли жиғалар кийдиришаётганини деразадан томоша қилаётган Елизавета Кучумхоннинг кўриш илинжида ҳовлидан кўз узмас эди.

"Хон неча кунга ва қаерга кетяпти? Қачон қайтаркин?"

деган савол унинг юрагига ғашлик уруғини сепарди. Бундан чамаси икки ой бурун ханти султонларидан бирининг тўйига кетган Кучумхон 10 кун йўқ бўлиб кетганидан хонсиз ўтган саноқли кунлар Елизавета учун негадир бир йилдек чўзилган эди. Хон кетганидан кейин ўзини саройда худди бегонадек ҳис этган, уч кунгина маликага амал-тақал дарс берган. Эртасига эса ҳолсиз ётиб қолганди.

Устозининг ҳолидан хабар олиб турган Райҳон сарой табибидан сўраб-суриштириб, Елизаветанинг дарди "ҳижрон азоби" эканлигини билгач, дард моҳиятини тушунгандек бўлди. Муаллимасининг узун сочларини меҳр билан силар экан, малика аста: "Энди бундай касал бўлиб қолмаслигингизга шахсан ўзим йўл қўймасликка ҳаракат қиламан", деган эди, ёш маликанинг жонкуярлик билан айтган гапларидан Елизаветанинг юзлари қизариб, ёшланган кўзини маликадан олиб қочди. Хон сафардан қайтиб келганида севиниб кетган малика биринчи навбатда Елизаветанинг хонасига югуриб кирди ва энтиккан ҳолда бу хушхабарни унга етказди. Ўзини кўярга жой тополмай қолган Елизаветани кучоқлаб олиб, юзларидан ўпди...

Ҳозир Елизавета ўша воқеани эслаб, асабийлашганча хона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Юраги тарс ёрилай деб турганида хонага Марсия югуриб кириб, унга тезлик билан отланишини буюрди. Елизаветанинг хона ўртасида ҳодадек қотиб қолганини кўриб, Марсия худди ҳеч нарса сезмагандек:

— Олий ҳазратлари сафар давомида маликага ҳамроҳ бўлишингиз ҳақида фармон берди, — деди.

Елизавета апил-тапил йўл ҳозирлигини кўрар экан, Марсия бидиллаб, ҳар йили апрель ойининг сўнги кунида шимол халқларининг миллий байрами — "Буғулар куни"ни нишонлашга бағишланган маросимда турли қавм вакиллари тўпланиб, катта томошалар ўтказиш, совға-саломлар тарқатилиши ҳақида гапирди.

— Олий ҳазрат ҳар йили Райҳонга ҳамроҳ қилиб бу маросимга мени олиб борарди. Бу йил эса сени тайин этди, — деди у беозор ҳавас билан. Кейин: — Хон ўз танловидан пушаймон бўлмаслигига ҳаракат қил, — дея сирли жилмайди.

Ясаниб чиққан Елизаветани кўриб, оғзи очилиб қолган Райҳон болаларча ҳавас билан:

— Хоним, маликалардек очилиб кетибсиз! — дея унинг пинжига тикилди.

Малика Райҳонни бағрига босиб, юзидан ўлган Елизаветанинг кўзи остонада пайдо бўлган Кучумхонга тушди. Хоннинг қотмадан келган оқ-сарик юзи ажинсиз бўлиб, тим қора чўққи соқолининг икки чеккаси худди қиров босгандек оқара бошлаган эди. Бу оқариш худди атайлаб бўялгандек хонга латиф бир чирой, улуғворлик бағишлаганди. Кучумхоннинг назари Елизаветага тушганида унинг тим қора кўзлари тунги жануб осмонидаги катта юлдуз каби кучли яраклаб кетди. Елизавета ҳам маликани бағрига босганча хонга тикилиб тураверди....

Елизавета билан Райҳон ўтирган карета Кучумхон чанасининг ортидан учиб борарди. Чанғили кареталар қор устида енгил сирпаниб, отлар бўйнига илинган қўнғироқларнинг майин садосида бир текисда учарди.

Улар Қошликдан ўн чақирим йироқда жойлашган Қорасув мавзесига етиб келишганида улкан майдон одамлар билан гавжум эди. Майдоннинг икки чеккасига тикилган юзга яқин кигиз ўтовларнинг олдига ўрнатилган қозонларда турли хил овқатлар тайёрланмоқда, бошқа бир томонда эса тик қилиб ўрнатилган жуда баланд устуннинг учига шимолда кийиладиган иссиқ этик-унти (мўйна этик) илинган эди. Нарироқда эса каттагина қўра қурилган бўлиб, негадир у бўм-бўш, ичида на от, на буғу кўринмас эди.

Хон келганидан хабар топган мезбонлар уни карнай-сурнай садолар билан кутиб олишди. Баланд қилиб қурилган айиқ ва кийик терилари ташланган шоҳсупага ўтказишди. Бошқа меҳмонлар эса ундан сал қуйироқдаги жойларга ўрнашишди. Салом-аликлан сўнг Кучумхон меҳмонларга қарата шундай деди:

— "Буғулар куни" бу фақат сиз шимолликлар билан бизнинг ва доимо бизнинг йўлдошимиз бўлиб келаётган буғуларнинг байрамидир! Буюк Тангримизнинг ҳиммати билан буғулар кўпайсин, уларнинг емиши — яғил ўти сероб бўлсин! Йўлларда ўлмайлик, бало кўрмайлик! Авлодларимизга ҳам "Буғулар куни"ни нишонлаш насиб этсин! "Шимол Ёғдуси"га шон-шарафлар бўлсин!

Кучумхоннинг ҳар бир сўзини тўпланганлар қийқириқ билан қарши олганини кўрган Елизавета кўп миллатли

"вагуллар" (яъни ёввойилар)нинг чиндан ҳам Кучумхонни чексиз ҳурмат қилишларини, ҳатто ўз оталаридек суйишларини ўз кўзи билан кўрди.

Узоқ-яқиндан келган шимол қавмлари ит қўшилган чаналарга ўтириб, ўзаро мусобақа бошлашди. Бу мусобақага қизиқиб кетган ўзбеклар ҳам ўз уруғларидан вакиллар танлаб, пойгада иштирок эта бошлашди. Ҳаммаёқ итларнинг акиллаши, пойгачиларнинг ҳайқириви билан тўлган эди. Бир қарашда беозоргина, ҳатто кулгили ҳам бўлиб кўринган бу пойга жуда хатарли эканлигига Елизавета сал ўтмай ишонди. Чунки қор устида жудда катта тезлик билан чопувчи итлар галаси, узун таёқ билангина чанада ўтирган пойгачи томондан идора этилар эди. Оғизларида ҳеч қандай жилов-пилови бўлмаган итлар чаналари билан томошабинларга келиб урилиб, беш-олтита одамни майиб қилдилар, бир-бири билан ташлашиб, бўшроқ итларни ғажиб ҳам юбордилар.

Бу пойгада манси уруғининг вакиллари ғолиб чиққач, ненецлар уришиб, бир-бирларини сўйиб қўйишларига оз қолди. Кучумхоннинг баланд овозидаги ҳайқириви ҳамманинг ҳовурини босиб қўйди. Тик ҳолда устига илинган унтини ким биринчи бўлиб олиш мусобақа русларнинг шунга ўхшаш ўйинига ўхшаб кетарди. Лекин рус қишлоқларида ғолиб йигитга ароқ ичириб, оёғига чориг кийдиришса, шимол халқлари одати бўйича соврин сифатида қабиланинг энг гўзал ханти қизи қўйилар эди. Кийикнинг ағдарма терисидан тикилган уст-бош кийиб, ясаниб олган гўзал ханти қизини соврин сифатида Кучумхоннинг ёнига олиб келишаётганида воқеаларни кузатиб турган Елизавета чидай олмади:

— Ахир бу ваҳшийлик-ку! — деб юборди.

Шунда Елизавета томонга ялт этиб қараган Кучумхон уларни имлаб ёнига чақирди. Елизавета билан Райхон унинг ёнидан жой олгач, хон ўша ҳар сафар Елизаветани кўрганда ғалати учқунланадиган қоп-қора кўзларини унга тикиб:

— Бу ҳеч қандай ваҳшийлик эмас! Бирор-бир қавмнинг гўзал саналган қизини ғолиб чиққан бошқа қавмнинг йигити хотинликка олади ва қавмлар орасида қариндошлик риштаси боғланади! — деди.

— Агар ғолиб чиққан йигит қизга ёқмаса-чи? — деб сўради бўш келмай Елизавета.

— Бундай ҳолларда қиз қавми қизни ўз қабиласида олиб қолиш учун йигит томонига каттагина ўлпон тўлайди. Ўлпоннинг ҳажми 10 та ёки 100та, баъзи ҳолларда эса бир неча юз буғулар билан ҳам ўлчаниши мумкин, — деб жавоб қилди хон жилмайиб.

— Сиз шимолликларнинг урф-одатларини яхши билар экансиз.

— Мамлакат султони ўзи ҳукмронлик қилаётган ҳар қандай қавм ва уруғнинг урф-одатларини билиши, уларни ҳурмат қилиши, сақлаб қолиши шарт.

Кучумхоннинг жавобида гурурдан кўра кўпроқ синиқликни сезган Елизавета аста хоннинг кўзига қаради. Ўша пайтларда ёши олтмишларни қоралаган Кучумхоннинг халқ орасида ривоятлар яралишига сабабчи бўлган тим қора кўзларида қандайдир ўкинч, соғинч аломатларини сизди. Аммо ҳукмдордан бунинг сабабини сўрашга юраги дов бермади.

"Буғулар куни" байрамида кун бўйи Кучумхон билан ёнма-ён туриб, хоннинг ёш болалардек ҳаяжонланишларини кўриб, завқланишларига шерик бўлган Елизавета қандай қилиб байрам тугаганини ҳам билмай қолди. Бироқ малика Райҳон билан ўз кареталарига чиқаётганларида Қорасув мавзесининг аҳолиси Елизаветага катта қизиқиш ва ҳайрат билан қарашаётганини, унга нисбатан алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатаётганларини тушуниб қолди, уялиб, ўзини қўярга жой тополмади. Малика Райҳон эса унинг ичидан ўтаётганларни сезиб, каретага ўтиргач, иссиқ айиқ пўстинга ўралар экан:

— Елизавета Ивановна, халқ сизни бош маликадек ҳурмат қила бошлаганини сездингизми? — деб унга маъноли жилмайганида Елизавета баттар қизариб кетди.

Кўксига бошини қўйиб олган маликанинг ипакдек сочларини силар экан, Елизаветанинг қувончи ичига сигмас эди. У каретанинг ойнасидан бошини чиқариб қийқиргиси, атрофда уларга ҳавас билан қараб қолаётган рус йўловчиларга: "Кучумхон ҳақида бизнинг ерларда тарқатилган барча гаплар ёлғон, бўҳтон экан. У тенги йўқ султон!" деб бақиргиси келарди. Марҳум Ермак билан яшаганида севгинима эканлигини билмаганлигини, ҳақиқий муҳаббат ҳиссини бутунлай бошқача — қувончли, дардли, лаззатли ва аччиқ кечинма эканлигини энди тушунди.

Қосимов шаҳри. Мирзо Қосимхон саройи. Сибирь хонлигининг парчалай олмаган рус саноатчилари — Кучумхоннинг ашаддий душманлари, энди шу саройда ўқтин-ўқтин йиғилиб, Сибирь ўзбек хонлигига қандай зарба бериш, янги ҳужум уюштириш режалари устида бош қотиришар, аммо ҳеч бир қарорга келишолмас эди. "Кичик подшо" номини олган Мирзо Қосимхон ўз салтанати ҳудудини кенгайтириш масаласини кўзлаётган бўлса, қозоқ султонлари ака-ука Таваккал билан Қайсар ботирлар Сибирь ўзбек хонлигига қайта ҳужум қилиб, тўғридан-тўғри тахтни ўз қўлларига олишни ўйлар эдилар. Чунки ўшанда Иван Грознийнинг ўзи Таваккални Тюмень ўлкасига хон қилиб кўтаришини ваъда қилган эди-да! Строганов, Угрюмов, Голодний каби саноатчилар ва ер эгаларини эса тахту тож қизиқтирмас, кончининг метин тешаси тегмаган Урал орти ерлари уларни оҳанрабодек ўзига тортарди.

Мирзо Қосимхон саройига навбатдаги мажлисга тўпланганларнинг диққат-эътиборлари яна ўша эски мавзуда бўлди. Бу галги йиғинга казак атамани Голодний ўзи билан бирга Черний деган йигитни олиб келиб, кўпчиликда норозилик уйғотди. Чунки мажлисда кўтариладиган ҳарбий режалар бошланмасдан барбод бўлишидан қўрқишарди. Мирзо Қосимхон Голоднийнинг подшо Фёдор Иванович олдида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга эканлигини бир неча бор эътироф этгачгина мажлис аҳли бир оз тинчлангандек бўлди.

— Ҳарбий куч ишлатиб, Кучумхонни синдириш учун жуда катта қўшин тўплаш керак. Қўшинни тўплаш маълум муддат ва улкан миқдорда маблағ талаб қилади. Сибирь хонлиги марказдан анча йироқда жойлашганлиги туфайли бу ҳарбий тадбир Московия салтанатига икки марта қимматга ҳам тушди. Фарбдаги душманлар билан алоқалар кескинлашган ҳозирги пайтда подшоҳ Олий ҳазратлари тинч турган Сибирь хонлигига қўшин тортиш масаласини кун тартибидан чиқариб ташлади, — деб ахборот берди Мирзо Қосимхон яқинда Москвага қилган сафарида ўтирганларни хабардор қилар экан. — Олий ҳазратларининг шахсан ўзлари билан учрашганда ҳам, Борис Годунов Олий зотлари билан қилган суҳбатларимизда ҳам шу нарсани аниқ

аён бўлдики, бу яқин уч-тўрт йил ичида Сибирга қўшин тортишни ўйламасак ҳам бўлади. Ундан кейин ҳам улардан ҳарбий ёрдамга умид боғламаслигимиз керак. Борди-ю, ўзимиздан ташаббус чиқиб, бирор-бир тадбир уюштирсак, салтанат оқ фотиҳа бериб, бизни қўллайди...

— Салтанатнинг бир "оқ фотиҳа"си менинг бутун бошли молу дунёимни ўпириб кетди. Ермакнинг ҳарбий қўшинини моддий таъминлаш менга жуда қимматга тушди. Ҳамма харажатларим Ермак билан сувга оқиб кетди. Энди 10 йилгача қаддимни тиклолмасам керак! — деб қўл силтади Строганов.

Мажлисга йиғилганларнинг барчаси бирма-бир сўзга чиқишди. Ҳатто инглиз капиталидан фойдаланиб, қайтадан қўшин тўплаш керак, деган қалтис фикрни қўлловчилар ҳам бўлди. Бирга олиб келган ҳамроҳи билан бурчакда индамай гап тинглаб ўтирган муғамбир Голодний сўз олиб, шундай деди:

— Казаклар йўқ қила олмаган Кучумхонни казак қизларимиз мағлуб этади, — деди атаман хотиржамлик билан. Ҳамма унга зўр қизиқиш билан қараб қолганини кўргач, кинояли жилмайганча гапида давом этди: — Ермакнинг қўшини билан бирга кетган 300дан ортиқ довюрак қизларимизни Кучумхон ўлжа қилиб олиб, қаҳрамонлик кўрсатган аскарларига бўлиб берган. Уларнинг ярми кўзга кўринган амирлари, улус ҳокимлари, мингбоши ва юзбошиларнинг хонадонларига ҳадя қилинган. Ермакнинг хотини Елизавета ҳам шулар қаторида. У Анастасия деган бир казак қизи билан Кучумхоннинг ҳарамида...

— Хўш, нима бўпти? Асирликка тушган аёлларни қул қилиб сотиб юбормаган-ку! Бу одатий ҳолат! — деди қизишиб Таваккал.

— Сотиб юбормаганликлари жуда яхши бўлган. Қизларимизнинг барчаси ўзбек амалдорларининг хонадонларида, уларнинг қонуний хотинлари бўлиб яшамоқдалар. Биз бундай ҳолатдан усталик билан фойдалансак, уруш-пуруш қилмай туриб ҳам, Кучум салтанатини қўлга киритишимиз мумкин! — деди Голодний маккорона кўзларини ўйнатиб.

— Қандай қилиб? — сўрашди бир нечта меҳмон бараварига.

Атайлаб бир-икки дақиқа сукут сақлаган кекса Голодний муғамбир жилмайди:

— Фараз қилинг, 300та асира қизларимиз бир пайтнинг ўзида "эрларини" заҳарлашади! Биласизми, унда нима бўлади?! — деди Голодний атрофга мағрур тикилиб. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, тантанали равишда дона-дона қилиб: — Бир вақтнинг ўзида Кучумхон 300та сараланган аскарларидан, 300та ҳарбий қўмондонидан, етакчи саркардаларию ҳокимларидан айрилади...

— Кучумхон деярли қўлсиз-оёқсиз бўлиб қоларканда! — деди Таваккал завқ билан.

Мажлисдагиларга ёқиб тушган бу таклиф ҳаммани жонлантириб юборди. Ҳамма бир-бирига сўз бермай гапга тушиб кетди.

— Аммо бу яхши тадбирнинг амалга ошишига сира кўзим етмайди, — деди кутилмаганда Қайсар султон ҳушёр тортиб, кейин Голоднийга тикилганча. — Ўзбекка эрга теккан рус қизларининг кўпчилиги бола орттириб, уй-жойли бўлишган. Улар ҳам туркий аёлларга ўхшаб эрларига бўйсунувчан бўлиб қолишган.

— Бизнинг қизлар ўз динларига содиқ қолиб, доимо казаклигича қолади! — деди Голодний Қайсарнинг сўзини бўлиб.

Қайсар ҳам бўш келмади:

— Бизда "Кимнинг аравасига ўтирсанг, шуни куйини тинглайсан!" деган нақл бор. Сенинг казак қизларинг ҳам бошқа миллат қизларидан фарқ қилмайди. Шунинг учун уларга кўп ҳам ишонаверма! — деди у.

Аммо Қайсарнинг фикрини ҳеч ким, ҳатто унинг оғаси Таваккал ҳам қўлламади. Улар бу қалтис тадбирни қандай бажариш, унга ким раҳбарлик қилиши, аёлларнинг заҳар билан ким таъминлаши устида режа туза бошлашди. Голодний бу тадбирни амалга оширишни тўлиғича ўзи билан бирга келган Олег Чернийга ишониш мумкинлигини айтди.

Олег Черний гўзал Елизаветанинг туғишган оғаси бўлиб, асирликка тушиб қолган суюкли синглиси ва казак қизлари учун "татарлар"дан ўч олишни мақсад қилиб қўйганди. У аллақачон асирликдаги қизлар билан алоқа ўрнатганлиги ҳақида гапириб, меҳмонларга ўз режасини баён этди.

БОЙЧЕЧАК ИФОРИ

Елизавета Кучумхонни ҳафтада бир-икки марта кўриб қолар, ҳар кўрганида Сибирь хони казак қизининг кўзига борган сари кўркам, истараси иссиқ ва ёқимлироқ бўлиб кўринар эди. Елизавета Кучумхон билан шунчаки бир-икки дақиқа юзакигина кўришиб, салом-алик қилишни орзиқиб кутар эди.

Кўлини кўксига қўйиб, сал эгилиб нафосат билан хонга салом бериш Елизаветанинг ўзига ҳам ёқар, қалбига қандайдир ҳузур бағишлар эди. Алик олаётган Кучумхон ҳорғин жилмаяр экан, казак қизига бир он бўлса-да, тикилиб разм солар, Елизаветанинг ўзига хос кийимига қизиқиб қарарди.

Суюкли қизи Райҳоннинг Елизавета билан топишиб, бир дугонадек бўлиб кетганидан Кучумхон беҳад хурсанд эди. Райҳон рус тили ва русларнинг ўзга хос урф-одатларини Елизаветадан ўрганган бўлса, Елизавета катта хоҳиш билан маликадан туркий тилни, ўзбек урф-одатларини, расм-русмларини кунт билан ўрганар эди. Елизаветанинг туркий тилда жуда ширин гапириши, айниқса, Кучумхонга жуда ёқарди. Давлат ишларидан бўшаган пайтларида, бўш вақтларини одатда китоб мутолааси, Риштоний ва бошқа фузалолар билан суҳбатда ўтказадиган хон сўнги пайтлар китоб ўқишни ҳам, олимлар билан суҳбатлашишни ҳам четга сурган эди. Кучумхон ёлғизликни ёқтирадиган, бир нуқтага тикилганча хаёлга чўмадиган бўлиб қолди. Хаёлга ботганда эса кўз олдида казак қизи — Елизавета гавдаланар, унинг нозу карашма билан гапиришлари намоён бўлаверарди. Хоннинг ҳолатидан хабардор бўлган Риштоний бир куни шаҳзода Дилмуродни ёнига олиб, очиқ-ойдин суҳбат қилди:

— Ҳурматли шаҳзода, отангизнинг руҳий ҳолати яхши эмас! Ул зотни ёлғизлик ҳисси тобора ўз домига тортмоқда. Агар Олий ҳазратни тез орада уйлантириб қўймасак, унинг дарди оғирлашиши муқаррар!

Сарой табибининг тўсатдан ва хавотир билан айтган бу гапига ҳайрон бўлиб қолган Дилмурод бир муддат жавоб тополмай қолди. Кейин одатдагидек босиқлик билан:

— Бундан ўн йил бурун вазири аъзам бошчилигида

бир талай амалдорлар бузрукворимизни ўртага олиб, сарой бош маликасиз бўлмаслиги кераклигини айтишган эди. Шунда қиблагоҳимиз қаттиқ ранжиб, "Энди дунёдан тоқ ўтурман", деб туриб олганлар. Шундан кейин бирор-бир зот бу мавзуда Олий ҳазратга гап очишга журъат этмаган! — деди.

— Ҳозир вазият ўзгача, — деди табиб ишонч билан. — Ул пайтлар раҳматли онангизни гўри ҳали совумаганди. Хоннинг яраси янги бўлган. Энди эса вазият ўзгарган! Отангизнинг ёшлари олтмишдан ўтиб, дунёга бошқача кўз билан қарай бошлаганлар. Умр тез ўтиб кетаётганини сезиб, ҳаётнинг энг тотли томонлари уларни четлаб ўтиб кетаётганидан афсусланмоқдалар...

— Қизиқ! — деди шаҳзода таажжуб билан елка қисиб: — Уруш-пуруш йўқ, юрт тинч, болалари ёнида соғ-саломат, тангрига шукур қилиб яшавермайдиларми?

Риштоний шаҳзоданинг юзаки фикр қилаётганидан кулиб, унга тушунтирди:

— Муҳтарам шаҳзода, Олий ҳазрат худди сиз айтганингиздек, шукрона айтиб юрибдилар! Аммо кеч тушиб, ҳамма ўз уйига, хона-хонасига йўл олиб, бола-чақасининг қўйнига кириб кетгач, кекса хоннинг ёлғиз қолиб қийналишини ҳеч ким кўз олдига келтиролмайди! Мансаби қанчалик улугъ ёки паст бўлишидан қатъий назар, ҳар бир одамнинг қалбининг яширин ерларида шундай ўй ва фикрлар бўладики, уларни фақат бир ёстикқа бош қўйган, узун тунлари ва оғир кунларни бирга ўтказган одамгагина тушуниши мумкин. Ҳозир отангиз ана шундай сирдош инсонга муҳтождир!

Анча сукут сақлаб қолган шаҳзода Дилмурод бирдан аниқ қарорга келди, Риштонийнинг юзига ялт этиб қараб:

— Фикрингизга тўлиғича қўшиламан ва сизни қўлайман! Бироқ менинг қандай ёрдамим тегиши мумкин? — деб сўради.

Шунда Риштоний Дилмуродга у тўнғич фарзанд бўлганлиги боис, отасининг ёнига кириб, унинг уйланиши лозимлигини айтиши туркий расм-русум бўйича шарт эканлигини тушунтирди. Бунинг айб ери йўқ, ҳатто савоб эканлигини уқтирди.

Бундай жиддий мавзуда гаплашиш учун икки кун руҳан

тайёрланган Дилмурод учинчи куни Риштонийни олиб, Кучумхоннинг ҳузурига борди. Ўзини бир оз олдириб қўйган Кучумхон меҳмонларни жуда яхши қабул қилди. Отасининг олдида анча ўтириб қолган Дилмурод келишилган мавзуда гап бошлай олмай, чайналиб ўтирди. Буни кўрган Риштоний ташаббусни ўз қўлига олди. Икки яқин одами, тахт вориси Дилмурод билан сарой табиби Риштонийнинг бири олиб, бири қўйиб гапиришлари натижасида ўзи ҳам "пишиб" қолган Кучумхон уйланишга рози бўлди. Бундан хурсанд бўлиб, шаҳзода Бухоро ва Хива томонларга шахсан ўзи бориб, отаси учун муносиб маликалардан бирини олиб келишини айтганда Кучумхон уни тўхтатди.

— Ўзга хонлик ва амирликларга боришнинг асло ҳожати йўқ! — деди Кучумхон ва унга ҳайрон бўлиб қараб қолган Дилмуродга: — Мен Елизаветага уйланаман! — деди.

Орага жимлик чўкди. Дилмурод бақрайганча отасига қараб қолди, Риштоний эса қўлини кўксига қўйиб, бош эгганича жим ўтирарди.

— Менинг қарорим нечун сизларни ҳайратга солди? — деб сўради Кучумхон кулимсираб. — Ҳозиргина икковлон мени уйланишга қистаётган эдингиз. Мен розилик бериб, ҳатто бўлажак маликани исмини айтганимда, нечук мум тишлаб қолдиларингиз?!

— Сизнинг ҳар қандай қарорингиз биз учун амри вожибдир! — деди Риштоний бошини кўтармай.

— Азиз бузрукворим! Ахир Елизавета марҳум қароқчи Ермакнинг беваси-ку?!

— Ермак ўлганга анча бўлган. Ҳатто Елизаветанинг ўзи ҳам уни бутунлай унутган, номини тилга ҳам олмайди.

— Олампаноҳ, бўлажак бош малика туркий қавмлардан бўлса маъкул бўлармиди?... — деди Дилмурод ялингандек бўлиб.

— Мен учун маъкул эмас! — деди Кучумхон ўғлининг сўзини бўлиб ва кескин ўрнидан турди.

Кучумхоннинг жаҳли чиққанини сезган шаҳзода билан Риштоний орқаларига тисарилганча, аста хонадан чиқиб кетишди. Кучумхоннинг қарори қатъий эди....

Эрта баҳор кунларидан бири. Елизавета ўрнидан туриб,

кийина бошлаганида токчада кичик бир саватчани кўриб, ҳайрон бўлди. Яқинроқ бориб қараб, ҳайратдан кўзлари чақнаб кетди. Дарахт пўстидан ясалган саватчанинг ичига дид билан бойчечак терилган эди. Баҳорнинг дастлабки элчиси ҳисобланган бу бойчечакларни ким унга тортиқ қилганини ўйлаб, бош қотира бошлади. Нонуштадан кейин арзимас нарсани баҳона қилиб, Райҳоннинг хонасига кирди-да, атрофга разм солди. Маликанинг хонасида бойчечак кўринмайди. Саройнинг бошқа хоналарини ҳам айланиб чиққан Елизаветанинг ҳафсаласи пир бўлди. Бошқа ҳеч қайси хонада бундай гулларни кўрмади....

Елизаветанинг хонасидаги бойчечаклар кечга бориб сўлиб, сарғайиб қолди. Гулларни тез нобуд бўлганидан кайфияти бузилган Елизавета юз бор ачиниб, гул қолдиқларини хонадан чиқариб ташлади. Бироқ бойчечакларнинг нозик, латиф ҳиди хонасида сақланиб қолди. Ўрнига ётар экан, Елизавета бойчечакларни хонага ким олиб кирганлиги ҳақида узоқ ўйлади. Ширин хаёллар оғушида уйкуга кетди.

Шу-шу ҳар тонг Елизаветанинг хонасида бу гуллар пайдо бўлиб қоладиган бўлди. Ўзининг сирли ихлосманди ким эканлиги тўғрисида ўйлай-ўйлай, Елизаветанинг боши қотди. Унинг фаразича, бу гуллар яширин ихлосманди бўлиб юрган бирор-бир казак йигити томонидан ҳадя этилган. Чунки баҳор кезлари далаларга тўп-тўп бўлиб чикувчи казак ёшлари гулчамбарлар тўқиб, қизларнинг бошига кийдириб, ўз муҳаббатларини изҳор этар эдилар. Аммо берухсат, ҳатто пашша ҳам киролмайдиган Кучумхоннинг ҳарамига казак йигити қандай қилиб кира олади, деган гумон Елизаветанинг хаёлларини пучга чиқарди....

Елизавета хизматкор қиздан:

— Хонамга саҳарлаб кириб, мана бу бойчечакларни ташлаб кетаётган кимсани кўрмадингми? — деб сўраган эди, қиз йиғлаб:

— Ҳеч кимни кўрмадим, — деб туриб олди.

Елизавета бу ҳолатдан Марсияни хабардор қилишни лозим топди.

Ҳайратдан оғзи очилиб қолган Марсия саройбонга шикоят қилиб, Елизаветанинг эшигига тунда посбон қўйдирадиган бўлди. Икки навкар галма-галдан посбонлик қила

бошлади. Аммо бойчечак терилган саватча Елизаветанинг хонасида кунда эрталаб пайдо бўлиб қолаверди....

Кунларнинг бирида сарой аҳли қандайдир маърака юзасидан хон ҳузурига йиғилганида Елизаветанинг кўзи Кучумхон тахтининг ёнида турадиган хатлар курсисига тушди. Курси устидаги қоғозлар орасида худди Елизаветанинг хонасида эрталабдан пайдо бўладиган саватчага ўхшаш ёғоч идиш турган бўлиб, унинг ичи бойчечакка тўла эди. Елизавета ўша томонга қараб, анграйиб қолди. Гўзал казак қизини бу аҳволда кўриб, Кучумхон мийиғида кулди ва:

— Хоним, мендан бирор нарса сўрамоқчимилар? — деди.

Хоннинг саволидан сесканиб кетиб, дарров ўзини тутиб олган Елизавета қўлини кўксига қўйганча:

— Олий ҳазратлари, узримни қабул қилгайсиз, — деди қизариб....

Бойчечак даври тугаб, бинафшалар очилганда Елизаветанинг хонасидаги саватчада бинафшалар, улардан кейин эса бошқа хил ўрмон гуллари пайдо бўладиган бўлди, гул келтирувчи сирли ихлосманд эса сира тутқич бермас эди. Аммо саройдаги ўша манзарадан кейин, Елизавета Сибирь ўлкасининг ҳар бир гули, ҳар бир гиёҳида ўз севгилиси — улуғ Кучумхонни кўрадиган бўлди.

Кучумхон турли важларни рўкач қилиб, Елизавета билан ҳафтада бир-икки марта дийдорлашиб турадиган бўлди. Уларнинг учрашувлари одатда қабул пайтларида ёки малика Райҳоннинг дарсхонасида юз берарди. Галдаги бир учрашувда малика Райҳон ниманидир баҳона қилиб, Елизавета ва хонни ёлғиз қолдирди-ю, анча муддатга йўқ бўлиб кетди. Шунда Кучумхон ёнма-ён ўтирган Елизаветанинг қўлини аста кафтига олди. Қизнинг ипакдек майин, нозик бармоқлари титраб кетганини сезган Кучумхон:

— Мендан шунчалар қўрқасизми? Қўлларингиз куз барги каби қалтираб турибди?! — деди. Шунда Елизавета:

— Йўқ, Олий ҳазратлари, — деди ва икки қўлини хонни кафтига қўйиб, унинг кўзига муҳаббат ила боқди.

— Елизавета хоним, ёшим сиздан анча улуғ бўлишига қарамай, қуёшим ғарб уфқига яқинлашиб қолганига эътибор бермай, сиздек ёш ва гўзал жувонга саройимда бош

малика бўлишни таклиф қилсам, дилингиз оғримайдими?
— деди Кучумхон чуқур дард билан.

Кучумхоннинг таклифидан беҳад қувониб кетган Елизавета ҳар қандай андишани четга суриб, хоннинг бўйнидан кучиб, юзидан ўпди:

— Йўқ, умримнинг охиригача сизнинг вафодор маликангиз бўлиб қоламан!..

Кучумхоннинг Елизаветага уйланиши ҳақидаги хабар қанчалик сир тутилмасин, шайбонийлар хонадонининг барча аъзоларининг кулоқларига бориб етди.

Тўй 1595 йилнинг ёз ойларида бўлиб ўтди. Тўйда Хоразмшоҳ Ҳожимхоннинг, Бухоро амири Абдуллахоннинг, Бобуршоҳ авлодларидан бўлган машҳур Акбаршоҳнинг обрўли вакиллари қатнашиб, кўп қимматбаҳо совғаларни инъом этишди. Московия салтанатининг амалий подшоси Борис Годуновнинг ўзи шахсан Мирзо Қосимхон ва бошқа амалдорлари ҳамкорлигида қатнашди.

Бу тўй хон оиласига қувонч бағишлаш билан бир қаторда, кўпчилик душманларга Сибирь хони Кучумхон ҳали қудратда эканлигини кўрсатди.

ФОШ ЭТИЛГАН ФИТНА

Кучумхоннинг тўйида рус подшосига ҳамроҳ бўлиб келиб, расмий тарзда Рус салтанатининг вакили сифатида Қошликда қолдирилган князь Трубецкой олдига шоҳ Борис Годунов томонидан жиддий вазифа қўйилганди: Ермак замбараклар билан мавҳ эта олмаган Сибирь ўзбек хонлигини айёрлик ва устомонлик билан емириш лозим эди...

Князнинг бундай махфий вазифани уддалашида унга князь Александр Николаевич Толмачёв билан Олег Чернийга ўхшаган турли тоифадаги одамлар яқиндан ёрдам беришлари кўзда тутилганди. Яхшигина ташкилотчи бўлган Толмачёв рус қишлоқларида ишсиз юриб, ичкиликбозликка берилган 50га яқин бекорчини "қурилиш бунёдкорлари" сифатида кўчириб келиб, бир неча Сибирь шаҳарларига жойлаштирди.

Олег Черний бўлса казак асираларини ишга солиб, салтанат амалдорлари ва қўшин қўмондонларига қарши фитна уюштиришга бел боғлади....

Кучумхон саройининг расмий бош маликаси бўлиб қолган Елизавета бир вақтлар ўзининг туғишган акасининг қаллиғи бўлган, ҳозир эса Кучумхон ҳарамида канизак бўлиб юрган Анастасия билан бирор марта юз кўришмади. Икки рус қизи Елизавета билан бирга Кучумхон саройига келтирилган Анастасия ҳам жуда чиройли қиз бўлиб, Олег Чернийни севарди. Елизавета малика Райҳонга сабоқ бера бошлагандан кейин Кучумхоннинг фармони билан маликага яқинроқ бўлган алоҳида хонага кўчиришган, шу билан икки сирдош казак қизлар ўзаро учрашувдан маҳрум бўлишганди. Елизавета саройининг бош маликаси бўлганидан кейин эса шоҳнинг ижозатисиз бундай учрашувни амалга ошириш амримаҳол бўлиб қолди. Чунки Елизавета салтанатда Кучумхондан кейин расман "иккинчи шахс" ҳисобланарди.

Тартиб бўйича ҳарамдаги жория ва канизаклар саройдан ташқарига чиқмас, уларнинг барча истакларини Марсия бажарар эди. Жуда зарур бўлган тақдирда, бош маликанинг рухсати билан канизаклар сарой навкарларининг кузатувида шаҳарга чиқиб, бирор ишни битириши мумкин эди.

Севгилиси Олегнинг аллақачонлар Қошликда яшаётганини руслардан билиб олган Анастасия у билан учрашиш иштиёқида ёнар эди. Ҳарамнинг гўзал канизакларидан бири саналган соҳибжамолнинг изтироб чекиб юрганлигидан хабар топган Марсия қизга ёрдам қўлини чўзди. Бош малика билан учрашиб, Анастасияни қабул қилишини сўради. Бир саройда яшаб, ўз дугонаси билан кўришолмай юрган Елизавета имконият туғилганидан хурсанд бўлиб, Анастасияни ҳузурига чақиртирди.

Марсия чиқиб кетгач, Елизавета дугонасини бағрига босди. Икковлари ҳам йиғлаб юборишди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Анастасия Елизаветага кўнглидаги дардини айтди. Акаси Олегнинг Қошликда эканлигини эшитган Елизавета у билан учрашиш учун Анастасияга рухсат берар экан:

— Олегнинг юзидан ўпиб, "доимо Елизаветанинг ёдидасан", деб айт, — дея тайинлади....

Чернийга кўзи тушиши билан ўзини кучоғига отган Анастасия шунча йиллик ҳижрондан сўнг Олегнинг қал-

бида ўзи кутган муҳаббатни сезмади. Анастасиянинг атрофида гирдикапалак бўлиб, унга тез орада уйланиб, она тупроғига олиб кетиши ҳақида тўлқинланиб гапириш ўрнига йигит ўлдирилган Ермак ва казакларнинг қони учун ўч олиш кераклиги, Сибирнинг рус салтанатига қўшилиши ҳақида куюниб гапирарди.

Севгилиси ҳузурига катта умидлар билан гўё учиб келган Анастасиянинг ҳафсаласи пир бўлди, у Олегнинг гапини кескин бўлди:

— Ўғрибоши Ермак ва унинг ҳамтовоқлари — қароқчи казакларнинг қони учун нега биз — казак қизлари ўч олишимиз керак? Ахир биз асирликка тушишимиз, чўри, жория бўлиб, ёт ўлкада қолиб кетишимизга шуларнинг ўзи сабабчи-ку?! Агар улар айш-ишратга берилмаганида, биз бундай аҳволга тушмас эдик! — деди Анастасия алам билан, кейин кетишга тараддудланар экан: — "Сибирь Рус салтанатига қўшилиши шарт!" деб бонг уряпсан, хўш, Сибирнинг Рус салтанатига қўшилишидан биз аёлларга нима фойда?! — деб сўради.

Анастасиянинг бундай кескин гапларидан довдираб қолган Олег гўлдираб, Сибирь Русияга қўшиб олинса, бу ерларга руслар ва казаклар келиб, ҳар бир одам катта ер эгаси, олтин конларнинг хўжаси бўлиб, жуда бадавлат яшашлари мумкинлиги ҳақида кўпириб гапира бошлаган эди, Анастасия хандон уриб кулди-да, Олегнинг оғзини ёпди.

— Бўлмаган гап! Бундан фақат давлат хазинаси бойийди! Бизнинг эркаклар эса икки оғиз мақтовга ҳам лаққа тушиб кетаверишади. Кейин бурчак-бурчакларда маст-аласт бўлиб, кўкрак кериб юришади. Биз эса маст эркакларнинг сўкишини эшитиб, калтагини еб юраверамиз! Йўқ, мен ҳам бошқа қизлар ҳам бундай ҳаётни ортиқ истамаймиз!.. Сибирлик ўзбекларга турмушга чиққан қизларимизнинг барчаси жуда бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Улар хотинларига маликалардек муомала қиладилар, — деди Анастасия аламдан кўзлари ёниб. — Биласанми, мен Кучумхон саройида оддий канизакман. Ўйинга тушиб, қўшиқ айтиб, меҳмонларнинг кўнглини оламан. Аммо шу ўтган 6 йил ичида бирон марта бирор кимса менинг дилимни оғритиб, ҳақорат қилмади! — деди гурур билан. Кейин анқайиб қолган

Олегга тик қараб: — Сенинг синглинг Елизавета Кучумхонга турмушга чиққанидан бери қабул маросимларида хоннинг ёнида, алоҳида тахтда ўтиради. У билан тенгма-тенг ҳуқуқда салтанатни бошқариб келмоқда. Хондан тортиб оддий фуқароларгача аёл зотини шундай иззат қилади бу салтанатда, — деб зарда билан чиқиб кетди.

Кечга яқин бош малика Анастасияни чақиртириб, Олегнинг Қошлиқда қандай ишлар билан юрганини сўради.

— Мени соғинган, висолимга муштоқдир, деб олдиға борсам, муҳаббатдан оғиз ҳам очмай, мени фитна уюштиришга, қотиллик қилишга ундаяпти, — деди канизак алам билан ва Елизаветага бор гапни айтиб берди...

Анастасия унинг барча топшириқларини кўр-кўрона бажаришига қаттиқ ишонган Олег Черний қизга ўз режаларини оқизмай-томизмай айтиб қўйганди. Бироқ сир хон одамларига етиб бормаслиги учун Анастасияни ўлдиролмас эди. Чунки эшик олдида қизни сарой навқари пойлаб ўтирар эди. Шунинг учун Олегнинг Анастасияга инсоф тилашдан ўзга иложи қолмади...

Туғишган акаси тайёрлаётган фитнадан хабардор бўлган Елизавета ҳам мушкул аҳволга тушиб қолди: бу мудҳиш хабарни Кучумхонга етказишни ҳам, етказмасликни ҳам билмасди. Агар етказса, фитначилар бошида Елизаветанинг акаси турганлигини билган хоннинг дили оғриб, маликадан кўнгли совийди. Бу гапдан хабардор бўлган сарой аҳли "ғайридин малика"дан қутулиш йўлини излайди. Акаси Олегни эса айғирларнинг думига боғлаб, қиймалашади. Туғишган акасининг ўлимига сабабчи бўлганлиги учун Елизавета ўзини кечира олармикин? Бу хабарни Кучумхонга айтмасамчи? У ҳолда фитначилар ўз мақсадларига етишади, севиқлиси Кучумхонни тахтдан ағдаришади. Кейин хўрлаб болачақаси билан бирга Московияга олиб бориб, авом халқ олдида ҳақоратлаб, дорга осишади...

Шуларни ўйлаган Елизаветанинг этлари жимирлаб кетди, кўзлари ёшга тўлди. Шу кечанинг ўзида тайёрланаётган фитна ҳақида Кучумхонни хабардор қилишга аҳд қилди. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир он азиз эканлигини Елизавета яхши тушунар эди.

Аммо бундай хабарни хонга етказиш осон эмасди. Елизавета жазм этолмади.

Пойтахт Қошликдаги рус ваколатхонаси. Князь Фёдор Михайлович Трубецкой Сибирь ерларига келиб, жойлашиб олган рус вакиллари князь Толмачёв билан биргаликда қабул қилиб, янги келган рус оилалари ҳаётида содир бўлаётган баъзи бир қийинчиликларини бартараф қилишга уринар эди.

— Куни кеча Кучумхондан Сибирь шаҳарларида черковлар қуришга рухсат олдим, — деди князь. Бу черковларни қуришга яна қўшимча усталар, ишчилар керак. Усталар бола-чақаси-ю, хотинлари билан кўчиб келишди, ўзлари билан нечта шогирдларини ҳам эргаштиришди. Де-мак шаҳарда меҳмонлар ҳаммому трактирлар қуришга тўғри келади. Қарабсизки, беш-ўн йил ичида Сибирда рус оилалари кўпайиб, татарлар қурган шаҳарлар ўзимизнинг Московия, Псков, Тверь каби шаҳарлардан фарқ қилмай қолади. Ермак қилич билан уддалай олмаган ишни биз тинч йўл билан — бир томчи қон тўкмай ҳал этамиз! Фақат сабр-тоқат керак!

— Қойил, Фёдор Михайлович! — деб олқишлашди Трубецкойни йиғилганлар.

— Биз қандай хизмат билан сенга ёрдам қилайлик! — деди рус жамоаси оқсоқоли Степанич.

— Ҳозирча сизларга ҳеч қандай хизмат йўқ! Тезроқ уй-жойлар қуриб, жойлашиб олинглар! Атрофингизга ҳамқишлоқларингизни чақириб, мавзелар, маҳаллалар ташкил қилинглар. Сибирга сизлар вақтинча эмас, абадий келишингизни сира унутманг! — деди князь ва атрофга бир қараб олиб, овозини пасайтирган ҳолда: — Атрофингиздаги русларга тушунтириб айтингларки, улар ҳеч қачон ерлик татарларга душманликларини билдирмасинлар. Аксинча, татарларни мақтаб, дўстлашиб оғзидан оши, қўлидан ишини олинглар. Улардан иш ўрганинглар! Пўлат ва чўян қуйишни, қурол-аслаҳа ва совут ясашни, мўйна ва чарм ошлашдек ноёб ҳунарларни ўрганиб олинг! Вақти келиб, салтанат бизнинг қўлимизга ўтганида, Сибирда ҳар бир руснинг катта ерлари, чарм ошлаш, чўян қуйиш, қурол-аслаҳа яшаш мануфактуралари, устахоналари бўлади. Вақти келиб, татарларни Дашти Қипчоқ томон ва унданда нарироққа қувиб чиқарамиз!

Князнинг куюниб айтган ўғитлари йиғилганларга мойдек ёқди.

Анастасиядан даkki еган Олег Черний алам билан князь Трубецкой ва Толмачёв ҳузурига келди. Унинг оғзидан ароқ ҳиди бурқсиб турарди.

Олегга жирканиб разм солган Толмачёв ундан:

— Азизим, қайлигингиз билан учрашувингиз яхши ўтганга ўхшайдими? — деб заҳархандалик билан сўради.

Ўзининг офир танасини курсига ташлаган Олег Анастасия билан ўрталарида бўлиб ўтган гапдан князларни хабардор қилди:

— Ярамас Анастасия татарларга сотилибди! Кучумхоннинг саройида кўзини ёғ босибди! — дея у мушти билан столга бир туширди. — "Сенинг муштумзўр, пиёниста казакларингдан шулар яхши! Улар ичмайди, хотинларини уришмайди!" деб айтди.

Унга ижирғаниб қараб турган князь Толмачёв қўлини силтаб, Трубецкойга юзланиб:

— Йигитларимизга баҳони аллақачон қизларимиз бериб бўлган, мана исботи! — деди ачиниб ва столга бошини қўйиб ухлаб қолган Олег томонга тупуриб: — Угрюмийнинг режаси қиморбознинг гардками каби ишончсиз эканлигини бошидаёқ билгандим! — деди.

Ой-куни яқинлашгани сари Елизаветани ваҳима босарди. Ёмон тушлар кўриб, босинқираб чиқарди. Бир куни тунда акаси Олег бошчилигидаги бир тўда одамлар Елизаветани чирқиратган ҳолда Кучумхоннинг қўл-оёғини боғлаб, роса уришди-ю, кейин барча шаҳзодаларни ҳам қийнаб, қандайдир чуқурга ташлашаётганида Елизавета бақриб, уйғониб кетди. Ёнида ётган Кучумхон уни юпатди.

— Маликам, тинчланинг! Сиз саройдасиз! Кўрқманг, мен ёнингиздаман! — деди.

Елизавета эри ҳақиқатдан ҳам ёнида соғ-саломат ётганини кўриб, хўрсиниб қўйди. Яратганга шукроналар айтар экан, ниҳоят дилига азоб бераётган кўнгилсиз хабарни юрак ютиб, шоҳга маълум қилди. Кучумхон маликани аста бағрига босиб:

— Тинчланинг, маликам! Фаламисларнинг барча ҳара-

катидан хабардорман. Масъул одамлар аллақачонлар хавф-сизлигимизни таъминлаш билан шуғулланмоқда, — деди.

— Бу ҳақда сизни ким хабардор қилди, Анастасиями? — деди ҳайратланиб Елизавета.

— Маликам, Сибирь хони канизаклар билан алоқада бўлмайди! Унинг Бош маликаси бор. Бу ҳақда русларнинг ўзи хабар беришган.

— Руслар?! — ажабланиб малика.

— Ажабланманг! Русларнинг ичида ҳам оқ-қорани ажрата оладиган, Кучумхон одил шоҳ ёки қонхўр эканлигини яхши биладиган оқил одамлар кўп. Ана шулар хабар беришди.

Эрининг ишонч ва қатъият билан сўзлашишидан кўнгли тоғдек кўтарилган Елизавета унинг қудрати ва зукко-лигидан ғурурланиб кетди. Кучумхонга меҳр билан қарар экан, қалбидаги муҳаббат ўн чандон кучайиб, алангалади.

ШАҲЗОДАНИНГ ҚАРОРИ

Қишнинг сўнгги кунлари эди. Елизавета Тўро дарёси соҳилидаги Кучумхоннинг қароргоҳида ўз канизаклари ва хизматкорлари билан истиқомат қилар ва хавотир билан ой-кунини кутар эди.

Бош маликанинг илтимосига кўра, малика Райҳон ва Анастасия ҳам шу ерга кўчиб ўтишганди. Елизаветанинг шаҳардан 7-8 чақирим нарида жойлашган бу қароргоҳга келтирилишининг сабаби, кекса ханти шомони Шуга шу атрофдаги овулда яшар, Кучумхоннинг ҳамма фарзандлари туғилишида доялик қилган бу кампир кексайиб, узоққа боролмайдиган бўлиб қолган эди. Ундан ташқари, Шуганинг талаби билан Елизавета ҳар куни эрталаб табиат қўйнида яшаётган кийикнинг янги соғилган сутини ичиши лозим эди.

Пойтахтдан 18-20 чақирим нарида барпо этилган бу маскан жуда тинч ва дам олишга мўлжалланган шинамгина оромгоҳ эди. Бу ерларга бутунлай келмай қўйган Кучумхон Бош малика бу ерга кўчиб ўтгач, 2-3 кунда бир келиб, ётиб қоладиган бўлди. Риштоний эса деярли кунора қатнаб, шогирди Райҳон билан бир хонага кириб олар, аллақандай сирли машғулотлар ўтказиш билан банд бўларди. Унинг

кунора қатнаши ва йўлда қийналишини кўрган Анастасия кексайган табибнинг ҳолига ачиниб:

— Ҳазрати олиялари, чолга раҳм қилинг, кунда қирқ чақирим йўл босиб, қийналиб юрмасин. Қароргоҳда бўш хоналар кўп. Табиб шуларнинг биронтасида яшаб турса бўлади-ку? — деди.

Шунда Елизавета:

— Мавлоно Риштоний Олий ҳазратларига ҳам, салтанат саройига ҳам жуда қадрли. Аммо Кучумхон ҳарамининг деярли ярми шу ерда. Ҳарамда эса бегона эркак бўлмаслиги керак! — деб жавоб қилди.

Қорлар эриб, дастлабки бойчечаклар ердан бош чиқариб мўралаганида шаҳзода Дилмурод туғишган иниси Бобомурод билан ўн чоғлик навкарлар кузатувида кутилмаганда Тўро қароргоҳида пайдо бўлди.

Тўсатдан келган шаҳзодалар ҳаммани жонлантириб юборишди. Канизакларнинг ҳар томонга югуриб қолишганини кўрган Дилмурод хижолат тортиб, Елизаветага ёлвориб, қизларнинг уринмаслигини сўради, шунда Бош малика:

— Валиаҳд Зоти олийларининг ҳурматлари учун бир қўй сўйдиришим лозим эди, вақтингиз зиқ эканлиги юзкўзингиздан кўриб турибман, аммо бир коса чой билан меҳмон қилмасам ўзимни гуноҳкор ҳис этаман, — деди.

Шаҳзодалар ортиқча сўз айтишга ботинолмаб, Бош малика ҳузурида ёзилган кўрпачаларга чордона қурдилар. Дилмуроднинг гапидан, баҳор кунлари бошланганлиги муносабати билан ўз йигитлари билан Янисой томонга олтин ва кумуш конларини излаш сафарига кетаётганлиги маълум бўлди. Шаҳзода йўл-йўлакай Бош маликани кўриб, хайрлашиш ниятида келганлигини айтганида Елизавета беҳад хурсанд бўлди. Бироқ, ширчай ичиб, туркий ширинликлар еб олган шаҳзодалар ўрниларидан туролмай, бафуржа ўтириб қолишганидан ҳайрон бўлган Елизавета малика Райҳонга қаради. Райҳон кулимсираб, ичкарига кириб кетди ва бир оздан сўнг Анастасияни бошлаб чиқди. Дилмуроднинг кўзи Анастасияга тушиши билан Елизавета шаҳзодаларнинг кутилмаган ташрифлари сабабини тушунгандек бўлди. Укалари Шомурод билан Бобомурод аллақачонлар уйланиб, бола-чақали бўлишган бир пайтда ёши

Ўттизларга яқинлашган тахт валиаҳдининг қалбида ниҳоят муҳаббат ниш урганидан хурсанд бўлди. Анастасиянинг ўзига оро бериб чиқишидан бу муҳаббат риштаси унинг ҳам қалбини эгаллаганини сезиб, Елизавета чиндан шодланди. Бироқ Елизавета бу муҳаббатни қачон бошланганини билолмай қолганди.

— Ҳазрати олиялари, сизларнинг тўйингиз пайтида, мусиқалар авжига чиққан маҳал Анастасия хоним рақсга тушганди. Рақс тугаши билан оғам уни ичкарига олиб кириб кетганди, — дея изоҳ берди Райҳон Елизавета билан ёлғиз қолганда. — Кейин эса уни маликалардек ясантириб олиб чиқиб, ёнига ўтказиб қўйганди. Ана шунда тўйга келган меҳмонлар: "Яқин орада яна бир тўй бўладиганга ўхшайди", дейишганларини эшитиб қолгандим.

Шаҳзодалар кетгач, икки юзи қизариб кетган Анастасия шодликдан ўзини кўярга жой тополмай қолди. Чунки шаҳзода Дилмурод ўша куни унга севги изҳор қилиб, укаси Бобомуроднинг гувоҳлигида унга уйланишини эълон қилган эди. Анастасия: "Менинг розилигим керак эмасми?" деб ҳазил қилиб сўраганида, укаси томонга бир қараб олган Дилмурод жиддий тусда: "Тахт валиаҳди бирор қарор қабул қилганида ўзгалардан рози-ризолик сўрамайди!" деб жавоб қилди. Шаҳзода билан ҳазил-хузул қилиб бўлмаслигини бошиданоқ тушунган Анастасия туркий аёлларга ўхшаб, кўлини кўксига қўйганча, шаҳзоданинг олдида бош эгди.

Дугонаси Анастасиянинг ҳаётидаги хушхабардан астойдил қувонган Елизаветани тунда тўлғоқ тутди.

Табиатдан ҳамма нарсага қизиқувчан бўлган Райҳон шомон Шуганинг ёнидан бир қадам ҳам жилмади, унга ёрдам берди. Тонг саҳарлаб кўзи ёриган Елизавета хушидан кетди. Ўғлининг биринчи йиғисини ҳам эшитолмади. Чақалоқнинг киндигини кесиб, ювиб-тараб, йўргаклаб, онасининг ёнига ётқизишгандагина у кўзини очди.

Янги шаҳзода туғилганидан хабардор бўлган Кучумхон шаҳар қўрғонидаги замбараклардан бир йўла етти марта ўқ уздириб, навбатдаги фарзанди дунёга келганлиги ҳақида хабар қилди. Сўнгра жарчилар шаҳар кўчаларидан ўтиб, хон бу йил хазинага йиғиладиган ясоғ солиғини бекор қилганлигини хабар қилишди. Қароргоҳга эса Кучумхон пешиндан кейин, барча ўғиллари билан бирга келди. Ча-

қалоқнинг биринчи бўлиб қўлга олган Кучумхон мурғак шаҳзодани пешонасидан ўпиб, танишиши учун атайлаб Дилмуроднинг қўлига берди. Барча шаҳзодалар энг кичик иниларини бирма-бир қўлларига олиб танишар эканлар, Кучумхон Елизаветага таниш саватчани узатди. Бу саватчада бир вақтлар тонг саҳарда Елизаветанинг хонасида пайдо бўладиган, ичига бойчечаклар терилган саватчани эслатар эди. Елизавета саватчанинг ичига қараб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Саватчада тартиб билан бойчечаклар терилган эди. Бойчечакларга авайлабгина қўл теккизган Бош малика ҳайрат билан эрига қарарди. Чунки бойчечаклар ҳақиқий бўлмай, ниҳоятда усталик билан қандайдир шаффоф тошлардан тайёрланган эди (Опал жавоҳиридан тайёрланган бу "биллур бойчечаклар" ҳозирги кунда Екатеринбург шаҳридаги Урал минералогия музейида сақланыпти). Кучумхон Елизаветанинг ажабланиб қолганини кўриб, изоҳ берди:

— Ҳомиладор бўлганингиз маълум бўлгач, сарой заргарларига шу совға устида бафуржа ишлашни буюрдим. Бугун уни сизга ўз миннатдорчилигим белгиси сифатида тақдим этмоқчиман.

Елизавета миннатдорчилик билан хоннинг қўлини ўпди. Шундан кейин шаҳзодалар бирин-кетин Бош маликага яқинлашиб, уни табриклашди, кенжа шаҳзодага ўзлари атаган ҳадяларни бера бошлашди. Шунда шомон Шуга шаҳзодаларни тўхтатди:

— Ҳаммангиз номсиз гўдакка ҳадя бермоқдасизлар. Биронтангиз "Кенжа шаҳзоданинг номи нима?" деб сўрамадингиз-а?!

Елизавета ҳам, шаҳзодалару малика Райҳон ҳам Кучумхонга ялт этиб қарашди. Кучумхон дарров ўзини қўлга олиб, бошқа фарзандлари номига мослаб, бир неча исмларни айтган эди, шомон кампирнинг юзлари тиришиб кетди:

— Ҳазрати олийлари! Барча фарзандларингизнинг дунёга келишида мен хизмат қилганман! Сен бўлсанг бирор марта уларга ном қўйишда мендан маслаҳат сўрамагансан. Бу адолатдан эмас!

— Сен ҳақсан, шомон, олдинда гуноҳқорман!

— Бандаси фақат Худонинг олдида гуноҳқор! Менинг олдимда эса фақат айбдорсан! — деди қизишган шомон.

— Мендек айбдор хўжангни кечир, она! — деди хон. — Кенжа фарзандимга исм қўйишни сенинг ихтиёрингга топширдим! Сен қандай исмни лозим топсанг, шуни қўямиз, шартингни қабул қилдим!

Кучумхоннинг гапларидан мамнун бўлган Шуга чақалоқни қўлига олиб, уй ичида ёнаётган гулхан атрофида айлана бошлади. Сўнгра жойида тўхтаб, Шимолий Кутб томонга тикилганча шундай деди:

— Тўро дарёси минг йиллардан бери ўз сувини совуқ денгизга олиб бориб қуяди. Биздан кейин минглаб йиллар ҳам шундай бўлади. Тўро бўйларида туғилган бу шаҳзода-нинг умри Тўро дарёсидек абадий бўлсин! Танлаган ўзани қийин бўлса ҳам сўнгги йўли тўғри бўлиб, ўзанидан адашмасин! Шунинг учун унинг исмини Тўро деб атадим. Хонзода бўлгани учун уни Тўрохон деб атаймиз.

Кенжа шаҳзодага исм қўйилгач, Тўрохонга ҳадя бериш давом этди. Гал малика Райҳонга келганида у бўйнига осифлик кийик шоҳи бўлагини олиб, чақалоқнинг жажжи бўйнига илди. Бу кийик шоҳчаси аслида Кучумхон хазинасининг сеҳрли калити эканлигини билган Кучумхон билан Дилмурод бир-бирларига маъноли қараб олишди. Чақалоқни энг охири шаҳзода Дилмурод қўлига олди.

— Азиз иним, шаҳзода Тўрохон, улуг Янисой бўйларида ўзим қурган шаҳарчани сенга атадим. Унинг номи сенга қиёслаб, "Тўрохон" деб атайманки, келажак авлод бу шаҳарда яшаганида, Кучумхоннинг кенжа ўғли исми билан аталган шаҳарда яшайпмиз, деб фахрланишсин! — деб чақалоқнинг юзидан ўпди.

Яхши ва самимий ниятлар билан чақалоқни Тўрохон деб атаган ханти шомони ҳам, шаҳзода туғилганидан беҳад хурсанд бўлган Кучумхону Елизавета ҳам, Енисей дарёсининг соҳилида ўзи асос солган шаҳарга Тўрохонкент (ҳозирги Туруханск) деб ном берган шаҳзода Дилмурод ҳам йиллар ўтиб, кенжа шаҳзода рус салтанати учун даҳшатли бир шахсга айланишини билмаган эди...

Барча ўзбек ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, Кучумхон узоқни ўйлаб, кўзи очиқлиги пайтидаёқ Сибирь ўзбек хонлигининг тахтига валиаҳд қилиб, фақат Дилмуродни тайинлаган. Ундан кейин туғилган шаҳзодаларга эса катта-катта улусларни тақдим қилиб, хоннинг бу дунёдан кўзи

юмилгач, шаҳзодаларнинг барчаси Дилмуродга итоат қилишлари шартлигини таъкидлаган эди. Агар бу шарт ба-
жарилмаса, бундай шаҳзода ўзига тортиқ қилинган улус
ва бошқа мулклардан ажралишини билган меросхўрлар ўз
оғаларини оталари Кучумхонни ҳурмат қилганларидек ҳур-
мат қилишга одатланган эдилар. Шунинг учун шаҳзодалар
ўртасида рашк, бир-бирини кўра олмаслик, ғайирлик
ҳиссиётлари бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам, четдагилар
сезмаган.

Ўзи тузган анъанага риоя қилувчи Кучумхоннинг кен-
жа фарзанди Тўрохонга, у бир ёшга тўлганида Янисой
улусини ҳадя қилади. Хонликдаги энг шарқий улуснинг
пойтахти қилиб, Тўрохонкентни белгилайди.

Кон қидириб, шарқий Сибирь ерларига келган Дил-
мурод ёзнинг қоқ ўртасида, айна қидирув ишлари авжига
чиққан пайтда, Янисой бўйларини тарк этадиган бўлди.
Бу пайтда Дилмуроднинг ишчан йигитлари Қайиркон ва
Толмоқ деган кумуш конларини (ҳозирги Норильск атро-
фидаги конлар), Қарға ва Қоровул олтин конларини (ке-
йинчалик бу конлар асосида Караул ва Сопкарга шаҳар-
лари бунёд этилган) очиб улгуришган эди. Ўзининг ишон-
ган шогирди ва содиқ дўсти бўлган Тоймирни ўз чайласига
чақирган Дилмурод оғайнисига шундай деди:

— Худонинг каромати билан бу йили бошланган иши-
миз яхши натижа берди. Қатор олтин ва кумуш конларини
топдик, — деди Дилмурод мамнуният билан.

— Чиндан ҳам омадимиз келди. Айниқса Қайиркон
билан Қоровул конларнинг келажаги буюк бўлса керак.
Кон калити ер қаърига чуқурлашган сари кенгайиб бор-
моқда! — деди Тоймир завқ билан.

— Шунинг учун кон қидирув ишларини бу йилча тўх-
татамиз. Мен конларнинг чизмаларию хариталарни, қа-
зилма намуналарини олиб, пойтахтга жўнайман. У ерда
ҳужжатларни расмийлаштириб, барчанинг ҳиссасини кўр-
сатган ҳолда конларни номлайман. Намуналарини устахо-
наларда эритиб кўраман, — деди шаҳзода.

Одатда кон қидирув ишлари якунлангач, шаҳзода Дил-
мурод йигитлари билан кон майдонида зиёфат бериб, ке-
йин барчасини ўзи билан бирга шаҳарга олиб кетарди. Бу
гал шаҳзода бошқача йўл тутаётганидан ҳайрон бўлган

Тоймир устозига қараб, фикрини очикроқ айтишини интиқиб кутди.

— Ўзим билан иккитагина ҳамроҳ олиб, йигитларнинг барчасини сенинг ихтиёрингга қолдираман. Сен улар билан бирга, иложи бўлса ерли халқлардан ҳам жалб қилиб, Тўрохонкентни кенгайтир, конлар майдонида шаҳар ва қўрғонлар барпо этиш билан шуғуллан. Келаси йил бу ерларда катта ишларни бошлаб юборамиз...

Икки ишончли йигитни шаҳзодага қўшиб берган Тоймир устози билан кучоқлашиб хайрлашди. Шаҳзоданинг ортидан қўл силтаб қолган Тоймир устози ва қадрдон дўсти Дилмурод билан охирги марта кўришаётганини, ўзининг бу ёввойи шимол ўлкасида бир умрга қолиб кетишини, келажак авлодлар бу довюрак ўзбек йигитини хотирлаб, бу улкан Тоймир (ҳозир Таймирь ярим ороли) деб аташларини ўша кезде ҳали билмас эди...

Ёзнинг ўртасида Қошликка қайтиб келган Дилмурод шимолда конлар топиб, Тоймир билан бирга қолган йигитларнинг ҳаммасини номма-ном қайд қилиб, келажакда бу конлардан олинадиган даромаддан уларга каттагина улуш ажратилишини аниқ қилиб белгилади. Бу ҳақда баён этилган ҳужжатларни Тоймир ва у билан қолган йигитларнинг оилаларига топширди.

Шаҳзоданинг барвақт сафардан қайтганидан ҳайрон бўлган сарой аҳли турли фикрларга борар эди. Аммо шаҳзоданинг ўзидан бу ҳақда сўрашга ҳеч ким ботинолмас эди. Ҳатто Кучумхон ҳам бу ҳақда ўғлидан бирор нарса сўрашни ўзига эп кўрмади. Агар лозим топса, шаҳзоданинг ўзи айтар, деб ўйлади.

Шаҳзода атрофдагиларни кўп куттирмади. Сафардан қайтганига бир ҳафта бўлганида у Бош маликанинг қабулига кирди.

Шаҳзода Дилмуроднинг жиддий масала юзасидан хон билан эмас, айнан Бош малика билан гаплашиши ниятида эканлигини эшитиб, бир оз ҳаяжонланган Елизавета Дилмуродни алоҳида тайёргарчилик билан қабул қилди.

— Ҳурматли Зоти олиялари, бузрукворимиз хон Олий ҳазратларига етказингким, мен — шаҳзода Дилмурод ибн Кучумхон уйланишга тайёрман! — деди Дилмурод ҳаяжонланиб.

— Азиз шаҳзода, бу ҳақда хонга ўзингиз ҳам айтишингиз мумкин-ку, ахир?! — ҳайрон бўлди Елизавета.

— Биз ўзбекларда бундай нозик масалани отага фақат она ёки дўсти орқали айтилади. Менда эса дўст йўқ! Сиз эса ёшингиз мендан кичик бўлса-да, менинг онам ўрнидасиз, — деди шаҳзода бошини эгиб. Дилмуроднинг бундай ҳурматини кўриб, Елизаветанинг қалби меҳрга тўлди.

Дилмурод билан Анастасиянинг тўйлари жуда чиройли ўтди. Ёшлар ўзига макон қилиб, эски Аскар шаҳридаги саройни танлашди. Пойтахт Қошликдан унча узоқ масофада бўлмаган бу шаҳар келин-куёвга, кунда саройда кўриниб туриш имконини берарди.

Афсуски, қудратли Кучумхон билан валиаҳднинг саройлари бошқа-бошқа бўлиши турли гап-сўзлар пайдо бўлишига олиб келди. Бундай ёмон фикрлар, фисқу фасод, ғийбатларнинг туғилишида эса, рус салтанати вакиллари катта ўрин тутди...

САРОЙДАГИ УЧРАШУВ

Ҳиндистон подшоси Акбаршоҳнинг жияни — шаҳзода Хуррамнинг расмий ташриф билан Сибирь ўзбек хонлигига келганлиги ҳақидаги хабар яқин ва йироқдаги салтанатларга тез тарқалди.

Бу каби сиёсий давралардан ўзини четга олиб юрадиган Мавлоно Риштоний негадир бу сафар ўзи саройга келиб, Кучумхон билан учрашди. Саройдаги катта қабул қайси куни бўлишини билиб олиб, бу йиғинда ўзи ва малика Райҳон қатнашишлари лозимлигини хонга баён этди.

— Одатда бу каби катта йиғинларда малика Райҳоннинг иштирок этишига қатъиян қарши турардинг, сенинг сиёсатингда бирор ўзгариш рўй бердими? — деди Кучумхон ажабланиб.

— Олампаноҳ, ўн уч йилдирки, малика менинг тарбиямда илму тилсим, сеҳру амалиётлардан билим олмоқда. Маликанинг тарбиямга олган кезларимда мен шундай юксак натижаларни кутмаган эдим, — иқрор бўлди эроний сеҳргар. — Ҳозир эса вазият ўзгача. Халқ менинг сеҳр-амалиётларимни унутган. Мен қаридим. Элга янги қаҳрамон, янги сеҳргар керак! Бу янги сеҳргардан эл завқланиб,

хайратга келиши, душманлар эса даҳшатга тушиши лозим! — деди Риштоний. — Подшо Акбаршоҳнинг вакиллари олдида кўрсатилувчи томоша сизнинг довруғингизни бутун жаҳонга ёзғусидир!

Юмшоқ гилам устида оҳиста қадам босиб, у ёқдан бу ёққа юрган Кучумхон ҳеч нарса демади. Аҳён-аҳёнда курсида омонат ўтирган Риштонийга қараб-қараб қўяркан, бу заҳматкаш эронийнинг 13 йил давомида ҳеч нарса талаб қилмай, сидқидилдан унга, унинг салтанатига хизмат қилган, юз марталаб хон ва унинг оила аъзоларини турли балолардан, офату касофатлардан халос этганлигини хаёлидан тез ўтказди. Кейин Риштонийнинг қаршисида тўхтаб:

— Эй, табаррук ҳаким, қани, менга айт-чи, "Китобул ат-Тилсимот" китобидан нени ўргандинг? Боқий умр кўриш сирлари сенга аён бўлдимиди? — дея сўради.

Ҳакимнинг икки юзи қизариб, бошини эгганча, шундай жавоб қилди:

— Китобда ёзилишича, боқий ҳаёт кўриш ниятида бўлган ҳар бир инсон бу фоний дунёнинг барча нозу неъматларидан, лаззатли онларидан кечмоғи керак. Ана шундагина ундай одам умрбод бўлмаса-да, жуда узоқ яшаши баён этилган...

— Емаган-ичмаган одам қирқ кундан ортиқ яшай олмайди. Бу ҳақда улуғ ҳаким Ибн Сино аниқ айтган, — деди Кучумхон ва ўйланиб туриб: — Шунинг учун ул китобдаги гапларга ортиқ ишонма! Бола-чақа орттириб, бу дунёнинг барча аччиқ-чучугини тотмаган ҳаёт ҳаёт эмас! — Кейин хон қўл силтаб: — Сен бўлсанг бу китобни қўлга киритаман деб, бутун умрингни бекорга сарфладинг, бу юртларга келиб қолдинг, — деди табибга ачингандек бўлиб.

— Хон Олий Ҳазратлари, бу юртларга келиб, сиздек ҳукмдорга хизмат қилиш шарафига эришдим. Малика Райҳондек шогирд орттирдим! Малика менга қизим каби азиз бўлиб қолди! — деб Риштоний кўз ёшини артди: — Умрим бекорга ўтгани йўқ! Ул китобдан мен марҳумларга қайтадан жон ато этиш ҳунарини ўргандим.

Эроний сеҳргарнинг оғзидан сўнгги сўзлари чиққанда Кучумхон соқий қўлидан эндигина бир пиёла май олган эди. Бу гапдан ҳангу манг бўлиб қолган хоннинг қўлидаги май тўла пиёла ерга тушиб, думалаб кетди. Кўзлари пирил-

лаб, хавотир билан Риштонийга қараган хон табибни қариб, мияси айнаган деб ўйлади-да, нима қиларини билмай, бошини чайқаб қўйди. Риштоний бўлса хотиржамлик билан:

— Олампаноҳ, мен соппа-соғман! Сиз тўғри эшитдингиз, ул мўътабар китобдан мен марҳумларга қайтадан жон ато этиб, яна тирилтириш илмини ўргандим! — деди.

— Ишонмайман! — деди хон важоҳат билан. — Нима, сен бу ишни амалда синаб кўрдингми?

— Бир неча ҳайвонларда синаб кўрганман. Синолда бўлган олти ҳайвондан фақат биттасига жон кирита олмадим. Чунки ул жониворнинг ўлганига 40 кундан ортиқ вақт ўтган экан, — деди табиб, кейин: — Одамлар жасадида ҳали бу тажрибани бошлаганим йўқ, — деб қўшиб қўйди.

— Хайрият! — деди Кучумхон ва уй ичида тез-тез у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, кейин бирдан Риштонийнинг олдида тўхтаб: — Бу қилган ишларинг Худога шак келтиришдир! Ўлим билан туғилиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш ёлғиз Яратганнинг ишидир! — деди.

Бошини қуйи солиб, хонни тинглаб турган Риштонийга хавотир билан тикилган Кучумхон бирдан:

— Малика ҳам бу ҳунардан хабардорми? — деб сўради.

— Йўқ, бу илмни маликадан сир сақлаганман, — деб жавоб қилди Риштоний.

Риштонийнинг жавобидан Кучумхоннинг кўнгли бир оз тинчланди. У сеҳргарга узоқ тикилиб қолди-да, кейин қатъий хулосага келиб, шундай деди:

— Мавлоно ҳаким! Мен сенинг илмингни доим ҳурмат қилиб келганман. Амалларинг олдида ҳайратга келиб, барча ўғитларингни адо этганман. Аммо ўлган жонзотларга қайтадан жон ато этиш амалиётингга қаршиман!

Бу Ҳиндистон ва Эрон заминида "Тилсимлар султони" деган номни олган машҳур сеҳргар Риштонийга Кучумхоннинг сўнгги сўзи бўлди. Сибирь ўзбек хони улуғ сеҳргардан юз ўгириб, унинг учун сарой дарвозасини ёпиб қўйди. Кучумхонинг бу қарорини азиз қизи малика Райхоннинг илтижоли кўз ёшлари ҳам, Бош малика, суюкли Елизаветанинг ўтиниб сўрашлари ҳам ўзгартира олмади. Аммо Кучумхон саройидан бадарға қилинган Риштонийга бўлган ҳурмат-эътиборини камайтирмади. Махсус хизмат-

корлар ажратиб, мутафаккирнинг ҳол-аҳволидан доимо хабардор бўлиб турди, унинг дастурхонига ноз-неъмат етказиб туришни канда қилмади. Малика Райҳон устози билан кунда кўришиб, маслаҳатлар олиш, шаҳзодалар эса фикр алмашиб туриш имкониятини сақлаб қолдилар. Фақат Кучумхоннинг ўзи ҳаким билан учрашишдан ўзини олиб қочарди....

Хуррамшоҳ ва унинг ҳамроҳлари шарафига бериладиган базму жамшидга малика Райҳон Бош малика Елизавета ва малика Анастасия кузатувида келди. Маликанинг кайфияти тушкун эди. Чунки у биринчи марта ўз ҳунарини устози Риштонийсиз меҳмонлар олдида намойиш қилиши керак эди.

Саройбон ҳиндистонлик меҳмонларни зиёфатдагиларга таништириб чиққач, улар аввал Бош маликани, кейин тахт валиаҳдининг хотини малика Анастасияни, энг охири малика Райҳонни таништиришди. Саройбон Райҳоннинг номини эълон қилганида Хуррамшоҳ маликага тикилиб қараб қолди. Кейин эса ўрнидан туриб, маликага таъзим қилди, шаҳзоданинг ҳамроҳлари ҳам ўрниларидан туриб, Райҳонга таъзим қилишди. Бу ҳолатдан Кучумхоннинг чехраси очилди. У ҳинд вакиллари савдо баҳонаси билан Райҳонни шу Бобурзодага сўраб келишганини сизди.

Базмнинг зиёфат қисми тугагач, меҳмонлар билан суҳбат бошланди. Шарқ саройидаги удумга кўра, даврада фақат бир одам гапирар, қолганлар эса уни тинглар эди. Биринчи сўз меҳмон шаҳзодага берилди. Хуррамшоҳ ватани Ҳиндистон ҳақида чиройли ҳикоя қилиб берди. Катта оқ салласига узун икки шода йирик денгиз дури тақилган ва товус думидан жиға қадалган шаҳзода берилиб сўзлаётганида Кучумхон аста қизи тарафга назар ташлади. Шаҳзоданинг нутқини диққат билан тинглаётган маликанинг юзлари ловуллаб ёниб турарди. Шаҳзода жойига ўтиргач, саройбон маликанинг исм-шарифини айтиб, унинг ажойиботлар намойиш қилишини эълон қилди.

Малика Райҳон ҳаяжон билан ўрнидан тураркан, қулогига устозининг "Қўрқманг, маликам, мен сизнинг ёнингиздаман!" деган сеҳрли овози эшитилди-ю, унинг дили равшан тортиб, ишга тайёр ҳолга келди. Малика Райҳон-

нинг буйруғи билан хизматкорлар каттагина сандиқ кўтариб киришди. Кейин сандиқнинг қопқоғини кўтариб, меҳмонларга унинг ичи бўшлигини кўрсатди-да, хонанинг ўртасига қўйишди. Малика чаққонлик билан сандиқ ичига тушди ва тантанали оҳангда:

— Муҳтарам меҳмонлар, ҳозир мени сандиқ ичига жойлаб, қопқоғини ёпишади. Шундан кейин учгача сананглар ва истаган кимса келиб сандиқни очиб кўрсин. Мен бу ерда бўлмайман, — дея малика сандиқ ичига ётади.

Сандиқ қопқоғи ёпилиши билан ҳинд меҳмонларидан бири югуриб келиб, сандиқ қопқоғини очиб кўрди ва ҳайратдан қичқириб юборди. Ҳақиқатдан ҳам сандиқ ичи бўмбўш эди. Ҳаммаёғи бус-бутун сандиқ ичидаги малика қайга кетганига ҳайрон бўлган меҳмон елка қисарди. Хуррамшоҳ ҳам келиб, сандиқ бўшлигини ўз кўзи билан кўриб, ҳайрат билан бош чайқаганча жойига бориб ўтирди. Кейин бирдан сапчиб ўрнидан турди. Чунки ёнидаги бўш курсида малика Райҳон табассум қилганча ўтирарди.

— Ҳайратда қолдим! Сизга тасаннолар бўлсин! — деди шаҳзода Райҳонга таъзим қилиб, илтифот кўрсатаркан.

Маликанинг соғ-саломат, ҳинд шаҳзодасининг ёнида жилмайиб ўтирганини кўрган мажлис аҳли унга офаринлар айтишди. Райҳон назокат билан ўрнидан туриб, меҳмонларга таъзим қилди. Худди шу вақт гулдек очилиб турган маликанинг танаси бирдан оқариб, булутга ўхшаб қолди, зум ўтмай, булут худди тумандек ёйилиб, секин-аста тарқалиб, йўқ бўлиб кетди. Саросимага тушган меҳмонлар нима қиларини билмай турганларида кимдир қувонч билан "Маликамиз бу ердалар!" деб, созандалар ўтирган тахта супага ишора қилди. Супа ёнида виқор билан турган соҳибжамол маликани кўрган меҳмонлар қувончдан қийқириб юборишди.

— Қизалоғим, сен мени ҳам кўрқитиб юбординг! — деди Кучумхон ҳам кучли ҳаяжон ичида қизининг пешонасидан ўпиб.

Малика Райҳон вазмин юриб, яна ўртадаги майдонга келди. Кейин навбатдаги томошага тайёрлана бошлади. Иродасини бир ерга мужассамлаган малика меҳмонлар орасида турган сарбозга тикилиб қолди. Баланд қалпоғига розининг учта оқ пати қадалган бу сарбоз шимолдаги Тўрохон

қўрғонидан пойтахтга иш билан келган таниқли юзбоши эди. Маликанинг ўзига тикилиб турганидан бир оз хижолат тортган юзбоши ўнғайсизлана бошлади. Шу пайт малика сарбозни ёнига чақирди ва унга белига қистирилган ханжарни қинидан суғуриб чиқаришни буюрди. Сарбоз ажабланиб, маликага ханжарини узатди.

— Ханжар Фарғона пўлатидан ясалган, маликам, тиғи жуда ўткир, эҳтиёт бўлинг! — деди у малика нима учун бундай қилаётганини тушунмай.

— Кўриб турибман! — деди малика.

Базм аҳли маликадан кўз узмасди. Малика ёнидан шоҳи рўмолча чиқариб, уни осмонга отди. Ҳавода ёйилиб кетган рўмолча оқ қуш мисол "қанот ёзиб", аста пастга туша бошлади. Шунда малика қўлидаги ханжар билан шоҳи рўмолчани йўлини тўсди. Ханжарнинг тиғи устидан енгил сирғалиб ўтган рўмолча иккига бўлинди. Ханжарнинг ўткирлигига қойил қолган меҳмонлар фарғоналик усталарга олқишлар айтишди. Томошабинлар тинчлангач, малика сарбознинг бошидаги жиғадан битта қоғоз патини ажратиб олиб, уни меҳмонларга кўрсатди. Патни ерга ташлаганида у қалқиб-қалқиб, анча жойга борганини меҳмонларнинг ҳаммаси кўрди. Бориб, патни қўлига олган малика чўнтагидан яна бир рўмолчани чиқариб, уни тепага отди. Бу рўмолчанинг йўлини энди пат билан тўсди. Шунда, не ажабки, ғоз пати рўмолчани худди устарадек иккига кесиб юборди. Буни бир "кўз боғлаш" деб қабул қилган меҳмонлар маликани олқишлашни ҳам, олқишламасликни ҳам билмай, сукут сақладилар. Бу ҳолат маликага ёқмади. У қўлидаги ғоз патини олиб, саройнинг ёғоч деворларига зарда билан шундай отдики, одамларнинг боши устидан камон ўқидек чийиллаб учиб ўтган пат тахта деворга ярмигача кириб кетди. Пўлат тиғга айланган "ғоз патини" суғуриб олишга уринган навкарлару хизматчиларнинг ҳаракатлари самарасиз тугади. Меҳмонлар ҳайрат билан маликани узоқ олқишларди.

Маликанинг яна бир қатор қизиқарли томошаларидан лол қолган хорижлик меҳмонлар бу томошадан кейин "Кучумхон ва унинг фарзандлари кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қудратга эга экан", деб ўз ҳукмдорларига хабар юбордилар. Московия салтанати эса бу воқеани ўзгача талқинда

шарҳлади. "Сибирь ўзбек хонлигини осонгина қўлга кири-тиб, туганмас табиий бойликларига эга бўлиш учун Кучум-хон шайтон билан тил бириктирган" деб гап тарқатиб, одамлар юрагига ваҳима солди ва хонга қарши нафрат уйғонди.

МЕРОС ҚОЛГАН КАШФИЁТ

Малика Райҳон билан шаҳзодалар унинг ҳолидан хабар олиб, ҳафтада бир-икки марта уйига келиб туришларига қарамай, саройдан бадарға қилинган Риштоний ўз мавқе-ини йўқота бошлади.

Бу эса халқ назаридан четда қолмади. Кўча-кўйда унга эгилиб салом бериб, қўлларини силаб, кўзларига суртувчи Сибирь ўзбекларнинг саломи суюқлашади. Бундай муно-сабат олимнинг руҳини кемирарди. Тақдирга тан берган Риштоний бора-бора кўчага ҳам чиқмай қўйди. Кун билан бир ўзи уйда ёлғиз ўтиравериб, ақлдан озишдан қўрққан сеҳргар ўзини бутунлай илмга бағишлади. Кучумхон ман этганига қарамай, ўлган ҳайвонларни қайта тирилтириш амалиёти билан шуғулланди. Бу ишда кекса табибга унинг 12 ёшли хизматкори Маҳмуд катта ёрдам берди.

Бир куни пешин пайтида Маҳмуд уйга ҳовлиқиб кириб келди:

— Тақсир, Собир аканинг кўзиси нобуд бўлибди, — деди у ачиниб.

— Қаердан билдинг? — деди Риштоний.

— Икки ҳафта бурун унинг ўғли "Кўйим кўзилади", деб суюниб юрган эди. Тунда эса ҳаром ўлган кўзичоқни ахлатга ташлабди, — деди Маҳмуд бош чайқаб.

Риштоний "афсус" дегандек бошини силкиб қўйди. Зум ўтмай, кўзида бир чўғ пайдо бўлиб, Маҳмудга:

— Кўлингга бирор халта ол-да, итлар еб кетмасидан ахлатхонадан ўша кўзичоқни олиб кел! Қиладиган ишингни эҳтиёткорлик билан бажар. Бирор бегона кимса кўрмасин! — деб тайинлади.

Шогирди олиб келган кўзининг қотиб қолган танасини силаб кўрган Риштоний:

— Кечқурун жони узилибди, — деди ва унга анқайиб қолган Маҳмудга тушунтирди: — Агар ярим кечадан кейин жони узилган бўлса, тани бунчалик қотиб қолмас эди.

Маҳмуднинг қўлига уч-тўрт чақа бериб, хурсанд қилган Риштоний кўзини олиб, ўзи ишлайдиган махсус хонага кирди. Кўзини хонтахта устиган қўйган Риштоний жонзотнинг жони узилгач, унинг танида қандай ҳолатлар юз берганини кузатди. Риштонийнинг фикрича, бутун борлиқ — дунё икки хил тузилган эди. Олим бу борадаги фикрларини малика Райҳоннинг онгига сингдирган эди. Ҳозир шу ҳақда ўйлар экан, Малика билан бўлган бир суҳбат унинг ёдига тушди...

— Оламда бир кўринмас ҳаво бўлиб, мен уни "кўринмас тутун" деб атадим. Бу кўринмас тутун бутун коинотни илма-тешиқ қилиб, унинг таркибига сингиб кетган. Жуда ҳам майда заррачалардан иборат бўлган бу тутуннинг бутун оламдаги йиғма миқдори бор-йўғи ўн беш мисқолдан ошмайди, — деб фараз қилган Риштоний (ҳозирги замон фанининг тасдиқлашича, жаҳон липтон газининг ялпи салмоғи 20–40 граммдир, яъни Риштонийнинг фаразидан 2–3 марта кўп). — Кўринмас тутун таркибига борлиқ дунё билан боғлиқ бўлган барча хабарлару ахборотлар, шу жумладан, инсон фикри, унинг қайғу-аламлари ҳам сингган бўлиб, бутун Коинотда бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва бўлиши қутилаётган барча воқеа ва ҳодисалар ҳақида ахборотлар сингиб кетган, — деди ишонч билан Риштоний.

— Демак, қоҳинлару авлиёлар, жодугарлару сеҳргарлар ўз амалиётларини бажараётганларида ана шу кўринмас дунё тутунидан фойдаланар эканлар-да? — деб сўради малика Райҳон.

— Айнан шундай, маликам! — деди Риштоний. — Оламдаги бутун жонли, жонсиз моддалар атрофида қандайдир кўринмас бир ғилофлар бор.

— Бу кўринмас ғилофлар ўзаро учрашганларида одамлар бир-бирларини кўрмай туриб, бир-бирлари билан сўзлашмай туриб, бир-бирларининг фикрларини уқиб олишади, шундайми? — деб устози фикрини давом эттирди малика.

Тажриба учун келтирилган ўлик кўзига тикилиб ўтирган Риштоний шогирди Райҳон шу дамда ёнида бўлишини жуда-жуда истарди. Аммо бу қалтис тажрибага маликанинг аралаштириш хавfli эканлигини сезган табиб рўёбга чиқмас орзусини бошидан чиқариб ташлаб, ишга киришди...

...Қирқ кун деганда кўзичоққа жон битиб, у қоп-қора кўзларини очди. Атрофга кўрқиб қараган кўзи маъраб, ўр-нидан турмоқчи бўлди. Ортиқча зўриқиш рўй берса, Риш-тонийнинг барча уринишлари зое кетиши мумкин эди. Шундан чўчиган сеҳргар кўзини авайлаб кўтариб олиб, икки соатча ерга қўймади. Орадан маълум муддат ўтиб, кўзи атрофга кўниқканидан кейин уни ерга қўйди. Тўрт оёғида гандираклаб турган кўзи аста хона ичида юра бош-лади. Риштонийнинг севинчи ичига сиғмас эди. Чунки у бу дунёдан кўз юмган жонзотга яна яшаш бахтини қайтара олган эди.

У ўз муваффақияти ҳақида бутун дунёга жар солгиси келарди. Аммо у оламшумул аҳамиятга эга бўлган бу юту-ғини барчадан яширишга мажбур эди. Чунки инсоният ҳали бундай янгиликни қабул қилишга қодир эмас эди...

Умрининг поёни яқинлашганини сезган Риштоний кўпдан бери ёзиб юрган илмий асарига қандай ном қўйиш ҳақида узоқ бош қотирди. Ўйлаб-ўйлаб, китобнинг зарва-рағига қора сиёҳ билан: "Илму тиббиёт-ул ас-амалиётул ат-тилсимот" деб ҳуснихат билан ёзди. Кейин ўз асарига меҳру завқ билан қарар экан, ёзувида қандайдир кемтик-ликни ҳис қилди. Кейин майин табассум билан "Ушбу асар маликаи муҳтарама, фузалои ягона, гўзал Райҳонга ба-ғишланур" деб, китобнинг зарварағига ёзиб қўйди. Шундан кейингина асар бекаму кўст бўлганидек туюлиб, енгил тортди.

Китобни тоқчага қўяётганида Риштонийнинг боши ай-ланиб, кўзлари тинди. Бундай аҳволга сира тушмаган табиб сандиққа ўтириб олганча қўлларига қаради. Кейин кўзгуга қаради. Кўзгудан унга ҳорғин, хаста, кекса қария қараб турар эди. Умри поёнига етганини тушуниб, сеҳргарнинг руҳи тушиб кетди.

Ўн икки мучал йилини қаршилаган табибнинг ҳоли кун сайин ёмонлашарди. Хавотирга тушган олим тезлик билан ўзининг сўнгги кашфиётини — одамни яна ҳаётга қайтарувчи малҳамни тайёрлашга шошилди. Агар бу дунё-дан кўзини юмган тақдирда малика Райҳон бу малҳамдан фойдаланиб, уни яна ҳаётга қайтаришига умид боғларди.

Керакли малҳамни тайёрлаган куни Риштоний мутлақо

кучдан қолди, бутунлай ётиб қолди. Шунда у хизматкори Маҳмудга хон саройига бориб, малика Райҳонни чақириб келишни буюрди. Ёши бир юз элликка бориб қолган эроний сира ўлишни истамас эди. Маликани чақиртиришдан мақсади, ҳайвонларда синовдан ўтган дорисини ўзида ишлатиб кўриш, агар Аллоҳ қўллаб қолса, бу дориларнинг ижобий таъсирида оёққа туриб, ҳаётини янгитдан бошлаш эди. Эроний сеҳргар бундай нозик ишни суюкли шогирди — малика Райҳонга ишониб топшириши мумкин эди.

Малика Райҳон етиб келганида ўринда чўзилиб ётган Риштонийнинг юзига дока рўмол ёпишган эди. Малика устозининг қўлларига қараб, сесканиб кетди. Чунки бу жонсиз ва териси буришган қўллари устозиники бўлиши мумкин эмасди.

— Зоти олиялари! — деб мурожаат қилди титроқ овоз билан Риштоний.

— Сизни бундай аҳволда кутиб олаётганимни беодобликка йўйманг, каминани маъзур тутинг! Менинг доимо навқирон қиёфамга барча қатори сиз ҳам ўрганиб қолган эдингиз, буни яхши биламан. Аммо аслида мен 12 мучалнинг юзини кўрган кекса инсонман!

— Пирим, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, — деди малика елка қисиб.

— Мен ўзим тайёрлаган доридан ичиб, доим яшариб юрганман. Бу дорини тайёрлаш усули сизга қолдирилаётган китобимда ёзилган, — деди Риштоний тоқчадаги китоби томонга қалтироқ қўллари билан ишора қилиб. — Энди билсам, тана аъзоларим шунчалик кексайибдики, ҳатто ўша дориларим ҳам ўз таъсир кучини йўқотди. Шунинг учун азиз маликам, сизни мен ҳар галгидек очиқ чеҳра билан кутиб ололмадим...

Риштонийнинг бу гаплари ҳозир маликага қанчалик таъсир қилганлигини билиш қийин эди. Маликанинг бутун диққат-эътибори устозининг териси шалвираб қолган билакларида эди.

— Маликам, ҳозир умримнинг сўнгги соатлари, балки охирги дақиқаларнинг ҳисоби кетмоқда, — деди Риштоний қалтироқ овоз билан. — Шунинг учун сиздан бир нарсани илтимос қилишга журъат этдим.

— Бош устига, пирим! — деди малика.

— Сиз ҳозир токчадаги икки шиша идишни олинг. Унинг каттароғидаги доридан икки ош қошиқ олиб, пиёлага солинг. Кейин кичикроқ идишдаги доридан уч чой қошиқ миқдорида олиб, пиёладагисига солинг. Кейин шу икки дорини бир-бири билан яхшилаб аралаштиринг. Аралашмадан қовурилган ёнғоқ ҳиди келиши билан ҳаракатингизни тўхтатиб, тезлик билан дорини менга ичиринг, — деди Риштоний ҳорғин ва жонсиз товушда.

Малика чаққонлик билан ўрнидан туриб, пири амр этган амалларни худди у айтгандек қилиб бажарди. Пиёла ичидаги аралашма вижирлаб, алланечук ислар тарқата бошлади. Аралашмадан қовурилган ёнғоқ ҳиди анқиганда эса, малика дорини қориштиришдан тўхтади ва вижирлаб турган қуйқани Риштонийнинг оғзига қуя бошлади.

Орадан беш-олти дақиқа ўтгандан кейин шундайгина маликанинг кўз олдида табибнинг қартайган терилари силлиқлаша бошлади. Орадан ярим соатча ўтгандан сўнг Риштонийнинг этида битта ҳам ажин қолмади. Шундагина устидан дока ёпинчиғини олиб ташлаган Риштоний оғир нафас оларди. Ниҳоят устозининг аввалги қиёфада кўришга муваффақ бўлган малика пирининг оғир аҳволидан хавотирланарди:

— Пирим, сизга нима бўлди? Мени кўрқитманг, бирор нарсa денг!

Бироқ Риштоний ҳеч нарсa дея олмади. Гапиришга уришиб оғзини очди-ю, овози чиқмади. Қийналиб бўлса-да, ёстиғини остидан бир парча қоғоз олиб, маликага узатган Риштоний бир сесканди-ю, жон берди. Олдиндан тайёрланган мактубда қуйидагилар ёзилган эди:

"Муҳтарам малика Зоти олиялари!

Шундай қилиб, менинг жоним узилди. Аммо сиз кўрқманг! Бу вақтинчаликдир. Агар сиз юқоридаги токчадан қизил шишага солинган дорини бир соат ичида чайқата-чайқата оғзимга қуйсангиз, менга яна жон битиб, кўзимни очаман. Бу дори синовлардан ўтган, унинг кучига ишонаман. Дадил бўлинг, менинг тақдирим аввало Аллоҳнинг, кейин сизнинг қўлингизда. Агар ҳаялласангиз, бу дунёдан ризқим узилгани рост бўлур!"

Ўрнидан қалқиб турган малика токчадан қизил шишадаги дорини олмоқчи бўлди. Аммо ҳаяжонланганидан ўша

идишни ҳеч топа олмасди. Маликанинг эси чиқаёзди. У деярли қичқириб, Маҳмудни ёрдамга чақирди. Маҳмуд ичкари хонага югуриб кириб кетди ва бир зумда қизил шишадаги дорини топиб чиқди. Идишчани қўлига олган маликанинг юзидаги иккиланишни кўрган Маҳмуд:

— Ўлган жонзотларни тирилтира олдиган сирли дори худди мана шу. Пиримиз уни тайёрлаётганида мен кузатиб турганман, — деди.

Маҳмуднинг гапидан кейин малика Райҳон шишадаги суюқликни зўр бериб чайқата бошлади. Орадан бир соат вақт ўтгач, чайқалавериb анча илиган дорини Риштонийга ичиришга ҳозирланди. Маҳмудга табибнинг бошини кўтариб туришни буюрди. Малика Риштонийнинг лабларини хиёл очди ва ингичка найча орқали дорини қуя бошлади. Риштоний худди жон битгандек, дорини тамшаниб қабул қиларди. Бу ҳолни кўрган малика ҳам, хизматкор Маҳмуд ҳам қувониб кетишди. Дорининг ярми кетганида кутилмаганда, болакай Риштонийнинг бошини қўлидан тушириб юборди. Дори чайқалиб, Риштонийнинг кўкрагидаги докага тўкилиб кетди. Бундан кўрқиб кетган бечора Маҳмуд докани сиқиб, табибнинг оғзига томиза бошлади. Мўлжалидаги дорининг фақат ярмигина насиб қилган Риштонийга қайтиб кўзини очиш насиб этмади.

Жонзотларни қайтадан ҳаётга қайтариш сирини очган эроний сеҳргар бу сирни ўзи билан олиб кетди. Аммо унинг замондошлари ва ундан кейин ўтган олимларнинг фикрича, малика Райҳон машҳур устозининг кашфиёти сиридан бохабар бўлган. Малика Риштонийнинг "Илму тиббиёт-ул ас-амалиётул ат-Тилсимот" китобида шу дориларни тайёрлаш ва тахминларга кўра ишлатиш усули батафсил ёзилганини билгани учун ҳам китобни жамоатчилик кўзидан атайлаб яшириб келган.

ХУНРЕЗЛИК ЁКИ ДУШМАН ТАНТАНАСИ

1598 йил ёз ойларининг бошлари эди. Кучумхон ўзининг туғилиб ўсган ери Мовароуннаҳр тупроғини, марҳум хотини Ўлжой Хотуннинг қабрини зиёрат қилишга навбатдаги сафарга отланди.

Авваллари бундай зиёратларга тез-тез бориб турадиган

Кучумхон Сибирь ўзбек хонлигига тажовузлар бошлангач, тинчлиги бузилиб, мамлакат ташқарисига чиқмай қўйган эди. Аммо орадан 20 йил вақт ўтиб, анча кексайиб қолган Кучумхон кўзи очиклигида барча оила аъзоларини олиб, она-Ватанини зиёрат қилишини фарз деб билди.

Сафар тайёргарчилиги бошлангач, хон биринчи навбатда ўзи ишонган Пирматкарвон ва Нурмуҳаммад-карвон деган йўлбошчиларни саройга маслаҳат учун таклиф қилди. Хоннинг сафар ҳақидаги қатъий қарорини эшитган карвонбошилар бир-бирларига қараб олишди, чунки улар бу сафар анча қалтис ва хавфли эканлигини, Кучумхон уларни бежиз маслаҳатга чақирмаганини тушуниб турар эдилар...

Сафарнинг беҳатар ўтишини таъминлашнинг энг ишончли йўли, бир қарашда, салтанат ҳарбий қўшинининг таркибидан 100 туркман отликларини ажратиб олиб, уларга карвонни қўриқлашни топшириш эди.

Бундай қўриқловдаги карвонга ҳеч қандай қароқчилар босқин қилишга ботина олмасдилар, албатта! Аммо бундай салтанат ҳимояси сезиларли равишда бўшашиб қоларди...

Карвонбошилар киритган икки таклифни индамай тинглаган хон бир муддат ўйланиб турди, кейин:

— Ҳар иккингишнинг таклифингиз ўринли! — деди кутилмаганда ва суҳбатдошларига сир бой бермай, шундай деди: — Ҳар иккингиш эрта тонгдан ўз хабарчиларингизни йўлга чиқаринг!

Кучумхон карвоннинг қайси йўналишини танланганини билолмаган карвонбошилар ҳайронлик билан саройни тарк этдилар. Аммо, хон фармонини тўла-тўқис бажариш шартлигини билган карвонбошилар эрта тонгдаёқ ҳар икки йўналиш бўйича ўз хабарчиларини йўлга чиқардилар. Хабарчилар одатда икки ёки уч кишидан иборат бўлган бақувват йигитлар бўлиб, ташқи кўринишларидан улар бошқалардан ажралиб турмас, кўпинча дарвеш ёки масхарабоз қиёфасида бўладилар. Улар от ёки эшак миниб, бир ҳафта олдин йўлга чиқиб, хавф-хатар сезишса, салтанат карвонини турли ҳил белгилар билан огоҳлантирар эдилар.

Кучумхон сафар учун бир йўла икки йўлни танлаб, айёрлик қилди. Сибирь салтанати атрофида душман жосуслари изғиб юрган бир кезде ёвуз кучларни чалғитишнинг бирдан-бир тўғри йўли ҳам шу эди...

Кучумхон ўз яқинларига сафар ҳақидаги қарорини эълон қилганида ҳамма ҳайрон қолди. Ҳатто Бош малика Елизавета ҳам бу ҳақда билмас эди. Бироқ ҳеч ким хоннинг қарорига эътироз билдиришга ботина олмади. Сафарда Кучумхонга Бош малика Елизавета, шаҳзода Дилмурод, малика Анастасия ҳамда хонга яқин бўлган бир неча тўра ва амирлар ҳамроҳлик қиладиган бўлдилар. Кучумхон Малика Райҳоннинг саройда қолишини айтиб, унга:

— Қизим, сен унаштирилгансан. Шунинг учун қариндошимиз Акбаршоҳнинг рухсатисиз сени бирон ерга олиб бориш одобдан эмас. Боз устига, кенжа шаҳзода Тўрохон сенинг қаровингда қолса, биз Бош малика билан хотиржам бўламиз, — деди.

Шундай қилиб, малика Райҳон ва уч ёшли кенжа шаҳзода Тўрохондан бошқа Кучумхоннинг барча фарзандлари сафарга отландилар.

1598 йил 10 май куни тонг саҳарлаб, ғира-ширада Қошлиқдан дадил чиққан 64 отлиқ карвон Тоболь дарёси ёқалаб, унинг бошланиш томонига йўл олганида Сибирь ўзбек хонлиги пойтахти аҳолиси ҳали уйқуда эди. Кучумхоннинг садоқатли вазири — кекса Салоҳиддин карвоннинг қораси кўздан ғойиб бўлгунга қадар унинг ортидан қараб қолар экан, негадир кўнглига ғашлик чўкди. Ўз ҳукмдорини кўп марта сафарга жўнатган вазирнинг юраги ҳеч қачон бунчалар бўшашмаган эди...

Орадан уч кун ўтибгина халқ орасида "Кучумхон тахтни тарк этибди!" деган гаплар тарқалиб, ҳар хил миш-мишлар пайдо бўлди. Чунки турли масалалар билан Ўрдага келганларни Искандар Юсуфхон қабул қила бошлаган эди.

Пойтахтдаги бесаранжомлик ғанимларнинг огоҳ тортишига сабаб бўлди. Шаҳарда анча кўпайиб қолган ўрислар ғала-ғовурнинг бошида бўлдилар. Сибирь ўзбеклари ва ерли халқлар уларга қарши туриб, муштлашувлар бошланиб кетди. Агар Юсуфхон ақл-идрок билан иш тутмаганида бу тўполонлар тез орада қонли тўқнашувга айланиб кетиши мумкин эди. Аввалига ҳаммани гижгижлаган князь Трубецкой билан князь Толмачёвлар кучлар нисбати Сибирь салтанати томонига оғаётганини сезиб, Юсуфхон билан Салоҳиддинни қўллай бошладилар...

Карвон Убаган дарёсининг Тоболь сувига қўшилган ерига келганда Кучумхон карвонни иккига бўлди. Ўзи ва яқинлари ҳамда милтиқли навкарларни Пирмат карвонбоши билан бир томонга ажратди, иккинчи гуруҳга эса Нурмуҳаммад карвонбошини бошлиқ қилиб қўйди. Шунда иккала томондаги карвон 32тадан бўлиб қолди. Нурмуҳаммад бошчилигидаги карвон Тоболь соҳили бўйлаб, юришда давом этди, Пирмат бошчилигидаги карвон эса Кучумхон ва унинг яқинларини олиб, Убаган дарёси ёқалаб жанубга қараб кетди.

Сафарнинг учинчи куни Кучумхонлар Убаган дарёсининг бошланиши бўлган, ясси тоғ устидаги Қушбурун қўлига етиб келишди. Қўлнинг соҳилида шинам бир жой топиб, карвондагилар дам олишга чоғланишди.

Дилмурод билан Кучумхон қўл атрофидаги тўқайзор ичидан уч ўрдак ва бир тустовуқни овлаб келишди. Шомурод бошчилигидаги бошқа шаҳзодалар қўлга тўр ташлаб, балиқ тутишга уриндилар. Карвонбоши Пирмат бўлса навкарларни жой-жойига қўйиб, қўноқнинг тинчлигини таъминлади. Ҳамма ўз иши билан банд бўлган бир чоғда Бош малика Елизавета пойтахтда қолган ўғилчаси соғинчида ҳўрсинди.

— Ўғилчамни олиб келаверсам бўлар экан, зарари тегмай, ёнимда ўйнаб юраверарди, — деди у ачиниб дугонасига.

— Олмаганинг яхши бўлди. Қўл тугаганидан кейин даҳшатли Дашти Қипчоқ ерлари бошланар эмиш. Кўчманчиларнинг ҳаёти ниҳоятда оғир бўлади, дейишади, — деди Анастасия билафонлик билан.

Бироқ бундай бўлмади. Карвонбоши Пирмат олий тамоилдаги карвонни эҳтиёткорлик билан шундай йўллардан олиб юриди, даштда ўтказилган ҳар бир соат, босиб ўтилган ҳар бир қақирим йўл карвондагиларни ҳайратга солиш даражасида қизиқарли саргузаштлар билан ўтди. Айниқса Тўрғай дараси карвондагиларда ўчмас хотиралар қолдирди. Даранинг ажойиб манзараларига суқланиб, томоша қилиб кетаётган карвондагилар бир яланглик олдида ҳаракатларини секинлаштирдилар. Чунки ялангликдаги майса устида икки оҳу боласи билан ўтлаб юрарди. Шунда Ку-

чумхон билан Дилмурод чаққонлик билан елкаларидан камонларини олдилар.

— Мен нарини! — деди шивирлаб Кучумхон.

— Мен модасини! — деганича Дилмурод кийикнинг бирини нишонга олди.

Бироқ Кучумхон ҳам, Дилмурод ҳам ўқ узишга шошилмасдилар. Ниҳоят, иккаласи ҳам ўқ узмай, камонни бўшатдилар. Карвондагилар ҳайрон бўлиб, уларга имо-ишора қилишганида Кучумхон уларнинг эътиборини ялангликларнинг нарироғига қаратди. Ўтлоққа кўз тиккан сайёҳларнинг таажжубдан оғизлари очилиб қолди. Йигирма қадамча нарида дашт қоплони майса устида чўзилганча офтобга ўзини тоблаб ётарди. Агар қоплон терисидаги танга-танга қора доғлар бўлмаса, уни ҳеч ким пайқамас эди. Карвон келиб, қаршисида тўхтаганидагина, қоплон эриниб ўрнидан турди-да, ириллаб-ириллаб тўқай томонга шошмасдан кетди. Унинг фавқулодда ҳаракатидан сергакланган охулар ҳам тезлик билан кўздан йўқолишди.

— Ҳатто ҳайвонлар ҳам бир-бирини тушунадилар, бири-бирига ортиқча зиён етказишдан ўзини тия оладилар! — деди Кучумхон узоқлашаётган қоплоннинг кетидан ҳавас билан қараб қолар экан.

— Ҳа, Олампаҳо! Одам зотида ҳайвоний хислатлар ҳаддан ташқари кўп! Одамлар егани сари яна есам, дейди. Бойиган сари яна бойисам, дейди. Чегара билмайди. Қоплон эса қорни тўқ бўлганлиги учун тайёр турган ўлжага ақалли қарамади ҳам, — деди шаҳзода Дилмурод камонни эгар қошига илиб.

Тўрғай дарасидан чиқилгач, карвон суви қурий бошлаган бир сой бўйлаб юриб, Улуғ тоғ томонга бурилди. Тоғ бағри билан юриб, унинг тепасига чиқиб олгач, қайнар булоқ бошида бир кеча тунашди. Булоқнинг суви жуда иссиқ бўлиб, қандайдир қўланса ҳид ҳам бор эди. Йўловчилар бундан нотинчланиб, ўзларини эҳтиёт қилишганида Пирмат-карвон уларни тинчлантириб, шундай деди:

— Хоразмшоҳ Ҳожимхоннинг марҳум оталари жуда узоқ умр кўрганлар. Айтишларича, улуғ шоҳ фақат икки сувни тан олган эканлар. Бири Мадинаи Мунаввардаги оби зам-зам бўлса, иккинчиси мана шу Улуғ тоғдаги булоқнинг суви экан.

Булоқ бошида бир кеча дам олган сайёҳлар тоғ қиррасидан юриб, Оқтошга етишди. Оқтошда ҳам бир кеча қолиб, Қарсақбойга етишганида Пирмат-карвоннинг авзойи бузилди. Одатдагидек, отлардан тушиб, ўтов тиклаш ҳақида буйруқ бермай, ҳаммани эгардан тушмасликка чақириб, ҳар томонга хавотирлик билан аланглаб қаради. Кейин Кучумхон тарафга энгашиб, шивирлаб:

— Бу ерда тунаш хатарлидир! — деди.

Карвон Бойконур томонга йўл олди. Бойконурга зўрға етишганида даҳшатли фожианинг устидан чиқишди. Кимдир Пирмат-карвоннинг учала хабарчисини ўлдириб кетганди. Навкарлар жасадиарни ювиб, кўмиш билан овора бўлишганида, Кучумхон Пирматни четга чақирди.

— Фикримча, душманларимга менинг сафардан мақсадим ҳам, йўналишим ҳам ойдек аён. Душман бизни Сирдарё бўйларида кутиб олади!

— Хавотир олманг, Хон ҳазратлари, — деди анча ўзини тутиб олган Пирмат. — Энди Бойконурдан ғарбга томон юрамиз. Етти кунлик йўлимизда ўндан ортиқ қудуқ бор! Етти кундан кейин Ирғизга етамиз. Ирғиздан Чалкаргача уч кунлик йўл. Чалкар маълумингизким, Хоразмшоҳ мулкидир. Унда чегарачилару божхона хизматчилари истиқомат қилурлар. У ердан Чўмичкўлга тўрт кунда етиб оламиз, — деди.

Кучумхон карвонбошининг таклифини маъқул топди. Чунки бошқа иложиси ҳам йўқ эди. Карвон катта қийинчиликлар билан Ирғизга етиб келди. Бу шаҳарда икки кун дам олган карвон Чалкар томон йўлга тушди. Аммо Чалкар қиёфаси кўзга ташланиб, чироқларининг ёғдуси тунда уфқни ёритиб турганида, кутилмаган фалокат юз берди. Карвон ширин уйқуга кетганида кимдир Пирмат карвонбошини сўйиб кетди. Бундан анча руҳи тушган карвон Кучумхон бошчилигида бир амаллаб Чалкарга етиб келди.

Кайфияти ёмон бузилган ва асаблари чарчаган Кучумхон шу ерда бир хатоликка йўл қўйди. Ўз карвонини шаҳар чеккасидаги очиқ ялангликка жойлаштириш ўрнига, карвонни иккига бўлиб, ёндош жойлашган икки карвонсаройга ётқизди. Чунки карвонсарой хўжаси уни "Шаҳар жуда тинч", деб ишонтирган эди...

Хотиржам уйқуга кетган карвондагилар тонгга яқин

бостириб кирган қалмоқларга деярли қаршилиқ кўрсата олмадилар. Қалмоқларнинг сардори Сабутай баҳодир эрталаб бандиларини бир сафга турғизиб, Кучумхонга захархандалик билан қарагандагина хон ўз хатосини тушунди. Агар карвонни яхлит сақлаганида ва ялангликка чодир тиктирганида, душман қўлига бунчалик осонлик билан банди бўлмас эди. Карвондаги навкарларнинг ҳаммаси жанг кўрган, мард ва ботир йигитлар эди.

Кучумхон ожизлик қилганини бўйнига олиб, ёнма-ён турган Бош малика Елизавета ва валиаҳд Дилмуроддан узр сўраган эди, Елизавета эрининг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб юборди. Дилмурод бўлса отаси ва иниларини тинчитишга уринди. Шу чоғ малика Анастасиянинг миясига бир фикр келди. У соқчиларнинг бошлиғини ёнига чақириб, жуда катта миқдорда олтин ваъда қилиб, бандиларини озод қилишни сўрай бошлади. Чунки карвонда Хоразмшоҳга ҳадя қилиб олиб кетилаётган беш пуд олтин бор эди. Анастасиянинг таклифи қоровулбошига ёқиб тушди, аммо худди шу пайт майдонга хўжайинлари кириб келдию, қоровулбоши сергак тортиб, Анастасиянинг оппоқ юзига қўлидаги қамчи билан урди.

— Қалмоқлардан сотқин чиқмаган! Мен Сабутай баҳодирнинг навкариман! — деди у керилиб.

Майдонга кириб келган одам Сабутай баҳодир эди. У аллақачон карвон юқларини титиб, хон кийимларидан бирини кийиб олишга улгурганди.

Сабутай баҳодир Кучумхоннинг қаршисига келиб, унинг юзига бир мушт туширди. Қимир этай турган Кучумхоннинг кўзларидан нафрат ўти чақнаб кетди:

— Ювиндихўр! Кечагина йилқиларимни даштда боқиб юрган қарол эдинг! Энди баҳодир бўлдингми? Туф, сендака ботирларга! Юрагинг бўлса, қўлимни еч-да, менга шамшир бер! Манаман деган паҳлавонларингни битта-биттадан ер тишлатмасам, номимни бошқа қўяман! — деди Кучумхон алам билан ўшқириб.

Бу ҳайқириқдан ўзини йўқотган Сабутай орқага тисарилди. Кейин югурдакларига буюриб, Елизавета ва Анастасияни бандилар сафидан ажратиб олар экан, Кучумхонга қараб тиржайиб қўйди. Унинг бу қилиғи Кучумхоннинг юрагига ханжардек санчилди. Карвон Жарқамисга қараб

йўлга тушганида Кучумхоннинг соясигина қолганди...

Кўзи қонга тўлган қалмоқ йигитлари Елизавета ва Анастасияни роса хўрлашди. Афсуски, қўлида қилич ўйнатиб, кўп сонли душманларга қақшатқич зарба берган тўра-ю амирлар ҳам Ермакдек каллакесарни бир уриб калласини узган Кучумхон ҳам, тайгада икки марта айиқ билан олишиб, уни енгган шаҳзода Дилмурод ҳам маликаларга ёрдам бера олмай, унсиз нола чекарди...

Жонтерак мавзесидан ўтиб, Қорабой кентига етишганида лаънати қалмоқлар маликаларни олиб келиб, яна тўдага қўшишди. Бечора аёллар эрларининг бетларига қарай олмай, бошларини эгиб олишган эди. Ҳаммага уч-тўрт кун дам беришди, тўртинчи куни Сабутай баҳодирнинг фармони билан ҳамма оёққа турди. Сабутай асирларни Московия салтанатининг вакиллари ва қозоқларнинг Кичик жуз султонларига топшириб, ўзига ваъда қилинган "Қалмоқхон" унвонини олишга қаттиқ ишонарди.

Бир ойга яқин муддатда бандиликда сақланган Кучумхон ўзини анча олдириб қўйгани, ранги кетган бўлсада, қаддини йигитлардек тик тутарди. Уни бандилар сафининг қоқ ўртасига қўйиб, атрофига маликаю шаҳзодаларни, тўраю амирларни турғозишди.

Асирларни қабул қилгани келган "вакиллар"ни кўрган Кучумхоннинг кўзлари чиқаёзди. Мирзо Қосимхон ва Таваккалхон ўз иниси Қайсар билан шу ерга етиб келишган эди. Кишанланган Сибирь хонини кўриш учун шунчалик узоқ масофани босиб келганлар ичида князь Трубецкой, казак атаманларидан Угрюмий ва Голодний, бир нечта саноатчи бойлар ҳам бор эдилар.

Оғзи қулоғига етиб, асирлар сафини текшириб юрган Таваккалхон бирдан:

— Ие, малика Райҳон билан кенжа шаҳзода йўқ-ку! — деди.

— Уларни топиб, кейинчалик йўқ қилиш арзимас иш! — деди Қайсар.

Кейин ўртага чиққан Мирзо Қосимхон подшо Борис Годуновнинг расмий вакили сифатида унинг фармонини ўқиди. Фармонда: "Сибирь хонлиги Русия ерларида барпо этилган бўлиб, Кучумхон хонлик тахтини ноҳақ эгаллаган. Ўзининг 40 йилдан ортиқ вақт ичидаги ҳукмронлик дав-

рида Московия салтанатига бир чақа ҳам ўлпон тўламай, хазина ҳаққини еб келмоқда. Боз устига, иблис билан ошно бўлиб, шайтон хизматига ўтганлиги аниқдир. Шунинг учун Кучумхон ва унинг барча оила аъзолари қиличдан ўтказилиб, қатл қилинсин", дейилган эди.

Қарорни эшитган Кучумхон билан Дилмурод гапиришга уринганларида навкарлар уларнинг юзларига қамчи билан уриб, гапиришга қўймади. Майдон четида тўпланган халойиқ бу асоссиз гапларни эшитиб, қалмоқ навкарларининг ёвузликларини кўриб туришарди. Улар бирдан жумбушга келиб: "Кучумхонга сув беринглар! Хонга тегманглар!" деб ҳайқира бошлашди. Қалмоқ суворийлари қилич яланғочлаб, тўпланган авом халқни зўрға тинчитди. Кейин бу майдонга ҳеч кимни қўймай, қалмоғу, қозоқ бийлари келган меҳмонлар билан беш кун давомида роса базм қилишди. Олтинчи кун эрта тонгда барча ўтовларни йиғиб, ғойиб бўлишди.

"Меҳмон"лардан бўшаган майдонга йиғилган халойиқ даҳшатдан фарёд чекиб юборди. Чунки одамлар ичида халқпарвар, одил шоҳ сифатида машҳур бўлган Кучумхон барча яқинлари билан бирга бир ерга кўмилган бўлиб, ташқарида қолган бошлари жонсиз, кўзлари юмилган эди. Фарёд чеккан одамлар тириклайин кўмилган жасадларни авайлаб кавлаб олишди.

Улар барча жасадларни авайлаб кавлаб олиб, ҳурматэтибор билан дарё бўйига қайта кўмишди. Барчаларини шаҳид ўлган ҳисоблаб, улар кўмилган ерни кейинчалик "Шаҳидлар қабристони"деб аташди, дарёга эса "Кучумхондарё" деб ном берилди. (Қозоғистоннинг Қийшиққамис шаҳридаги қабристон ва дарё бизнинг кунларда ҳам шундай деб аталади).

Кучумхон ва унинг оиласи кўмилган Дашти Қипчоқ тупроғи ҳали совумай туриб, таҳқирланган маликалар Елизавета билан Анастасиянинг яраларидаги қонлар қуримасдан туриб, Московия салтанати Сибирь хонлигининг тахтига руслар мойиллик кўрсатадиган бирон-бир аслзодани ўтказишга бел боғлаган бўлса, салтанатнинг пихини ёрган жосуслари бепоён Сибирь ерларида малика Райхон билан шаҳзода Тўрохонни излашга енг шимарган эдилар. Чунки бу фожиани амалга оширишда иштирок этганларнинг бар-

часидан бир кунмас-бир кун Кучумхон авлодлари ўч олишига ишонар эдилар.

ФАЛАК ҚУДРАТИ

Кучумхон сафарнинг бешинчи куни пойтахт Қошлиқда бошланган ғала-ғовур қонли тўқнашувга айланмасдан бурун Бош вазир Салоҳиддин малика Райҳонни кенжа шахзода билан бирга яширин равишда шахардан чиқариб юборди.

Тўро дарёсининг соҳилида жойлашган Кучумхоннинг қароргоҳига малика укаси билан эсон-омон етиб келди. Бироқ малика бу ерда кўп бўлмади. Ўзига керакли бўлган буюмлардан олиб, яна йўлга тушди. Ўрмон ичра ярим соатча йўл юргач, хантиларнинг таниш қишлоғининг бир чеккасидан чиқди.

Улуғ ханти шомони Шуганинг ўтови бошқаларникидан четроқда тикилгани учун уни тез топди. Ўтов мўрисидан чиқаётган тутунни кўргач, малика хотиржам бўлди: Шомон Шуга ҳеч қаерга кетмаганлиги аниқ эди.

Шуга малика Райҳондан пойтахтда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлгач, унинг юзлари бирдан тиришди. Шомон ўртада ётган олов қўрига тикилганча хаёлга чўмди. Малика билан шахзодага ўтовнинг бир томонини кўрсатиб, шу ерга жойлашишлари мумкинлигини билдирди. Кечқурун эса Шуга ташқарига чиқиб, ўтовнинг олдида ялангликда гулхан ёқиш учун шох-шаббалар йиға бошлади. Қишлоқнинг бир-иккита ханти аёллари ҳам келиб, кекса шомонга ёрдам бера бошладилар. Шох-шаббадан кўтарилган ўтин куббасининг баландлиги одам бўйидан ошганда Шуга унга ўт қўйди. Ловуллаб ёнаётган гулхан атрофига йиғилган хантилар шу ерга ўтириб, бир-бирларини елкаларни қучоқлаб, тўлқинланиб қўшиқ айта бошлашди. Томоқларни йиртгудай инграб чиқаётган бу овоз ўзига хос равишда кучли таъсир кучига эга эди. Бу орада Шуга ўтовдан доирасини олиб чиқиб, уни зарб билан урар экан, қўшиқча мос равишда қаддини букиб-ёзарди. Кейин қандайдир қўшиқни берилиб айта бошлади. Жазавага тушиб, гулхан атрофида тез-тез айлана бошлади. Ўтирганлар эса Шуганинг авжига мос равишда тебраниб, унга ҳамоҳанг бўлиб куйлар эдилар. Кекса шомоннинг жазавага тушиб ўйнаши то гулхан

алангаси сўнгунга қадар давом этди. Гулхан сўнгач, ерда чўзилиб қолган Шуга бирдан ўрнидан туриб, икки қўлини осмонга кўтарганча: "Кучум, ойка ханти, тавайга!" (яъни, хантайчасига: "Кучум, хантийларнинг султони! Уни омон сақла!") деб қичқира бошлади. Давра тузиб ўтирган хан-тилар ҳам унга жўр бўлишиб: "Кучум, ойка ханти, та-вайга!" деб бақриб, фалакка қўл силтаб, илтижо қила бош-лашди. Маросим тугагач, Шуга ҳаммани уй-уйига тарқатиб юборди. Маликани ўтов томонга чорлар экан, унга хаво-тирли кўзларини тикиб:

— Хоннинг аҳволи ёмондир, қизим.., — деди чуқур хўр-синиб.

— Сўзларингга ишонмайман, кампир! — деди малика кўзлари жикқа ёшга тўлиб. — Ўтовингдан ташқарига чиқмай туриб, отамни аҳволи нечуклигини сен қайдан билурсен?

— Осмон хабар берди. Ер етказди, — деди шомон хо-тиржамлик билан...

— Оқ подшонинг одамлари Кучум билан дўстлашган, деб менинг қавмимни ҳам қириб ташлайди. Шунинг учун биз ўрмон ва ботқоқлик ерларда уч-тўрт йил яшашга маж-бурмиз. Ўрислар ўрмон ва ботқоқликлардан кўрқади, — деди.

Ўша кундан бошлаб шомон Шуганинг шахсан ўзи Рай-ҳонга ўрмон ичида кезиб, яшаш сирларини ўргата бошлади. Икки ой ўрмон кезган малика энди ҳар хил дарахт илдиз-ларини шимиб, бир тишлам нонсиз ҳафталаб яшай олиш-ни ўрганди. Кўп кунлар сувсиз яшаб, чанқоқликни оққайин шарбати билан босишини ўзлаштириб олди. Ўрмондаги ги-ёҳларнинг қай бири қайси вақтда шифобахш, қайси дамда юлинганда заҳарга айланишини ҳам билиб олди.

Анча қариб қолган ханти шомон ёши нечадалигини ҳам билмасди. Малика унинг ёшини сўраганда у: "Мен "Шимол ёғдуси"ни тўқсон олти марта кўрганман", деб ғу-рурлангани эсида. Баъзи бир йиллар Шимол ёғдусининг кўринмай қолишини назарда тутилганида шомон кампир-нинг аллақачонлар юз ёшлик маррадан ўтганлигига ишонса бўларди.

— Мен жуда узоқ умр кўрдим. Яна узоқ яшашни ис-тайман, — деди бир кун ўтовига суяниб, офтобда исиниб ўтирган Шуга қийиқ кўзларини маликага тикиб: — Била-

санми нега? — деб сўради ва маликадан жавоб бўлмагач, гапида давом этди: — Мен бу оламга бирор марта ҳам зарар бермай беозор яшаб келдим! Ер билан осмонни бирдек биламан. Чунки Осмондан Ерга кўзга кўринмайдиган қувват ёғилиб туради. Мен уни "Фалак қудрати" деб атайман. Чунки мен бу қудратни биламан, бутун таним билан сезаман, Ердан ҳам шундай қудрат қайнаб чиқиб туради. Бу қудрат, ўз навбатида осмону фалакка интилади. Оламдаги бутун борлиқ ва ундаги ўзгаришлар, менимча, шу икки қудратнинг ўзаро таъсиридан бўлса керак...

Саводсиз ханти шомоннинг худди машҳур эроний табибдек равон ва мантиқан инкор этиб бўлмайдиган фикрларини мамнуният билан тинглаётган маликанинг беғараз жилмайиб туришини кекса шомон бошқача тушунди. У "Малика Райҳон менинг гапларимга ишонмаяпти", деб ўйлаб, гапини такрорлаб, маликага зўр бериб, ишонтиришга ҳаракат қиларди. Маликанинг "Барча гапларингга тўла ишонман!" деб онг ичишига қарамай:

— Сен эрта тонгда туриб, бир йўғон танли дарахтни танла, уни маҳкам қучоқла. Унинг танига юзингни босиб, аста қулоқ сол. Шунда дарахт танасининг тепа қисмидан пастга-унинг илдизи томонга қараб, кўзга кўринмас, минг-минглаб, чумолилар вижирлаб ўтаётганини кўрасан. Булар айнан ўша, Осмондан Ерга ўтаётган фалак қудратидир.... Агар сен куннинг иккинчи ярмида яна шундай амалиётни бажарсанг, кўринмас маҳлуқларнинг энди дарахт илдизи томондан юқорига, унинг япроқлари томон шошилиб кўтарилаётганини кўриб, ҳамма нарсани ҳис этасан. Бу эса муқаддас Ердан фалакка кўтарилаётган "Ер қудратидир", — деди шомон яна ишонч билан.

— Бу фикрингни ҳозироқ синаб кўришим мумкин-ку, ахир. Мана ҳозир куннинг иккинчи ярми! — деди малика амалиёт ўтказишга қизиқиб.

— Синайвер! — деди Шуга бепарволик билан қўл силтаб.

Ўтовдан ташқарига югуриб чиққан Райҳон узоқ қидирмай, ўртacha катталиқдаги бир қайин дарахтни танлаб олдида, уни қучоқлаганча танасига юзини кўйиб, аста қулоқ солди. Орадан беш дақиқача вақт ўтгач, ҳақиқатдан ҳам дарахт танасида аллақандай ҳашаротлар вижирлаб ҳаракат-

ланаётганлигини, бу ҳаракатлар эса айнан дарахт илди-
дан тепага қараб йўналганлигини аниқ сездди. Ўтовга қайтиб
кирган малика ҳайрат билан келиб, шомоннинг юзларидан
ўпди. Шомон эса ўз фикрини баён этишда давом этди:

— Одамлар ўз ҳаётлари давомида худди дарахтларга
ўхшаб, доим Фалак ва Ер қудрати таъсирида бўлишади.
Шунинг учун қадимий шомонларнинг айтишларича, ин-
соннинг тани бир-бирига боғлиқ бўлган тўртта таркибдан
иборат бўлади, — деди шомон ва қоқ суяк бўлиб қолган
кафтини кўтариб, бармоқларини бирин-кетин букиб:— Бу-
лар — суяк, пай, юрак-томир ва қувват таркибларидир.
Бирор-бир таркибда юз берган озгинагина ўзгариш бош-
қа аъзоларнинг ҳам албатта ўзгаришларига олиб келади.
Бу гапларни сенга айтишимдан мақсад, ёшлигингдан бош-
лаб ўз соғлигингни назорат қил, ташлаб қўйма!

Кунларнинг бирида пойтахт Қошликка бориб, бозор
қилиб қайтган хантилардан бири хунук хабар олиб келди.
Унинг айтишича, Кучумхон тахтдан олиниб, Сибирь хон-
лиги тугатилган эмиш. Сибирь хонлиги бекликка айлан-
тирилиб, Русия подшолиги ҳукми остига ўтказилибди. Бу
мудҳиш хабарни эшитган малика ўзини йўқотиб қўйди.
Бир пасда унинг кўз ўнгида бутун олам остин-устун бўлиб
кетгандек туюлди. Райҳон ўтовга кириб кетди-да, ерга ёзил-
ган буғу терисининг устига ўзини ташлаб, роса йиғлади.
Отаси, оғалари, Елизавета, Анастасиянинг тақдирлари ҳа-
қида ўйлаб, қайғурди. Уларнинг ҳозир қаерда эканликла-
рини билгиси, бирор кўмак керак бўлса, уларга ёрдам бер-
гиси келарди. Шомон кампир ўтовга кирганида эса малика
астойдил ҳаракатга тушиб, йўл тараддудиди эди. Шуганинг
имоси билан малика ҳаракатини тўхтатиб, кўз ёшларини
артиб:

— Ўзим пойтахтга бориб, ҳамма нарсани аниқлаб, бил-
моқчиман. Балки менинг ёрдамим керакдир? — деди.

— Бунинг учун менинг жуда яхши хабарчим бор. Чу-
лимни юборсак, сенга керак бўлган барча маълумотларни
йиғиб келади. Сен эса энди шаҳарда пайдо бўла олмайсан!
Сени ўлдиришлари мумкин. Сенинг доимий яшаш жойинг
энди тайга бўлиб қоладими, деб хавотирдаман. Шу боис,
Тўрохонни ҳам шаҳзодалардек ясатмай, энди оддий хан-
тиларнинг боласидек қилиб, кийинтириб қўйиш керак,

— деди шомон. Сўнг: — Чулим келтирган хабарга қараб иш тутамиз. Унгача сен ўйламай ҳеч қандай иш қилмайсан! — деди қатъият билан.

Бир ойдан ортиқ йўқ бўлиб кетган Чулим бир куни тўсатдан яна пайдо бўлди. Унинг кайфияти йўқ, худди тушкунликка тушган одамдай ҳорғин эди. У келтирган хабарлар бир-биридан даҳшатли, бир-биридан аянчли эди. Маълум бўлишича, Кучумхон ниҳоятда сир тутиб, тайёрланган сафардан Русия салтанатининг ваколатхонаси жуда яхши хабардор бўлган. Кучумхоннинг ишонган карвонбошиси Нурмуҳаммад-карвон сафарнинг бошидан бошлаб, хон режаларини ипидан-игнасиғача князь Трубецкойга, у эса ўз навбатида Таваккалхонга етказиб турган. Кучумхоннинг ўз душманларини чалғитиш мақсадида сафар йўналишини икки хил танлаши ҳам даставвал ўз самарасини бериб, душманларга анча қийинчиликлар яратган. Бироқ Убаган дарёсининг Тобол сувига қўйилиш ерида карвонни иккига бўлинишни ва эски карвон йўлидан карвоннинг чалғитувчи қисми, янги йўналишдан эса карвоннинг асосий қисми — Кучумхон ва унинг ҳамроҳлари ҳаракат қилиши эса дарҳол аниқлик киритди. Эски йўл билан ҳаракатланган Нурмуҳаммад-карвон аниқ ҳисоб қилиб, Пирмат-карвон бошчилигида кетаётган Кучумхоннинг ҳозир қаерда эканлигини жуда аниқлик билан хабар қилиб турган. Шунинг учун Таваккал билан унинг иниси Қайсарнинг йигитлари Бойконурда Пирмат-карвоннинг хабарчиларини ўлдириб, карвон йўналишини Иргиз томон буришга мажбур қилишади. Кучумхон карвони Иргиздан ўтиб, Чалкарга келганида эса уларни кутиб турган қалмоқ қароқчиларининг кўлига тушишади.

Кучумхоннинг ўз маликаси ва шахзодалари билан банди этилганидан тортиб, то уларнинг қатлиғача бўлган воқеаларни малика Райхоннинг талаби билан ипидан-игнасиғанча гапиришга мажбур бўлгач, Чулим Сибирь хонлигининг барбод бўлиши билан боғлиқ бўлган ахборотларга ўтди. Маълум бўлишича, Кучумхон томонидан тахтда ваколат билан қолган Искандар Юсуфхон хонлик тожини Московия подшоси Борис Годуновнинг кўлидан кийишдан бош тортган. Бутун Русия салтанати томонидан "князь Юсуфхон" деб номланган кекса хонзода қарилигини баҳона

қилиб, саройни тарк этади ва ўзининг ота юрти томон кетиб қолади. Бош вазир Салоҳиддинни эса қатл қилишади. Шундай аҳволни кўрган Московия ҳукумати осонлик билан Сибирь ўзбек хонлигини парчалаб юборади. Унинг ғарбий қисмини Мирзо Қосимхон подшолигига қўшиб беради. Шарқий қисмини эса Сибирь рус князлиги деб эълон қилиб, Таваккал ихтиёрига топширади. Таваккалнинг иниси Қайсархон бўлса Дашти Қипчоқнинг ғарбий далаларида кўчиб юрган кичик Жуз қозоқ улусига ягона султон бўлганидан хурсанд эди. Ўз вақтида Кучумхон томонидан кўп яхшиликларни кўрган Сабутай-баҳодир эса, "Қалмоқхон" унвонини олиб, қалмоқ юртида даврон сура бошлади...

Мудҳиш хабардан қаттиқ эзилган малика Райҳон ўзидан кетиб, ҳушсиз йиқилади. Ўзини йўқотиб қўйган маликани хантлар "ўлди"га чиқариб, мунгли қўшиқ куйлаб, шох-шаббалар тўплай бошлайдилар. Кейин маликанинг жасадини гулханда ёқиш учун келишганида Шуга маликанинг ўрнига ўзи ясатиб қўйган қўғирчоқни бериб юборади. У маликанинг ўлганига сира ишонгиси келмасди. Ҳақиқатдан ҳам малика Райҳон ўлмаган бўлиб, қирқ кундан кейин ўзига келади. Шомон Шуганинг кийимларини устига илган малика иниси шаҳзода Тўрохонни кампирнинг қўлига топширар экан:

— Сен Кучумхон фарзандининг киндигини кесиб, бу дунёга йўл очган табаррук момомизсан! Улуғ хоннинг сўнгги фарзандини омон сақлашга сўз бер! Мен эса фалак қудрати ҳаққи айтаманки, улуғ отам, суюкли оғаларим, гўзал маликалар ва садоқатли тўраларнинг қони учун бутун умр бўйи ўч олгумдир! — деб осмонга қараб нола қилади.

Маликанинг фарёди кучли чақириқ, даҳшатли нидо бўлиб, бутун борлиққа таралади...

САБАНТЎЙДАГИ ТОМОША

Кучумхоннинг қатлидан кейин Сибирь ўзбек хонлигининг ғарбий қисмини ўз подшолигига қўшиб олган Мирзо Қосимхон 1599 йилнинг баҳорида катта сабантўй (яъни омов тўйи) беришга жазм қилди.

Пойтахтга ёндош бўлган катта ялангликда расмий маросим ўтказиладиган бўлиб, у ерда Мирзо Қосимхонга

аталган Оқ чодир тикилди. Тайёргарчилик ишлари кетаётган бир пайтда ишбошчилик қилаётган саройбон Маратнинг диққатини бир аёл ўзига тортди. Татар аёлларидек оддийгина кийиниб олган бу аёл бамайлихотир юриб, хон ва сарой аҳли учун тикилаётган чодирлар атрофида ивирсиб юрди.

Соқчилар шубҳали аёлни тутиб, Маратнинг олдига олиб келишди. Тажрибали саройбон ёши 20-25ларда бўлган, оддийгина кийинган бўлса ҳам ниҳоятда гўзал бу қизга ҳайрат билан қарарди. Бир қарашдаёқ унинг аслзодалардан эканлигини пайқади. Саройбон қизга ҳар хил саволлар бериб кўриб, унинг пойтахтни яхши билмаслигини аниқлади. Қизнинг ёвуз ниятли жосус эканлигини таҳмин қилган саройбон унинг қўлларига кишан солдириб, икки навкар кузатувида қамоқхонага жўнатди. Сабантўй ҳаракатининг ширин ташвишлари билан овора бўлиб кетган Марат бу арзимас дилхираликни тезда унутди. Аммо кечга яқин икки навкар унинг қаршисига келиб, гуноҳқорлик ила бош эгганларида ўзини бепарволикда айблаб, навкарларнинг онг ичиб айтишларича, улар шаҳар қамоқхонасининг эшигига етишганида, асира сеҳр амалиётини ишлатиб, қочиб қолганди.

— Лаънатилар, кўз олдимда билагига кишан солиб, арқон билан боғлаб олган маҳбусни қандай қилиб қочириб юбордиларинг? Кўзларинг қаерда эди? — саройбон икки навкарни еб қўйгудек бўлиб, бўғиқ овозда ўшқирди.

— Гапимизга ишонинг, сардор! У қиз эмас, бир шайтонвачча экан, — деди рус навкари аста чўқиниб.

— Тўғри, етаклаб келаётганимизда бинойидек қиз эди. Бир вақт ортимизга ўгирилиб қарасак, орқамизда арқонга боғланган қора эчки турибди! — деди иккинчи навкар кўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб.

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Кейин нима бўлганини билмаймиз, соҳиб! Биз эчкини кўришимиз билан арқонни ташлаб, икки томонга қочиб қолдик! — дейишди навкарлар.

Марат сергакланди. Саройнинг бош соқчиси билан учрашиб, сабантўй пайтида Мирзо Қосимхоннинг атрофида тажрибали соқчилар ва танмахрамларни кўпайтиришни бу-юрди.

Тўй томошалари масхарабозларнинг чиқишидан бошланди. Улар ўз чиқишларида Кучумхон салтанатининг барбод бўлишини кулги қилиб кўрсатишди. Масхарабозлардан кейин татар қавмининг ботирлари куч синашди. Кураш талаб паҳлавонлар шу қадар кўп эдики, уларнинг маҳоратларини ва кучларини баҳолаш учун уч кун ҳам камлик қилар эди.

Томошанинг биринчи кuni тугагач, ўйин-кулгулар бошланди. Ҳар ер-ҳар ердан кўшиқлар мусиқа садолари янграй бошлади. Меҳмонлар орасида князь Трубецкой билан князь Толмачёв, Таваккал султон билан Қайсар султонлар ҳам бўлиб, уларнинг ўтовлари Мирзо Қосимхон чодирининг шундай ёнгинасида эди. Томошабинлар та-наффусга чиқишганида князь султонлар Мирзо Қосимхоннинг чодирда тўпланиб, кўрган томошаларини муҳокама қилишар, маишатлашиб ўтиришар ва ҳазил-ҳузул қилишар эди. Кучумхон хоинларча ўлдирилгандан кейин бу аслзодалар биринчи марта учрашишларига қарамай, уларнинг битгалари ҳам бу воқеани эслашмас, ўзларини худди ҳеч нарса билмайдигандек тутардилар.

Пешиндан кейин Қозондан келган дорбозлар ўз ҳунаrlарини кўрсатдилар. Дорбозлар санъатини унча ёқтирмайдиган Қосимхон кўп овқат еб қўйганлигидан, оғир тортиб, уйкуга кетди. Хотини малика Нарцисс уни туртиб уйғотганида аллақандай рус кишиси учта айиқ билан ўртага тушиб, қандайдир кулгили томошалар кўрсатаётган эди. Айиқ ўйини тугагач, ўрмон йиртқичининг ўрнига майдонга чиққан қандайдир одам қўлларини баланд кўтариб:

— Камина шемаха султонинг сеҳргари Буюк Оға Али ўғлидирман, — деб ўзини танитди.

Буюк Оғанинг ушбу эълони Маратнинг бетига урилган бир тарсакидек бўлиб, саройбонни сескантириб юборди. Чунки томоша кўрсатишга жалб қилинганлар рўйхатида ҳеч қандай шемахалик сеҳргарнинг исм-шарифи зикр этилмаган эди. Шунинг учун Марат ҳаялламай, тезлик билан майдонга тушиб, Мирзо Қосимга эгилиб узр сўради-да, сеҳргарнинг олдига дадил яқинлашди. Ёши ўттизларга яқинлашган чиройли озарбайжон йигити ҳеч нарсага тушунмай, Маратга кулиб қараб турарди.

— Азиз меҳмон, сиз томоша кўрсатмайсиз! — деди

Марат қулоғига секингина сеҳргар қаршисига эгилиб.

— Нега? — таажжуб билан сўради сеҳргар қизларники-дек майин овоз билан.

— Сиз кўриқдан ўтмаганиз! — деди Марат пишиллаб.

Ўриндиқларда ўтирган мингта яқин томошабинлар ҳам, Мирзо Қосимхон ва унинг меҳмонлари ҳам майдон ўртасида юзага келган тортишувни олдиндан ўйланган кулгили чиқиш деб ўйлаб, жимгина томоша қилишарди. Марат билан сеҳргарнинг тортишувлари эса режадагидек давом этарди:

— Қанақа кўриқ? — ҳайрон бўлди сеҳргар.

— Хон ҳазратларининг олий эътиборларига деб сараловчи кўриқ! — Марат қўлидаги ўзи тузган рўйхатни буюк оғага пеш қилиб кўрсатди.

Қоғозга диққат билан тикилган Буюк Оға хотиржамлик билан:

— Э, ҳа, бу кўриқни айтяпсизми? Мен ҳам кўриқдан ўтганман. Мана менинг номим! — деб бармоғи билан рўйхатни кўрсатди.

Тезлик билан рўйхатга кўз югуртирган Маратнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Чунки Марат ўз қўли билан тузган рўйхатда Буюк Оғанинг номи айиқ ўйнатувчи Ёввойи Ивандан кейин ёзилган бўлиб, озарбайжон йигит ўз навбати билан майдонга чиққан эди. Марат елкасини қисиб, нари кетишга мажбур бўлди. Бу воқеаларни кузатиб турган халойиқ томошанинг "ҳазил қисми"дан мамнун бўлиб, давомли қарсақлар чалди. Ўз жойига бориб қолган Марат карахт ҳолда қўлидаги рўйхатга қаради-ю, кўзи қинидан чиқа ёзди. Чунки рўйхатда ҳақиқатдан ҳам Буюк Оғанинг исми йўқ эди. Унинг ўрнида лапарчи қизларнинг уч-тўрт қўшиқлари ёзилган эди. Ўрнидан сапчиб турган Марат рўйхат қоғозини пеш қилганча, яна Буюк Оғанинг олдига йўрғалади. Буюк Оғанинг ёнига келиб қолган Марат тантана билан сеҳргарга рўйхатда номи йўқлигини кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ рўйхатга қараган Маратнинг шахди ўз-ўзидан сўнди. Чунки лаънати рўйхатда яна Буюк Оғанинг исми пайдо бўлиб қолганди. Нима қиларини билмай қолган Марат қўлларини ҳар томонга ёзганча, нажот излаб Мирзо Қосимхон томонга қараб, елкасини қисарди.

Буюк Оға қўлидаги рўмолчани бирини силкитиб,

унинг ичида ҳеч нарса йўқлигини томошабинларга кўрсатди. Кейин эса рўмолчани ғижимлаб туриб, бир ёзган эди, рўмолча ичидан ростакан товук сакраб тушиб, ваҳима билан атрофга қарай бошлади. Марат эса оғзи очилганча, товукдан кўзини олмас эди. Буюк Оға "таажжуб" билан рўмолчанинг у ёқ-бу ёғига қараб олди-да, уни яна ғижимлаб туриб, бирдан ёзиб юборди. Шунда рўмолчадан яна битта товук ерга сакраб тушди. Томошабинлар ҳайрат билан қийқириб, қарсак чалишди. Буюк Оға ўзини рўмолчанинг ишидан норози бўлгандек қилиб кўрсатиб, бошини сараксарак қилганча, рўмолчани ғижимлаб ёзар, ҳар ёзганида эса рўмолча ичидан товуклар чиқиб, майдондан ўт чимдиб юардилар. Охир-оқибат рўмолча ишидан ниҳоятда "жаҳли чиққан" Буюк Оға рўмолчани ғижимлаб туриб, товуклар орасига отган эди, рўмолча ҳамманинг кўз олдида катта хўрозга айланиб, товуклар орасига лоп этиб тушди. Сеҳргарнинг санъатидан ҳайратга келган томошабинлар қийқириғу хуштакбозликлар билан уни анча маҳал олқишлаб туришди. Мирзо Қосимхон бўлса кумуш танга тўла халтачани майдонга ташлади...

Сеҳргарнинг томошасидан анча мамнун бўлган саройбон Буюк Оғани кучиб, ўз миннатдорчилигини билдирди. Шунда Буюк Оға Маратнинг чўнтагидан битта тухум олиб, аста унинг кафтига қўйди. Кейин Маратнинг бошқа кафти билан тухум устини ёпди. Кафтини очганидан эса, Маратнинг кафтида сап-сарик жўжа пайдо бўлди. Томошабинларнинг қарсаклари остида Буюк Оға шу йўсинда қирққа яқин жўжаларни тухумдан чиқариб, олқишларга сазовор бўлди.

Бундай ғаройиб қудратга эга бўлган сеҳргарни яқинроқдан кўришни истаган асилзодалар Буюк Оғани Оқ чодирга таклиф қилишди. Мирзо Қосимхон ва унинг меҳмонлари олдида оҳиста қадам ташлаб келаётган сеҳргар негадир Маратнинг кўзига дам барно йигитга, дам моҳипайкар маликага ўхшаб, ўзгариб борар эдики, саройбон беихтиёр бақириб юборди. Чунки у Олий ҳазратнинг олдида тобора яқинлашиб бораётганида бу сеҳргар, сабантўй очилиши арафасида қўлга тушган шубҳали аёлнинг ўзгинаси эканлигини сезиб қолган эди. Марат икки навкарни етаклаганча сеҳргарнинг кетидан югурди...

Оқ чодирга кириб келган Буюк Оға икки букилиб, Мирзо Қосимхон билан унинг маликаси Нарцисс хонимга таъзим қилар экан, сеҳргар бир енгил хатти-ҳаракат билан қўлида алвон рангли атиргул пайдо қилди-да, гулни эҳтиром билан маликага узатди. Бундан лол бўлиб қолган малика чиройли сеҳргарга ошиқ бўлиб қолди. У Буюк Оғага ишва билан жилмайиб:

— Шемахалик меҳмон бизнинг саройга ҳам ташриф буюрадилар, деб умид қиламан, — деди.

Шу пайт чодирга отилиб кирган Марат сеҳргарга бургутдек ташланиб, икки навкарга уни банди этишни буюрди. Саройбоннинг кутилмаган хатти-ҳаракатидан меҳмонлар хайрон эдилар. Қўпол ҳаракатлари билан меҳмонлар кайфиятини бузган Маратдан ранжиган хон, ўзини тутолмай:

— Лаънати, бу нима қилиқ? — деб Маратни койиди.

— Олий Ҳазратлари, у сеҳргар ҳаммамизни лақиллатмоқда! У ҳеч қандай сеҳргар эмас! Бу иблис, Кучумхоннинг жосуси! — деди Марат ҳаллослаб.

— Кучумхон ўлиб кетган-ку?! Нималар деяпсан?!

Шунда Марат байрам арафасида юпун кийинган аёлдан шубҳаланиб, уни банди этганини, кейин эса бу аёл қамоқхонага кузатилаётганида қора эчкига айланиб, навкарлар қўлидан қочиб кетганини айтиб берди. Саройбоннинг бу гаплари Мирзо Қосимхонга бир уйдирмадек туюлди.

— Жаллод! — деб бақирди у ва фармонбардор жаллод югуриб келгач: — Тентак саройбоннинг орқасига йигирма дарра уриб жазолангки, кўзлари мошдек очилиб, эсини йиғиб олсин! — деди...

Тентак саройбонни яхшилаб жазолаган хондан миннатдор бўлган оқ суяк меҳмонлар Мирзо Қосимхоннинг донолигига ҳамду санолар айтишди. Сеҳргар билан ёнма-ён ўтириб, унинг бошқа бир амалиётларини ёлғиз томоша қилиб, катта завқ олишди. Сабантўй тугаб, ҳамма уй-уйига тарқалаётганида малика Нарцисс хоним кўркам Буюк Оғани яна ёнига чақирди. Ўзини бироз йўқотиб, уялган сеҳргарнинг нозик қўлларини маҳкам тутган малика:

— Сиздек азиз меҳмонни бугун кечқурун саройга ташриф буюришингизни сўрайман. Эрта тонг отгунга қадар бизга Шемаха саройидаги тартиб ва расм-русумлар ҳақида

гапириб, дилимизни хушнуд этурсиз! — деди Буюк Оғанинг кўзларига сирли боқиб.

Белгиланган пайтда саройга киритилган сеҳргар Буюк Оға Али ўғли Қосимхон саройидан бошқа чиқмади. Сеҳргарнинг хон саройида тунаб қолганини билган соқчилар ҳам, дарвозабон ҳам бундай ҳолатга ортиқ аҳамият бермай, ўзларини расмий юришлари билан овора бўлишди. Аммо эртаси куни хон билан маликани уйғотиб, кийинтириш учун ичкари хонага кирган хизматкорлар ақлдан озаёздилар. Чунки Мирзо Қосимхон ҳам, Бош малика Нарцисс ҳам тунда ўтирган ерларида бошсиз ўтирардилар. Энг даҳшатлиси, уларнинг азиз бошлари ҳеч қаерда йўқ эди. Бошсиз жасадларни шаҳид санаб, жаноза ўқитдилар. Саройбонликка қайта тикланган Марат эса шубҳали сеҳргарни вақтида зиндонга ташламаганига куюнарди....

БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ

Ўз валинеъмати бўлган Кучумхонни хоинлик билан банди қилиб, қозоқ султонлари орқали рус подшолигига топшириб, "Қалмоқхон" унвонига мушарраф бўлган Сабутай баҳодир ўз сафдошлари, қуролдош дўстларига ҳам хоинлик қилди.

Болаликдан бирга ўсган дўсти Нурлан ботирни қаттиқ хафа қилди, уни сотди. Хоразмшоҳ Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммад) Кучумхоннинг хўрланиб қатл қилинганини эшитиб, қаттиқ куюниб, ётиб қолди ва 1598 йилнинг сўнгги ойларида оламдан ўтди. Хоразм тахтига унинг ўғли Араб Муҳаммадни кўтаришди. Тажрибасиз шахзоданинг салтанат тахтига ўтирганидан фойдаланган Русия подшолиги бу қадимий мамлакатнинг тинчини бузиш пайида Ёйиқ (Урал) казакларини Хоразм ҳудудларига бостириб киришига гижгижлади. Шунда Сабутай баҳодир ҳам қалмоқ йигитларидан кўшин тўплаб, Нурлан ботир деган жасур кўмондон бошчилигида урушга жўнатди. Ўзи эса Нурлан ботирнинг севгилиси Батуйни хотинликка олди.

Атаман Нечай бошчилигида Хоразм ерларига бостириб кирган қароқчиларни ўтакетган ёвузликларини кўрган Нурлан ботир тинч хиваликларнинг бошига тушган хўрликларни кўриб, атаман Нечайни бундай ёвузликлардан қай-

тармоқчи бўлади. Шунда оёғида тура олмайдиган даражада маст бўлиб қолган Нечай:

— Хоразмлик қизларга раҳминг келгандан кўра, қалмоқ юртбошиларинг ҳақида қайғурсанг бўлар эди. Сен бу ерда сўфиликни даъво қилиб юрган пайтингда айёр Сабутай баҳодир сенинг қаллиғингни хотинликка олиб, Батуйга оёғини ювдириб юрибди! — дейди маст ҳолда.

Қуролдош дўсти, овулдоши томонидан алданганини билган Нурлан ботир катта ўлжалар билан Хивадан шимолга, юртига қайтаётган казакларга қарши жанг бошлади. Нечай ботирни ўлдириб, казак кўшинини битта қўймай қириб ташлашда Хоразмшоҳнинг мунтазам кўшинига катта ёрдам берди. Сўнгра қўл остидаги қалмоқ йигитлари билан Араб Муҳаммаднинг байроғи остига ўтиб, унга содиқлик билан хизмат қила бошлади. Орадан 2 йил ўтгач, Ёйиқ казаклари яна чегарани бузиб, Хоразм тупроғига кирганида Нурлан ботир кўшинга бошчилик қилиб, казак қароқчиларини қириб ташлади. Уларнинг атамани Шамайга қўшилиб, 100га яқин казакларини асирликка олиб, Араб Муҳаммаднинг қўлига топширди. Жанговар қалмоқдан мамнун бўлган Хоразмшоҳ Араб Муҳаммад Нурлан ботирга Урганч ҳокимининг қизини хотинликка олиб бериб, ҳиммат кўрсатди. Хоразмшоҳ хизматига ўтган барча қалмоқларга ҳазинадан яхшигина маош, молу йилқиларини боқиш учун яйловлар ажратди.

Мамлакатда нисбатан тинчликни таъминлаган Хоразмшоҳ секин-аста ташқи дунё — кўшни салтанатлар билан алоқа ўрната бошлади. Кунларнинг бирида Хоразмшоҳ узоқ Ҳиндистондан келган Акбаршоҳнинг вакилини катта тантаналар билан қабул қилди. Ўзининг шаҳзода Хуррамшоҳ деб таништирган элчи ҳам кам сонли ҳамроҳлари билан келган бўлса-да, Хоразмшоҳга Ҳиндистондан деб катта совға-саломлар, қимматбаҳо жавоҳиру гавҳар тошларни шундай катта миқдорда келтирдик, Хоразм салтанати бундай ҳадяларни анчадан бери кўрмаган эди. Меҳмонлар билан сўрашаркан, Хоразмшоҳ ўз таажжубини яширолмади:

— Қадрли шаҳзодам, ҳиндлар жуда кўркам бўлгучи эди. Сизнинг ҳамроҳларингиз негадир мўғул башара экан, — деб қочириқ қилди.

Шунда Хуррамшоҳ:

— Олампаноҳ! Сизнинг табаррук юртингизга мўлжалланган сафар ёз фаслига тўғри келиб қолгани боис, чўл шароитига чидамли, деб хизматкорларни тибетлик Хитой қавмидан олдик, — деб жавоб қилди ва ўз сафарининг асосий мақсадини баён қилди: — Биз улуғ Кучумхоннинг қизи малика Райҳонга унаштирилган эдик. Аммо хоннинг фожиали қисмати туфайли тўйимиз орқага сурилди. Энди Аллоҳ олдида зиммамизга олган мажбуриятимизни адо этиб, маликани ўз юртимизга олиб кетиш ниятидамиз.

Араб Муҳаммад Хуррамшоҳнинг бундай эзгу ниятини тўла қувватлади, аммо Дашти Қипчоқ бўйлаб ҳаракат қилиш карвон учун ҳозир ўта хатарли эканлиги ҳақида шаҳзодани огоҳлантириб, Хуррамшоҳга йўлбошчи сифатида қалмоқ Нурлан ботирни кўшиб беришни лозим топди. Бир-икки йилдан бери Хивадан нари чиқмай, Хуррамшоҳ хизматида бўлган Нурлан ботирга шоҳ фармони маъкул тушди. Хуррамшоҳ қалмоқ чавандозини бир кўришдаёқ ёқтирди. У мушаклари қавариб чиққан қалмоқ сардорига ҳавас билан қарар экан:

— Дашти Қипчоқнинг сиздек султонига ўзим ва ҳамроҳларимнинг умрини ишониб топширар эканман, марҳум қайнотамиз Кучумхоннинг қотиллари бўлмиш Сабутай қалмоқ билан қозоқ султони Қайсарни чўлда учратамиз, деб умид қиламан! — деди кўзлари чақнаб.

— Кичик Жуз султони Қайсарни чўлда учратишимиз қанчалик рўёбга чиқишини билмасам-да, аммо қалмоқхон бўлиб керилиб юрган лаънати Сабутайни албатта кўрамыз! Ундай бадхулқ билан юзма-юз бўлиш менга ҳам зарур! — деди қалмоқ сардори алам ва нафрат билан.

Нурлан ботир шаҳзода Хуррамшоҳнинг асосий мақсади Кучумхон қотилларидан ўч олиш эканлигини бир қарашдаёқ тушунди. У ўзи билан синашда бўлган 20га яқин жасур қалмоқ йигитларини олди. Карвон Хива дарвозасидан чиқиб, шимол тарафга йўл олди. Қалмоқ яйловларига етгунига қадар Нурлан ботир ҳинд шаҳзодасига Кучумхоннинг фожиали тугаган умрини куйиниб гапириб берди.

— Сабутайнинг Кучумхон ва унинг ҳамроҳларига берган азобу ҳўрлигини кўриб, мендек жанг кўрган одам ҳам сесканиб кетдим. Сабутайга: "Ахир Кучумхон бизнинг валинеъматимиз бўлган. Еган нон-тузимиз ҳурмати, уларни озод

қилайлик. Хонни русларга топширишдан бизга фойда йўқ!" деганимга қарамай, ўз билганини қилди. Менинг қўл-оёғимни боғлаб, ҳибсда сақлади. Кучумхон қатл қилиниб, ўзи "Қалмоқхон" номини олгандан кейингина мени озод қилди, — деди у.

Уч ҳафта йўл юрган Хуррамшоҳнинг кичкина карвони Қалмоқ шаҳрига етиб келди. Шаҳар остонасидаги қалин бутазорга жойлашган карвон оддий қалмоқ кўчманчиларига ўхшаб, ўтовлар тикиб яшай бошлашди. Ҳеч ким уларга эътибор ҳам бермади.

Нурлан ботир Сабутайни қандай қилиб тутиш ва ундан ўч олиш режаларини тузарди. Аммо бу режаларни бирон-таси ҳам Хуррамшоҳга ёқмади. Уларнинг олти кунлик вақтлари самарасиз кетди. Еттинчи куни эса бирдан Хуррамшоҳнинг карвон қароргоҳида йўқлиги маълум бўлиб қолди. Қанчалик излашмасин, Қалмоқ шаҳрида ҳам, унинг гир атрофида ҳам шаҳзодани топишолмади. Кейин маълум бўлишича, Хуррамшоҳнинг икки хитой хизматкори ҳам йўқолган экан. Хавотирга тушган Нурлан ботир соқчилар сонини кўпайтирди, кўзидан уйқу қочди.

Шаҳзода йўқолганига уч кун бўлганида хитой хизматкорларидан бири Нурлан ўтовига кирди.

— Сардор, сизни шаҳзода ўз ўтовида кутмоқда, — деди у хурсандлик билан.

Шаҳзоданинг топилганидан қувониб кетган Нурлан ботир югуриб, шаҳзоданинг ўтовига кирди. Кирди-ю, донг қотди. Чунки ўтовнинг бир чеккасида қалмоқхон Сабутай баҳодир билан унинг хотини Батуй оёқ-қўли боғлиқ ҳолда гужанак бўлиб ётар эдилар. Нафрат ўтида ёнган Нурлан ботир Сабутайга қоплондек ташланди, уни уриб, тепкилай бошлади. Хуррамшоҳнинг буйруғи билан хизматкорлар Нурлан ботирни аранг Сабутайнинг устидан айириб олишганида ниҳоятда қони қайнаб кетган Нурлан малика Батуйнинг юзига мушт туширди. Уни зўрға ўтов қаршисига олиб чиқишди. Нурлан ботир энтикиб, шаҳзодадан:

— Уларни нима қиламиз? — деб сўради.

— Қатл қиламиз! — деди шаҳзода ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Уни сиз банди этгансиз, ихтиёр сизда! — деди Нурлан ботир. — Бироқ, агар ижозат берсангиз, бу борада менда бир таклиф бор, — деди.

Нурлан ботирнинг таклифига кўра, лаънати Сабутайга ҳам у Кучумхоннинг бошига солган зулму азобларни кўрсатиш керак эди. Бу таклифни тўлиғича қўллаган Хуррамшоҳ шу ондаёқ карвоннинг кўзғалишига буйруқ берди. Нурлан ботир ҳайрон бўлиб, бундай тезкорлик сабабини сўради.

— Сабутай ва маликанинг ўз чодиридан ғойиб бўлганини билгач, қалмоқ навкарлари уларни қидиришга тушадилар. Шаҳар ва уларнинг атрофидаги ерларни остин-устун қилиб юборадилар. Шунинг учун биз бирор бир панароқ ерда вазият барқарорлашини кутишимиз керак, — деб туншунтирди Хуррамшоҳ.

Ярим соат ичида сафарга тайёр бўлиб олган карвон Урал дарёсининг соҳиллари томонга қараб йўл олди. Асосан сувсиз даштдан иборат бўлган йўл бўлагини ўтиб, Урални кечиб ўтишди. Жарқамис масканига яқинлашиб қолишганида Сабутайнинг банди бўлиб, азоб-уқубат торта бошлаганига қарийб 40 кунча бўлган эди. Шу муддат давомида Нурлан ботирнинг йигитлари Сабутайнинг кўзи олдида унинг маликасини ҳўрладилар. Бундай ваҳшийлик асабига теккан Хуррамшоҳ бир куни Нурлан ботирни четроққа олиб:

— Берган шунча азобимиз етар. Энди қатл қилиб қўя қолсак ҳам бўлар, — деди.

— Бу ит Кучумхонга азоб бераётганида раҳм-шафқатни ўйламаган! Энди у ҳам Кучумхон кўрган барча азобларни тотиб кўрсин, — деди чўрт кесиб Нурлан ботир.

Карвон Жарқамис остоналаридаги ҳолироқ ерда қўним топди. Карвондагиларнинг бири ўтов тикиб, бошқа бири қозон осиб, тез овқат тайёрлашга уриниб кетишди. Қароргоҳдан четроққа чиқиб, анча пайт йўқ бўлиб кетган Нурлан ботир бир вақт кўзлари ёниб, шаҳзоданинг ўтовига кирди ва зум ўтмай, уни ташқарига бошлаб чиқди. Кейин икковлари қароргоҳ ёнидаги қум тепаликларни оралаб кетишди. Каттагина қум тепаликдан ошиб тушган Хуррамшоҳнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзи қинидан чиқаёзди. 40 кунлик бандилик азобидан ҳам руҳий, ҳам жисмоний қийналган Сабутай баҳодир ва унинг маликаси Батуй қумтепаликка бутунлай кўмилган бўлиб, қумдан фақат уларнинг бошлари чиқиб турарди. Нурлан ботир бу даҳшатли манзарани кўриб, оғзи очилиб қолган Хуррамшоҳга:

— Бизга ҳомийлик қилиб, бизни султонлик даражасига кўтарган Кучумхонни бу бераҳм худди шундай қилган эди. Ал қасосул мин ал-ҳақ! Мана энди ўзи ҳам шундай аҳволга тушди! — деди тантана билан.

— Сардор, ҳеч бўлмаса сизнинг раҳмингиз келсин, — деб ялинди Батуй Хуррамшоҳга кўзёш қилиб. — Суякларим эзилиб, майда-майда бўлаётганга ўхшайди!

Кечқурун битта мол сўйиб, роса базм қилишди. Одатдагидан сал кечроқ турган Нурлан ботир карвон тунаган қўрғонни бир айланиб чиқиб, худди яраланган йўлбарсдек бўкириб юборди. Хуррамшоҳ хавотир билан ўтовдан отилиб чиққанида Нурлан боши устида қамчини айлантириб, тунда қоровулда турган икки навкарни қўрғон ичидан кувиб юарди. Хуррамшоҳ Нурлан ботирнинг йўлини тўсди. Шунда Нурлан ботир қизишиб кетиб, одобини ҳам унутиб, Хуррамшоҳни четга итармоқчи бўлди:

— Шаҳзода, сиз аралашманг! Мен бу лаънатиларни уриб ўлдираман! — деди Нурлан ғазаб билан.

У алам билан Хуррамшоҳни кечаги қумликка олиб борди. Сабутаи билан унинг хотини кўмилган ер қонга бўккан бўлиб, асирларнинг бошлари кўринмас эди.

— Қоровулларнинг ухлаб қолганидан фойдаланган кимдир тунда бандиларимизни бошларини кесиб кетибди. Мен Сабутаини шу аҳволда яна уч-тўрт кун ушлаб, роса азоб бермоқчи эдим! — деди Нурлан ботир афсусланиб.

Бошсиз қолган жасадларни шундайлигича қум қатламида қолдирган Нурлан улар устига қум уюмини тўплаб, икки тош қўйиш билан чекланди.

Нурлан ботир Хоразмшоҳ Араб Муҳаммадга берган ваъдасини тўлиқ бажарганлиги учун юзи очиқ ҳолда ўз юртига қайтиш тараддудига тушди.

Аммо Хуррамшоҳ унга илтимос билан мурожаат қилди:

— Соҳиб, сиз Дашти Қипчоқда ҳақиқатдан ҳам ўз уйингиздек эркин ҳаракат қилар экансиз. Менга Кичик жуз султони Қайсарни топишда ёрдамингизни аямасангиз, кўп савобли иш қилган бўлар эдингиз, — деб Хуррамшоҳ қалмоқ баҳодирининг олдига олтин тангаларга тўла халтачани суриб қўйди.

Ўзи билан фақат уч-тўртта энг яқин навкарларни олиб

қолган Нурлан ботир қолган жангчиларга жавоб бериб юборди. Икки кун Жарқамисда дам олган Хуррамшоҳнинг мўъжазгина карвони қозоқларни Кичик Жуз элатининг асосий қароргоҳи бўлган Шубарқудуқ томонга қараб, йўлга тушди. Карвон икки кун йўл босгач, қозоқ йилқичиларидан Қайсархоннинг Шубарқудуқдан чиқиб, Муҳожир тоғларида ов қилиб юрганини билиб олишди....

Тўрт кун йўл юрган карвон тоғ этакларига етганида атрофдаги тўқайзорларни синчиклаб ўрганган Нурлан ботир Хуррамшоҳга:

— Қозоқ султонинг асосий шикоргоҳи худди ана шу ер, — деди ва ўнг томондаги қирга ишора қилди: — Қандай сиёсат тутишимизни келишиб олайлик.

— Сиёсатимиз битта: камина Ҳиндистон шаҳзодаси сифатида сиз ҳурматли султонни ўз сафаримга йўлдош қилиб олганимни тасдиқлайсиз, сафар чоғи эса кўнглим шикорни истаб, менинг амрим ила бу манзилда ўтовлар тикканимизни айтамыз. Агар бу билан Қайсархонга ҳалақит бераётган бўлсак, унга бир сиқим олтин тангалардан совға қилиб, кўнглини олган бўламыз...

Улар булоқ бошига учта ўтов тикиб, қароргоҳ тузишди. Кейин Хуррамшоҳ ўзининг ов ишига чапдаст бўлган икки йигит билан жайрон овлаш ниятида тўқай оралаб кетди. Юриб-юриб, жайронлар тўдасига дуч келишди. Шаҳзода сергак тортиб, ўзига қулай турган жайронлардан бирини танлаб, мўлжалга олганида орқасида кимдир турганини сизди. Шаҳзода чаққон ҳаракат қилиб, қўлига ханжарни олди. Шунда ортида турган кимса қўполлик билан:

— Бу мен, машҳур Қайсар баҳодирман. Бу ер менинг шикоргоҳим! Сен отмоқчи бўлган жайрон ҳам меники! — деди.

Хуррамшоҳ ҳам бўш келмай:

— Мен эса бобурзода шаҳзода Хуррамшоҳман! Зеро, боболаримиз Амир Темур, султон Улуғбек Бобуршоҳларнинг оёғи теккан ерлар меники, дейишга ҳақлидирман! Шу боис менга иззат кўрсатмаган сендек қари иблисининг адабини беришга тайёрман! — деб шаҳзодани жангга чорлади.

Ўтмишда ўтган улуғ султонун шоҳларнинг номини эшитган ва Хуррамшоҳнинг ғайратидан ҳайиққан Қайсар-

хон ҳийла йўлига ўтди. Дашти Қипчоқда мерганликда унинг олдига тушадиган бирон-бир овчи йўқлигини билган Қайсархон қизишган шаҳзоданинг олдига оғир бир шарт қўйди. Унинг шарти бўйича овчи жайронни шундай уриш керакки, унинг отган ўқи кийикнинг икки оёғидан тешиб ўтиб, уни ерга ағдарсин. Шундай қилолган овчи ўзи отган кийикни ҳам, бу ҳақда шартлашган овчини ҳам қўл-оёғини боғлаб, олиб кетишга ҳақли бўларди. Бундай оғир шарт Хуррамшоҳни ўйлантириб қўйди. Рақибини қийин аҳволга солиб қўйган Қайсархон ич-ичидан қувониб кетди. Чунки Қайсархон жуда кўп марта йиғинларда мисли кўрилмаган овчилик маҳоратини кўрсатиб, улкан Дашти Қипчоқда шуҳрат қозонган эди. Шунинг учун агар Хуррамшоҳ унинг шартига кўнса, жайронга қўшиб, машҳур Акбаршоҳнинг жиянини ҳам банди қилиб олиб, унинг эвазига Ҳиндистон салтанатида катта жузя олишга ҳам кўз тиккан эди. Ҳинд шаҳзодаси кўп ўйлаб ўтирмай, кутилмаганда Қайсархоннинг шартини қабул қилди.

— Шартингни бир оз такомиллаштирамиз, — деди шаҳзода ва камон ўқларини текширар экан: — Бир ўқ билан кийикнинг уч оёғини кишанлаган сайёд голиб саналур! — деди.

Қайсархоннинг бошидан муздек сув қуйилгандек бўлди. Чунки у умри давомида икки мартагина шундай муваффақиятга эришган эди.

Қуръа ташлаб, Қайсархон биринчи бўлиб отадиган бўлди. Буни бир илоҳий каромат санаб, садоқдан ўқ олиб, камонга қўяр экан, кийик галасига тикилиб:

— Шохи синган нар жайронни мўлжалга олдим! — деди ва нафас олмай, ҳайкалдек қотди.

Орадан бир дақиқа ўтгандан кейин Қайсархон камон ўқини қўйиб юборди-ю пода ичида бамайлихотир ўтлаб юрган, шохининг учи синган кийик мукка тушиб ўт устига йиқилди. Қанчалик талпинмасин, ўрнидан тура олмади. Чунки Қайсархон унинг учта оёғини бир ўқ билан урган эди. Шаҳзода Хуррам камонни қўлига олганида эса аксига олиб, шамол кўтарилди. Шамолда нишонга теккизиш мушкуллигини яхши билган Қайсархон мийиғида кулиб, шаҳзодани кузатди.

Шаҳзода Хуррам ўқни камонга жойлар экан:

— Думи оқ кийикни мўлжалга олдим, — деди.

Хуррамшоҳнинг отган ўқи ҳам мўлжалга аниқ тегиб, кийикни учта оёғини тешиб ўтибгина қолмай, унинг бўйнидан тешиб, бошини уч оёғига "михлаб" қўйди. Буни кўрган Қайсархон ҳайратдан "Воҳ!" деб юборди...

Кийикларни отга ортар экан, Хуррамшоҳ Қайсархонга отга минишни буюрди. Ҳайратдан ҳамон ўзига келолмаган Қайсархон отига минганини ҳам, қўл-оёғи от эгарига чандиб боғланганини ҳам билмай қолди. Ҳайрат билан шаҳзодани кузатар экан, ундан:

— Айт-чи, шикор ҳунарини кимдан ўргангансан? — деб сўради хотиржамлик билан. Чунки у тан маҳрамлари барибир шикоргоҳдан шаҳзодани чиқармасликларини билар эди.

— Падари бузрукворим Кучумхондан! — чавандоз тантана билан бошидаги телпагини олди-ю, қора сочлари елкасига тўлқинланиб тушди.

Қайсархоннинг кўзи мошдек очилиб кетди.

— Малика Райҳон?! — хоннинг кўзлари ҳайратдан чақнаб кетди..

Отига икки жайронни ортиб, шикордан қайтган "Хуррамшоҳ" Нурлан ботир ва унинг қалмоқ йигитлари билан зиёфат ўтказиб, эртаси куни уларга кўп ҳадялар тақдим этиб, жавоб бериб юборди. Сўнгра ўзининг содиқ ҳамроҳлари билан сафарини давом эттирди...

Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, "Дашти Қипчоқ далаларида қандайдир бошсиз чавандознинг арвоҳи отда кезиб юрибди", деган ваҳимали гаплар такрорланди. Бошсиз чавандозли отни кўрган овчилар унга дуч келган карвонлар томонидан турли гап-сўзлар, ривоятлар, афсоналар тўқилди....

Аммо 1599 йилнинг куз ойларида ўзи туғилиб ўсган Сибирь ерларига яширинча кириб келган малика Райҳоннинг миясида нималар борлигини ҳеч ким билмас эди...

ҚАСОСКОР МАЛИКА

Кучумхоннинг фожиавий ўлиmidан кейин бир-икки йил ичида собиқ Сибирь ўзбек хонлиги ҳувуллаб қолди. Хон асос солган шаҳарларда қурилиш ва ободончилик иш-

лари тўхтади, шаҳарларда файз қолмади, барака кўтарилди.

Бу ҳолатлар айниқса пойтахт шаҳар Қошликда жуда сезиларди. Шаҳарнинг туркийзабон халқининг ичида икки қисми Кучумхоннинг ўлимини эшитиши билан рўзгорларини йиғиштириб, ўтиб бўлмас ўрмонлар томон кўчиб кетишганди...

Малика Райҳон ана шундай шароитда пойтахтга кириб келди. Шаҳардагилар таниб қолмаслиги учун ташқи қиёфасини анча ўзгартириб олган малика Тоболь бозори олдидаги карвонсаройдан бир ўртамиёна хужрани ижарага олиб, яшай бошлади. Шаҳардаги ҳаётнинг паст-баландини билиб олиш учун бир ҳафтача вақт кетди...

Пойтахт аҳолиси ваҳима ичра яшарди. Чунки Кучумхон салтанатида бир вақтлар карвонбошлик қилган Нурмат карвон деган таниқли одамнинг бошсиз жасадини кўмишга мажбур бўлган пойтахтликлар орадан икки кун ўтмай, яна етти одамнинг ўлигини лаҳадга топширишди. Ўлганларни барчаси пойтахтнинг турли даҳаларидан бўлиб, бари шу бахтсиз Нурматнинг карвонида хизматда бўлган оддий синбирлик ўзбеклар эди. Уларнинг ҳаммасининг бошлари тунда узилган бўлиб, майитларни бошсиз кўмишга мажбур бўлишди.

— Эшигу деразаларни тамбалаб, туни билан кўз юмай, зийрак бўлинглар!

Райҳон важоҳат билан қоровулларга топшириқ бераётган карвонсарой эгасига далда бермоқчи бўлган эди, у:

— Иним, сиз бу ерда бўлиб ўтган воқеалардан беҳабарсиз! Бўлмаса бу томонларга қадам босмаган бўлардингиз, — деди.

— Билгандан билмаганлик ваҳималироқдир! Бўлган воқеалардан бизни ҳам огоҳ этинг! Йўқса, эрта тонгданоқ шаҳарни тарк этиш ниятидаман!

Яхшигина ижара тўлаб турган мижозидан ажралиб қолишдан қўрқан карвонсарой эгаси Райҳонни ичкарига бошлаб, шаҳарда юрган миш-мишларни гапириб берди. Унинг айтишича, Кучумхоннинг душманлари ёвузлигидан омон қолган қизи малика Райҳон қотиллар ёллаб, отаси ва оғаларининг фожиали ўлими учун барчадан ўч олиб юрган эмиш.

Ўзини Бухоро хонлигидан келган савдогар қилиб кўр-

сатган ва эркакча кийиниб олган Райҳон карвонсарой эгасининг гапларини диққат билан эшитаркан:

— Соҳиб, қизбола бўла туриб, маликанинг бунчалик ёвузликларга қўл уришларига сира ишонгим келмайди! — деди.

— Иним, "Малика Райҳон жасоратда ҳам, шижоатда ҳам ўнта эркакдан устун", дейишади. Айтишларича, Кучумхоннинг қатлида иштирок этган Мирзо Қосимхон ва Қалмоқ юртининг хони Сабутайни хотинлари билан қатл қилган, қозоқ султони Қайсарнинг бошини уздириб, жасадини Дашти Қипчоқ далаларида сарсон қилдириб қўйган ҳам айнан малика Райҳон экан, — деди карвонсарой эгаси деярли пичирлаб. — Кўрнамак карвонбоши улуғ хоннинг ҳар бир қадамидан душманларни хабардор қилиб юрар экан. Бўлмаса Кучумхонни осонликча қўлга туширишлари мушкул эди.

— Бойваччаларнинг сотқинлиги бор гап. Улар жазоларини тўғри топгандирлар, аммо етгита камбағал хизматчиларда не гуноҳ?

— Улар Нурмат карвонни хабарчилари бўлишган. Эҳ, иним! Йўлбарслар бир-бирлари билан олишганларида тўқайда бутун бута қолмайди, ҳаммаси синади, дейишади. Шунинг учун оломон ичида қолиб кетишдан кўрққан одамлар бор-йўгини кўтариб, шаҳардан қочишмоқда.

Икки кундан кейин яна бешта одамнинг жасадини бошсиз кўмган қошликлик ўзбекларнинг қолган-қутгани ҳам шаҳарни ташлаб, Дашти Қипчоқ томонга кўча бошлашди...

Ваҳимага тушган сибирлик ўзбеклар уй-жойлари-ю, хўжалиklarини ташлаб, ўз она юртлари Мовароуннаҳр томонга қараб ялпи кўчишни бошлаган чоғларида беғам руслар пинакларини ҳам бузмадилар. Улар трактирларга кириб олиб, маст-аласт ҳолда бу ялпи кўчишнинг оқибати нима билан тугашини кузатардилар. Шундай ҳам дангаса бўлган руслар барча юмушларини йиғиштириб, бўшаб қолган ҳовли-жойларнинг яхшироқларини эгаллашга, сочилиб ётган мол-ҳолу буюмларни тезроқ қўлга кириштишга интилардилар. Ўша пайтда вақтинча Сибирни бошқариб турган рус ваколатхонасининг бошлиқлари князь

Трубецкой ва князь Толмачёв эса бу ҳолатдан сира безовта бўлмасдилар. Чунки аввалги князь Трубецкой Олий Ҳукмдордан расмий чақириқ олиб, Москвага йўл олди. Князь Толмачёв эса янги вазифада бир кун ҳам ишлай олмади. Унинг хизматкорлари эрта тонгда князнинг жасадини ўз ётоғидан бошсиз ҳолда топишди.

Князь Толмачёвни "сўнгги сафарга" кузатган казак Олег Черний бир қарашда унча ўзгармаган, аввалгидек ишларга жойлаштириб, турар жой билан таъминлаш орқасидан тузуккина даромадга эга эди. Аслида эса хонликдаги вазият унинг юрагига қаттиқ кутку солганди. Бу пайтга келиб, Қошликда унинг дардини тинглаб, малҳам бўладиган бирорта-бир кимса қолмаганди. Унинг назарида Қошликдаги ҳар икки одамнинг бири Сибирь ўзбеги, ҳар беш кимсанинг бири Кучумхон авлоди бўлиб, ундан ўч олиш ниятида бўйнига пичоқ тираётгандек туюларди. Оленинги яқинда ҳамма ҳавас қилган тик қадди-қомати кескин букилиб, бошини бўйнининг ичига тортиб юрадиган бўлиб қолган эди.

Куннинг иккинчи ярмида Тюменга етиб келган Олег Черний икки-уч карра текширувдан кейин зўрға князь Шегарев номи билан ҳукмдорлик қилаётган Таваккалхоннинг ўрдасига кирди. Таваккалхонни яхши кайфиятда кўрган Олег Чернийнинг энсаси қотди. Меҳмоннинг ташвишли кўзларига қараган Таваккалхон уни дастурхонга таклиф қилар экан, меҳмондан тушкунлигини сабабини сўради. Шунда Олег:

— Ён-атрофда ҳар куни кимдир тап тортмай, уч-тўрт кишини бошини танидан жудо қилиб турганида яхши кайфият, кўтаринки руҳга йўл бўлсин! — деди казак дастурхон устидаги шишадан пиёласига ароқ қуяркан. Кейин Таваккалнинг юзидаги ҳайратланишни кўриб, мингиллади: — Жангга кирган эркак учун хавф-хатар писанд эмас. Ё сен уни қилич домига тортасан ёки у сенга шамширини санчади. Аммо тинчлик пайтида аллақерда писиб ётган душман оппа-осон каллангни олиб кетса, алам қилар экан! — деди алам билан.

Табиатан анча жасур бўлган Таваккалга казак йигитининг жиғибийрон бўлиб айтган гаплари таъсир қилди. Кучумхон ўз яқинлари билан қатл этилгач, кўп ўтмай сирли

кимсалар томонидан амалга оширилаётган қотилликлар ҳар қандай ботир жангчини, ҳатто кўп жанг кўрган саркардани ҳам чўчитмасдан иложи йўқлигига унинг ҳам ақли етарди. Меҳмоннинг юрагидаги ғашлик энди унга ҳам кўчди-ю, бир оз ҳаёлга ботган Таваккалхон:

— Энди кимнинг навбати экан? — дея сўради.

— Гапингизга тушунмадим, зоти Олийлари?!

— Сирли қотил лаънати Кучумхоннинг қони учун ўч олмоқда! — Таваккалхон қўлидаги пиёлани алам билан сипқорди. — Қатл қилинаётганларнинг барчасини номма-ном айтиб, эслаб кўр, галварс! Уларнинг барчаси Кучумхоннинг қатл маросими иштирокчилари. Тирик қолганлар сену мен, князь Трубецкой ва бир нечта ижрочилар. Кўриниб турибдики, энди бизнинг галимиз! — деди Таваккал бўғилиб.

Таваккалнинг сўнгги гапидан сергак тортган Олег Чернийнинг кайфи тарқаб, ранги ўчди. У Таваккалнинг қўлларига ёпишиб:

— Князь зоти Олийлари! Подшо Олий ҳазратларидан қўшин сўранг, сиз ахир унинг куёвисиз! Мунтазам қўшин билан Сибирда тартиб ўрнатамиз! Кучумхон авлодларининг қонини дарёдек оқизамиз!..

Эртасига Таваккалнинг махсус чопари хоннинг шошилинч хабарини олиб, Москвага — подшо Борис Годунов томон шамолдек учди. Собиқ Сибирь ўзбек хонлигида юзага келган ялпи қотилликлар ҳақида бўрттириб ёзилган маълумотлар подшонинг қўлига текканида Таваккалхон ўз ётоғида хотини билан ўлдирилган Тюмень билан Қошлик ўртасидаги трактирда эса, Олег Черний сўйиб кетилган эди. Худди шу орада Урал дарёсининг бўйларида Строганов деган туз саноатчисининг боши узилган бўлиб, шошилинч хабарда зикр этилган қурбонларнинг сони икки баравар кўпайган эди.

Кучумхон қотилларининг барчасини ўлдириб, бошларини кесиб олган қасоскор малика Райҳон икки йил бурун Хоразм ерларида — марҳум отасининг она ватанида пайдо бўлиб, Хоразмшоҳ Акбар Муҳаммадга ўзини Ҳиндистон шаҳзодаси Хуррамшоҳ деб танитганди. Кейин ўзининг содиқ ханти ва манси ҳамроҳлари ёрдами билан катта

қийинчиликлар ва саргузаштларни бошидан ўтказиб, Сибирнинг Торкосали (ҳозирги русча номи Тарко-Сали) манзилига етиб келди. Ерли халқлар асосан манси қавмида бўлиб, ажойиб ҳунармандлар эдилар.

Ушбу ҳудудларда бир ҳафта дам олиб, ўзига келган малика Райҳон буюк Пур дарёсининг бўйида, қарағайзорнинг бир хилват ерида ўзига ёғочдан бир ажойиб бошпана қурдиргач, қишлоғи шу ерда ўтказишга қарор қилди. Сафарда унга ҳамроҳлик қилиб, хизматида бўлган шимоллик йигитларнинг кўпчилиги маликага хайрихоҳлик билдириб, унинг хизмати аъло даражада бажаришига интилишарди. Малика Райҳон отаси ва яқинлари учун ўқ олишга киришганида ўз олдига бир қатор аниқ мақсад ва режаларни қўйган эдики, улар нақадар даҳшатли бўлмасин, бир лаҳза ҳам ортга чекинмай амалга оширишга аҳд қилиб қўйганди. Унинг навбатдаги режасини амалга оширишда хантларнинг улуғ шомони Шуга тақдим этган Чулим овчи катта ёрдам берди. У манси овчилари билан бирга бир ойча тайгада йўқ бўлиб кетиб, мансиларнинг Ўрай деган шаҳридан машҳур уста Ватани топиб келди.

Малика Райҳон машҳур устага буюртма берар экан, унда нафақат моҳирлик, балки ўта содиқлик ва сир сақлашни ҳам талаб қилди.

Малика Райҳоннинг топшириғи бўйича Вата ертўлада тўпланган бошлар — отасининг қотиллари каллаларидан фойдаланиб, шахмат доначалари ясаш керак эди... Совуқ манзарани кўрган Вата беҳуш бўлиб йиқилди. Аммо ўзига келгач, маликанинг отаси, унинг нима мақсадда шу ишга қўл урганини фаҳмлаб, ўзини тутиб олишга уринди. Маликанинг талабига кўра, катталиги ёнғоқдек бўлиб қоладиган каллалардан уларнинг асл нусхаларидаги барча белгилар акс этиши керак эди, токи бу кўғирчоқларни кўрган ҳар қандай кимса уларда ким тасвирланганлигини дарҳол фаҳмласин...

Анча хаёлга чўмган уста оғир жимликдан кейин:

— Ҳурматли малика, мен ҳайвонлар терисидан шакллар ясаганман. Ахир, булар одамлар-ку? — деди.

— Булар одамлар эмас! Буларни ҳайвонлар деб бил! Ахир Кучумхон, Бош малика, унинг фарзандларини хор қилиб қийнашганида, уларни хўрлаб, сазойи қилганларида

бирортасининг қалбида одамлик ҳисси, инсонлик хусусияти жумбушга келиб, бундай разолатга қарши турмаган-ку! — дея малика йиғлаб юборди.

Шундай қилиб, уста қалтис ишга қўл урди. Қиш бўйи тиним билмай ишлаган Вата 1602 йил апрел ойининг сўнгги ҳафтасида Малика Райҳоннинг сирли буюртмасини тўла бажарди. Ертўланинг жавонларида тартиб билан териб қўйилган қонхўр қароқчиларнинг бошлари мўъжазгина соққачаларга айланиб, кичик бир қутичага жо бўлди. Шоҳмот тахтасини эса, денгиз филининг терисидан ясаб, унга садафлар қадашди. Бу ажойиб шоҳмотнинг 32 доначаларини жой-жойига қўяркан, Малика Райҳон мамнун жилмайди. Отасига хоинлик қилган худбин хонлару султонлар, қонхўр амирлару лашкарбошилар, айёр асилзодалару сотқин хизматкорлар энди юзаси 52х52 сантиметр бўлган садаф шоҳмот тахтасида беозоргина, бир-бирига худди тириклардек тикилиб туришарди. Бироқ бу ноёб санъат асарида битта атайлаб қилинган хатолик ҳам бор эди. У ҳам бўлса, оқ доначалар қаторида бир зотнинг қиёфаси акс эттирилмаган бўлиб, суяк доначасининг уч қисми "бош"сиз эди. Бу эса қасоскор малика амалга ошириши керак бўлган режанинг учинчи босқичига тааллуқли эди...

СЎНГИ ҚУРБОН

1602 йил Москва дарёсининг чап қирғоғидаги Боровой тепалигида жойлашган оқ тошлардан қурилган Москва Кремли виқор билан чирой тўкиб турибди. Иван Грознийнинг қўнғироқхонаси қурилиб битирилганлиги ва подшо Борис Годуновнинг "подшо"деб эълон қилинганлигининг 5 йиллиги муносабати билан Кремль мажмуаси алоҳида эътибор билан безатилган.

Подшо саройининг қабул залида Московия ва Бутун Русия подшолигининг сарой аҳли, подшолик сулоласига алоқадор кишилар, Москванинг машҳур одамлари билан лиқ тўлган. Чет эл давлатларининг вакиллари, вилоят улкалардан келган меҳмонлар қабулхонасида ўзлари келтирган совғаларни маҳкам ушлаганча сабр билан навбат кутиб туришибди.

Бош саройбон томонидан номи айtilган ҳар бир

меҳмон бошини эгган ҳолда ўз ҳадясини подшога тақдим этарди. Эпчил хизматкорлар катта залда совғалардан кўргазма ясардилар... Узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонлар ўз совғасини топшириб бўлгач, одатий русумга айланиб қолган бу маросимнинг тугашини сабрсизлик билан кутардилар. Аммо бош саройбон "Узоқ Хоразм салтанатининг афсонавий подшоси Араб Муҳаммаднинг муҳтарам элчиси Ҳасан II Алихон ўз совғаси билан!" деб тантана билан эълон қилганида ҳамма жонланиб кетди.

Чунки залга йиғилганларнинг деярли ҳаммаси подшо Араб Муҳаммад у ёқда турсин, Хоразм деган мамлакат қаердалигини ҳам билишмас эди. Шунинг учун уларнинг нигоҳи афсонавий мамлакат элчиси кириб келадиган йўлакка қадалди. Йўлакда "Хоразми элчиси" — эркакча кийиниб олган малика Райҳон пайдо бўлганида меҳмонларнинг, ҳаттоки подшо Борис Годуновнинг ҳам оғзи очилиб қолди. Хоразмча кийинган, ниҳоятда хушбичим элчи тулпор тойни етаклаб, қабулхонасига кириб келди. Тим қора рангли, пешонасида оқ юлдузли, тўпиқлари оқ паҳмоқ "пайпоқли" аҳалтека зотли от жilовини хизматкорга топширгач, Хоразм элчиси соф рус тилида:

— Подшо Олий Ҳазратлари! Хоразмшоҳ Араб Муҳаммад Ҳазрати олийлари сизга йўллаган бу саман Хоразмнинг Ҳазорасп тулпор отларидан бўлиб, ҳозирда унинг зотидан ер юзасида фақат 14 нафар қолган. Шоҳим, бу отни яхшиликларга минишингизни тиладилар, — деди.

Элчининг гапи тугаши билан қарсак чалиб юборишди. Хизматкор от жilовини тутганча, афсонавий от билан меҳмонлар даврасини айлантириб чиқди. Хоразм элчиси шоҳга таъзим қилиб:

— Олий Ҳазрат, салтанат ишларидан чарчаган пайтингизда ҳордиқ олиб ўйнашингиз учун шоҳимиз қадимий ҳинд усталари томонидан яратилган ажойиб шоҳмотни сизга тортиқ қилиб юборди, — дея қўлидаги оқ матога ўралган совғани топширди...

Даврани айланиб чиққан отни подшо оғилхонасига, шоҳмотни эса кўргазма залига олиб кетишди. Подшо қабулининг расмий қисми тугагач, ҳамма дастурхон ёзилган кўшни залга ўтди. Хонанинг бир тарафига жойлаштирилган совғалардан ташкил топган кўргазмани томоша қилаётган

меҳмонлар Хоразмшоҳ Араб Муҳаммад Борис Годуновга "совға қилган" шахмат олдида узоқ туриб қолишди. Улар тахтача устига терилган шоҳмот доначаларини завқ билан томоша қилдилар. Меҳмонлар орасида кекса князь Трубецкой ҳам бор эди. Кутилмаганда меҳмонлардан бири ёнидаги шеригини туртиб:

— Қара, мана бу шоҳ Мирзо Қосимнинг худди ўзига ўхшайди. Бурнидаги холи ҳам яққол кўриниб турибди, — деди. Кейин шоҳмот дончасини қўлига олиб, уни сал эзиб кўрар экан: — Лаънати, худди тирикка ўхшайди-я! — деб доначани жойига қўйди.

— Бу шоҳ эса Тюменга князь бўлган очофат Таваккал Шергаевнинг ўзгинаси! — деди иккинчи бояр бошқа шоҳмот дончасини қўлига олиб: — мен бу жин урган қозоқ билан кўп учрашганман. Занғар, жуда еб тўймас эди!

Шоҳмот тахтаси олдида тўпланган меҳмонлар ўйин доначаларидан ўзларига таниш одамларнинг аксини кўриб, уларни қўлларига олишар, мазах қилиб, устиларидан кулишарди. Граф Толстой ҳам қўлига икки доначани олди ва шундоқ Трубецкойнинг бурнига олиб бориб:

— Фёдор Михайлович, мана бу оқтўра донасига қара, худди князь Толмачёвга ўхшайди-я! Уни қара, қошининг устидаги чандикчаси ҳам яққол кўриниб турибди! Жин урсин, худди тирикка ўхшайди! — деди ҳайрат билан.

— Андрей Петрович, худди ёш болага ўхшайсан-а! Уста қўғирчоқбоз ишлаган ўйинчоқларни ҳурматли князь Толмачёвга ўхшатиш учун унинг аҳволидан андиша қилсанг бўларди, — деди Трубецкой энсаси қотиб.

— Йўқ, сен яхшилаб қара! — деб граф бош ўрнатилмаган бошқа бир тўра дончасини Трубецкойнинг кўзига яқинлаштириб. — Кўрдингми, донача бошсиз! Менимча, бу тахтада сенинг бошинг йўқ. Чунки сен қари тулки вақтида Сибирдан қочиб қолгансан. Гапир, мен ҳақманми?! Ахир Толмачёв билан Сибирдан кўп ножўя ишлар қилгансизлар-ку?! Энди бунинг жавобини бериш керак!

Князь Трубецкойнинг бусиз ҳам расво бўлган кайфияти янада ёмонлашди. Зарда билан силтаб, графнинг олдидан кетди-ю, кўргазмадаги бошқа ҳадяларни томоша қилиб, ёқимсиз гап-сўзларни унутишга уринди. Меҳмонлар эса ҳануз ажойиб шоҳмот тахтаси ёнидан кетмай, ми-

риқиб кулишарди. Ҳаммада қизиқиш уйғотган совғани яқиндан кўришни истаган ширакайф Борис Годунов ҳам кўргазмага яқинлашганида Граф Андрей Толстой шоҳмот доналарида акс эттирилган шахсларнинг кўпчилигини таърифлаб турарди. У подшога қараб:

— Борис Михайлович, шоҳмотни ясаган уста атайлаб битта тўрани бошсиз қолдирган. Бу билан у вақти келиб, ўша етишмаган бошни ҳам жойига қўйишини шаъма қилаётганга ўхшайди. Ўзинг ўйла, отагинам, Кучумхон ўлимида иштирок этган барча амалдорларининг бошлари шоҳмот донасида акс этган. Қандайдир кўринмас қасоскор уларни бошларини олиб, ҳинд устасига етказиб турган.

Борис Годуновнинг ранги ўчди. Князь Толмачёвнинг боши ўрнатилган тўра донасини бармоғи билан пайпаслаб кўрган ҳукмдор бутун танасида қалтироқ сизди. Шундай бўлса-да:

— Қўйсанг-чи, Андрей Петрович, кўп ичвордингми, дейман. Ҳар хил бўлмағур гапларни тўқияпсан! Шоҳ араб Муҳаммаднинг айтишларича, бу ажойиб шоҳмотни уста бундан юз йил бурун ишлаган экан. Ҳатто машҳур Бобур-шоҳ ҳам шу шоҳмот билан ўйнаган экан. Сен бўлсанг ваҳима қиялпсан, — деди бир оз асабийлашиб.

Граф Толстой бўлса янада қизишди:

— Ўзинг ўйла! Юз йил бурун Ҳиндистонда шоҳмотни ясаган ҳинд устаси сенинг ҳукминг остида бўлган 31 та амалдорнинг башараларини қандай билган, шоҳмотнинг кичик доначаларида катта аниқлик билан акс эттира олган? Сен бу ҳақда ўйлаб кўр, Ҳазрати Олийлари!

— Бу фақат Худонинг ўзига маълум бўлган сирли ўхшашлик! — деди подшо ва бу ҳақда бошқа гапиришни истамай, графга орқасини ўгириб олди.

— Ҳазрати Олийлари, мана мени айтди дерсан, "бошсиз тўра"нинг ичига Сибирни забт этишда иштирок этган бирор-бир амалдорнинг боши ўрнатилади! — деди граф Толстой ишонч билан.

Зиёфатдан сўнг подшо Борис Годунов совға-саломлар ичидан шу шоҳмотни танлаб олиб, ўз хонасига келтирди...

Подшо Борис Годуновнинг қабулидан ниҳоятда эзи-

либ қайтган князь Трубецкой ҳеч ким билан гаплашмай, икки кун хонасида беркиниб ётди. Ниҳоят учинчи кун князь:

— Эртага Смоленска, ўз мулкимизга кетамиз! — деб қатъий қарор қилди...

Фёдор Михайлович ўз ер-мулкига қайтгач, биринчи галда қилган ишларидан бири, жисмонан бақувват бўлган қаролларидан ўн чоғлиқ довюрақ йигитларни танлаб, ўзига тан маҳрам қилиб олди ва улардан туну кун айрилмасликка уринди. Ўзининг бу хатти-ҳаракати билан Смоленск дворянлари ўртасида кулги ҳам бўлди.

Аммо Князь Трубецкой ўз мулкига кўчиб келганига роппа-роса бир ой бўлганида тунлари хонаси эшига олдида иккита қоровул турганлигига қарамай, кимдир унинг бошини кесиб кетгани маълум бўлди...

Ўз меҳмонхонасида сақланаётган сирли шоҳмот қутисини Борис Годунов ўз шахсий темир қутисига солиб, қулфлаб қўйди. Бу унингча ўша пайтда лозим бўлган тўғри қарор эди. Бора-бора одамлар бу сирли шоҳмотни унутиб, у тўғрида фикр юритмайдиган бўлишди. Гоҳ-гоҳида, саройга европа мамлакатларидан бирон-бир вакил келиб қолганда бу сирли шоҳмот албатта олинар ва меҳмон билан алламаҳалгача дона суриларди. Шунда подшо Борис Годунов оқларнинг "тўра" зотли донасининг "бошсиз" турганини кўргач, граф Толстойнинг гапи ёдига тушиб, юраги бир силкингандек бўларди.

1604 йилнинг куз ойларининг бирида Борис Годунов Швеция тахтига эндигина минган Карл IXнинг элчисини қабул қилди. Сиёсий майдонда пайдо бўлган бу қиролдан анча ҳайиққан Борис Годунов қиролнинг мақсадини билиб олиш ниятида Швеция элчисини қўймай, шоҳмот ўйнашга таклиф қилди. Яхшигина зиёфатдан кейин элчини махсус хонага олиб кирган Борис Годунов ўзининг ажойиб бойлиги билан мақтаниб, ўша машҳур шоҳмот қутисини темир сандигидан чиқарди. Шоҳмот доналари тикилиб, ҳар қайси зот ўзига лозим бўлган катакдан ўрин олганида, Борис Годуновнинг ҳайратдан кўзи чиқаёзди. Чунки доим "бошсиз" бўлган оқ тўранинг бош қисмига нафис ишланган соққача-одам боши ўрнатилган эди. Юраги ёрилаёзган Борис Годуновнинг боши айланиб, йиқилишига

оз қолди. Чунки "оқ тўра"нинг ичидаги бош — князь Фёдор Трубецкойнинг кичрайтирилган боши нусхаси эди...

Подшо Борис Годуновда шоҳмот ўйнайдиган қувват қолмаган эди. У узр сўраб, элчи билан хайрлашди. Ёлғиз қолгач, шоҳмотнинг донасига бирма-бир тикилиб, уларни ўрганиб чиқди. Доналарнинг ҳар бирида унга жуда таниш бўлган қиёфа акс эттирилган эди. 32та шоҳмот доначасида 32та таниш башара!

Подшо Иван Грозний замонида бир таниқли князь ўзининг суюкли ўйнаши ўлганида вогул шомонларидан бири сеҳр ва жоду амалиётларини ишлатиб, гўзал аёлни кичрайтириб, князнинг ҳассасига соп қилиб берганини, князь ўлганида эса унинг васиятини бажо келтириб, ана шу ажойиб ҳассани ҳам марҳумнинг тобутига қўшиб солишганини эшитган эди. Шунинг учун подшо темир сандиғидаги шоҳмотнинг бежирим доначалари бир вақтлар унинг амрида бўлган амалдорлару хизматкорларнинг бошидан ясалганлигига биринчи бўлиб ишонди ва тунлари уйкуси қочди...

Подшо тунлари босинқираб, шундай бақирар эдики, саройдагиларнинг ҳаммасини уйғотиб юборарди. Руҳий касалликка мубтало бўлган Борис Годуновнинг ҳоли Иван Грознийникидан ҳам баттар, ундан-да оғир бўлиб қолди. 1605 йил 24 апрель куни Борис Годунов кўзини очмади....

Борис Годуновнинг ўлиmidан сўнг рус салтанати ҳақиқий инқирозга учради. 1605 йил 10 июнида Сохта Дмитрий (Лжедмитрий) Польша қўшинининг кузатувида Москвага кирди ва бир ойдан кейин подшоликни қабул қилди.

1606 йил 17 майда эса халқ Москвадан Сохта Дмитрийга қарши қўзғолон кўтарди. Кўзи қонга тўлган оломон Кремлга ёпирилиб кириб, Сохта Дмитрийни ўлдирди, мамлакат бўйлаб, тўс-тўполон бошланди. Сибирь ўзбек хонлигининг йўқ бўлишини истаган рус салтанати ўзининг душмани бўлган Польшанинг ҳукми остига ўтди. Хазина талон-тарож қилинди. Ана шунда сирли шоҳмот ҳам саройдан йўқолди.

Улуғ Кучумхоннинг қизи, қасоскор малика Райҳон томонидан яратилган бу шоҳмот ноёб санъат сифатида 1790 йиллари Бурбонлар саройида пайдо бўлди. 1824 йили Парижда ўтказилган халқаро аукционда намойиш этилган

бу шоҳмотни князь Борис Николаевич Юсупов (Кучум-хон ҳукми остида фаолият юргизган машҳур Юсуфхоннинг авлодларидан) жуда катта нархда сотиб олди-ю, Юсуповларнинг шахсий мулкига айланган бу шоҳмот то 1917 йилгача уларнинг қўлида сақланиб, турли даражадаги оқсуяклар учун берилган зиёфатларда ундан фойдаланишди.

Давлат тўнгаруvidан кейин эса шоҳмот давлат мулкига айлантирилди ва ҳозирги кунда Эрмитаж музейининг Осиё бўлимида сақланмоқда.

БАРҲАЁТ ИЛДИЗЛАР

1963 йил Екатеринбург (олдинги Свердловск) шаҳридаги Кончилик ишлари институтининг аспирантурасида ўқиб юрган кезларим эди...

Кунларнинг бирида Тюмень университетига кириб, талабаларнинг ўқиш шароитлари балан танишдим. Кейин эса шу ўқув даргоҳнинг ёнгинасида жойлашган шаҳарнинг бош универмагига кириб, уйга арзигулик совға-салом олмақчи бўлдим. Универмаг расталарини айланиб юриб, чинни идиш-товоқлар бўлимида кўҳликкина қиз менга қараб турганини пайқаб қолдим. Қизга кўзим тушиши билан у худди тоғ эчкисидек ҳуркиб кетиб, кўзини мендан яширди ва орқасини ўгириб олди. Кифтига ташланган икки ўрим қалин сочи тим қора бўлиб, бундай сочни бизнинг ўзбек қизларида ҳам анчадан бери кўрмаган эдим. Идиш-товоқ кўрган бўлиб, пештахта олдида бир оз уймалашдим. Шунда дўконнинг ичкари хонасидан кимдир қизни чақириб қолди, қиз чаққонлик билан ичкарига кириб кетди. Бир зумга кўзим тушган бўлса-да, қизнинг беназир хуснига шайдо бўлгандим. Шу соҳибжамолни яна бир бор кўрармикинман, деган ниятда пештахта олдида бир оз ивирсиб турдим. Аммо паривашдан дарак бўлмади. Шу пайт ичкаридан бир рус аёл чиқиб келди ва:

— Ҳеч нарса олмасанг, бу ерда ўралашиб юрма! — деб кўполлик билан мени ҳайдаб юборди.

Ёмон изза бўлдим, бошқа расталарга ўтиб айландим, аммо сал ўтмай, бояги аёлни қораси ўчгач, яна чинни асбоб растаси олдида пайдо бўлдим. Растада бошқа қиз савдо қилаётганди. Бу қиз ҳам худди бизнинг водий қизларидек

мафтункор, чарос кўзлари чўғдек ёниб турувчи, юзлари эса худди сутда ювилгандек оппоқ ва тиниқ эди. Қизга луқма ташлаш учун энди оғиз жуфтлаганимда ичкаридан бояги шаддод рус аёли чиқиб қолди-ю, мени кўриб, ранги ўчди.

— Сен бекорчи яна пайдо бўлдингми? — деб ўшқирди у: — Милиция! Милиция!

Шунда қаршимда турган сотувчи қизнинг кўзларида қандайдир ачиниш ва ўксиниш пайдо бўлди. Рус аёлининг ҳайқириғини эшитиб, ичкаридан югуриб чиққан париваш қиз мени кўрди-ю, тахтадек қотиб қолди. Кейин дугонанинг кулоғига нимадир деб, яна ичкарига яширинди...

Хужжатларим билан танишиб чиққан милиционер уларни қўлимга топширар экан, сирли жилмайиб:

— Ука, эсон-омон юртингга етишни истасанг, кучум қизларидан нарироқ юр! — деди кўз қисиб, кейин мени ҳеч нарсага тушунмаганимни кўриб. — Кучумларнинг кимлигини билмайдиганга ўхшайсан. Улар лўлилардан ҳам ёмон! Боши сиққан тешикка танасини ҳам сиғдира олади, шайтонваччалар! Бугун битта Кучум бўлган ерда эртага ўнга, индинга юзта кучум пайдо бўлади...

"Кучум" сўзини шунда биринчи марта эшитганман. Аммо бу сўзни бирор миллатга тегишлилиги, айниқса, одамнинг исми эканлигини билмаганман.

То кечга қадар универмаг ёпилиб, хизматчилар тарқалишини кутдим. Унинг барно қадди-қоматини кўрганимда юрагим така-пука бўлиб кетди. Кўча муюлишида дугонаси билан хайрлашган қиз троллейбус бекатига қараб юрди. Бекатда унга яқинлашиб, саломлашдим. У мени кўрганидан қувониб кетди.

— Сизни милицияда уришмадим, хафа қилишмадимми? — деб сўради қиз жон ҳолатда.

Қизни тинчлантириб, унга ўзимни танитдим. Унинг номини сўраганимда қиз қизариб кетди, кейин ниҳоятда майинлик билан:

— Мен Диляман, дугонамнинг исми эса Гуля, — деди.

— Тўлиқ исмингиз нима? Ахир Диля, Гуля деган номлар исмнинг қисқа шакли-ку?

— Тўғри! — деди қиз яна қизариб. — Ота-онам мени Дилбар деб чақиривади. Гулянинг тўлиқ номи эса Гулбаҳор, — деди.

Дилбардан миллатини сўраганимда у хавотир билан атрофга қараб, секингина "татар" деди. Мен таажжубланиб, у ҳам, Гулбаҳор ҳам татар қизларига сира ўхшамасликларини айтиб, улардан шарқоналик чизиклари кўплигини таъкидлаган эдим, Дилбар аста қўлтиғимдан олиб, пиёда кетишни таклиф қилди. Биз бекатдан анча узоқлашгач, Дилбар ўз миллати ҳақида қизиқарли гапларни гапирди.

Дилбарни айтишича, унинг ота-оналари-ю, бобо-ю бобокалонларининг тасдиқлашича, улар асли сибирликлар бўлиб, маълум ерда тўпланган одамларнинг келиб чиқиш масканларига қараб хоразмликлар ва бухороликлар, қўқонликлар ва тошкентликлар деб юритишар экан. Расмий ҳужжатларда ҳам "миллати" деб ёзилган ерга худди шундай деб белгиланар экан. 1936-йилги аҳолини рўйхатга олиш жараёнида уларнинг ҳаммаларини бир хил — "Сибирь татарлари" деган умумий ном билан аташган экан. 1959-йилдан эса оддийгина "татар" номи билан рўйхатга олишган...

Дилбар уйи олдида мен билан хайрлашар экан, маъюс жилмайиб, соф ўзбек тилида:

— Шундай қилиб, оғажон, сиз билан биз бир миллатмиз. Яна бир оғиз суриштирсак, ажаб эмас, бир уруғ, қариндош ҳам бўлиб чиқамиз, — деди.

Дилбар менга узатган нозик кафтини ўпиб, хайрлашар эканман, у билан яна учрашишни сўрадим, шунда у:

— Биз билан учрашиш, кўчада бирга юриш жуда хатарли. Бу ерда уч-тўрта қорамағизни бирга кўришса, "Кучум авлоди бирор-бир ёмон ният билан учрашмоқда!" деб, ўрислар катта тўполон кўтаришади, ҳатто милицияга топшириб, азоб ҳам беришади, — деди Дилбар ачиниб. Кейин мендан узр сўрагандек бўлиб: — Универмагда сизга кўзим тушиши билан яқин қариндошлигимизни билиб, юрагим уриб кетди. Аммо бошлиғим Лидия Ивановна мени ишдан ҳайдашини аниқ билиб, ичкарига беркиниб олдим, — деди қиз маъюслик билан.

Дилбарни ҳам, Гулбаҳорни ҳам бошқа кўра олмадим. Аммо уларнинг гўзал қиёфалари менинг юргимда абадий из қолдирди.

Кейинчалик Тошкентга қайтганимда сибирлик ҳам-юртларимиз ҳақида Фанлар Академиясининг тарих инс-

титутига хабар берганман. Шунда Ҳамид ака Зиёев Сибирга сафар қилиб, "Сибирь ўзбеклари" деган асар яратди, докторлик диссертациясини ёқлади, қатор мақолалар чоп этди.

1976 йил, ёз ойларида бирида лаборатория ходимлари Юнусов ва Абдурасул Эргашев ҳамда аспирантим Бахтиёр Отабоевлар билан биргаликда Арктикада жойлашган бир ҳарбий аэродромга, учиб майдонини кимёвий усулда қуриш учун учиб кетдик.

Шартнома бўйича белгиланган ишларни бир ҳафтада бажариб, "Н"чи ҳарбий қисмга муваффақият билан топширдик. Шу муносабат билан ҳарбий қисм бошлиғи полковник Нестеров, Надим шаҳридаги ягона ресторанда бизга дастурхон ёзди. Ўша пайтларда кечки пайт ресторанларга кириб, овқатланиш жуда мушкул масала эди. Аҳолиси ҳаддан ташқари катта ойлик оладиган Надим шаҳрида эса бу масала ўн карра қийин бўлиб, ўзининг бирор-бир тадбирини ўтказиш учун одамлар ҳафталаб навбатга туришарди.

Полковник Нестеров олти ўринли жой буюриб қўйган экан, бизнинг киришимиз қийин бўлмади. Нестеров ўз аёли билан келиб, бизни яхши меҳмон қилди. Кечанинг ўртасида официант келиб, столимизга яна иккита одамни ўтказишга розилик сўради, кейин қадди-қомати келишган икки бўйдоқ йигитларни бошлаб келиб, бизнинг даврамизга ўтказди. Башанг кийимларидан эстрада артистларини эслатувчи бу икки йигит ўзбек эди.

Йигитлар мезбонимизни жуда яхши танишар экан, у билан жуда қуюқ сўрашишди. Мен полковникдан: "Уларни қандай танийсиз?" деб сўрасам, у қулоғимга яқин келиб:

— Икки йил бурун Нижний Вартовскда бу йигитларни милициядан қутқариб қолганман. Тортинмай ўтираверинглар, яхши йигитлар, — деди.

— Бўлмаса нима учун милицияга тушишган эди? — деб қизиқдим.

— Ҳеч қандай айби бўлмаган. Улар Кучум авлодларидан бўлганликлари учун милиционерлар арзимаган нарсани баҳона қилиб, уларни қамамоқчи бўлишган. Менинг аралашувимдан кейин уларни озод қилишга мажбур бўлишди...

Бир вақт аллақерга учини баҳона қилиб, полковник

хотини билан бирга кетди-ю, тюменлик йигитлар билан ўзимиз қолдик. Улар хушмуомалик билан русча гапиришда давом этиб, бизни меҳмон қилишди. Шунда "камгап" Бахтиёрга тил кириб, уларнинг номларини сўраб қолди. Уларнинг ёши каттароғи ўзини Султонхўжа деб таништирар экан, шеригининг номини Бахтиёр эканлигини айтди. Шунда биз кулиб юбордик. Икки Бахтиёр танишганлиги учун қадаҳ кўтардик. Бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни билган йигитларнинг чехралари очилиб кетди. Кейинги гапларимиз ўзбек тилида борди. Улар кўпроқ Андижон шевасида гаплашишар, гапларида бизга нотаниш эски сўзлар чиқиб қолар эди. Анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Султонхўжа кетар чоғида:

— Сизлар тонготаргача ўтириб дам олинглар. Харажатлар тўланган! — деди.

Кейинчалик ҳам мен Султонхўжа Содиқов билан уч-тўрт марта иш бўйича учрашганман...

...Тюмень авиация бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Прямов Алексей Исаакович менинг аспирантим бўлган. Кунларнинг бирида у диссертация ёқлаганлиги муносабати билан мени меҳмонга чақирди. Лекин ҳар галгидек, шаҳар марказидаги квартирасига эмас, балки шаҳар чеккасидаги Тура дарёсининг соҳилидаги дала-ҳовлисига олиб борди. Прямов Тюмень авиаторлари ичида обрўли одам, ўрта ёшларга етган бўлса-да, меҳмон кутишга келганда шундай укувсиз эдики, умримда бундай одамни кўрмаганман.

Қачонки Тюменга келсам, у биринчи бўлиб, мени кутиб оларди. Мени меҳмонхонага жойлаштиргач:

— Сиз энди душ қабул қилиб, бир оз дам олиб туринг. Мен ишларимни тезгина саранжомлаб, ёнингизга келаман. Кейин бирга овқатланамиз! — дея охирги жумлага алоҳида урғу бериб чиқиб кетарди.

Қорним пиёзнинг пўстидай бўлиб, уни роса кутардим. У эса тунги соат ўнларда чарчаган ҳолда келиб, стол устига икки шиша ароқ қўяр эди-да, стаканларни тайёрлай бошларди. Шунда менинг хунобим чиқиб, оч қолганимни айтсам, у пешонасига бир уриб: "Эсим қурсин!" дерди-да,

хонадан югуриб чиқиб кетарди. Мен ҳозир йўқ ердан ҳам бор қилиб, бирор егулик нарса олиб келар, деб овқатланишга шайлансам, Прямов хурсанд ҳолда кириб келиб, стол устига ярим буханка қора нон билан иккита артилмаган пиёзни қўяр эди...

Прямовни яхши билганим учун бу сафар қорнимни яхшилаб тўйғазиб олдим.

Шинамгина 6 сотихлик дала-ҳовлига кириб, оғзим очилиб қолди. Ҳовли шундай бежирим, шундай гўзал эдики, худди театр сахнасидаги декорацияга ўхшарди. Ҳамма дарахт, барча гуллар шундай парвариш қилинган эдики, агар бир дона гул узилса ёки битта шох қирқилса, барча режа бузилиб, боғнинг кўркига путур етадигандек эди. Ҳовли этагидаги сибирча ҳаммомдан арча тутунининг иси анқиб турар, ўчоқда димланаётган парранданинг хушбўй ҳиди иштаҳани қитиқларди.

Ичкаридан бизга пешвоз чиққан, қорачадан келган чолни Прямов "отам" деб таништирди. Кейин билсам, дала-ҳовлидаги сўлим манзара, шарқона тўкин дастурхон, хилхил пишган фоз гўшти ҳам ана шу кекса чолнинг маҳорати экан.

Кекса Прямов мен билан ярим ўзбек, ярим татарча гаплашар экан, менинг кўзим унинг бўйнидаги бутта тушди. Кўзимдаги ҳайратни кўриб, чол 1937 йилги қатағон пайтларида паспортида "қўқонлик" деб ёзилган Прямовлар оиласини бутун қишлоқ аҳолиси билан ялонғоч ҳолда Тура дарёсида чўмилтириб, чўқинтиришганини, ҳужжатларига эса "миллати рус" деб ёзиб қўйишганини сўзлаб берди. Ота-хон ҳамқишлоқлари уларни "упрямый" (қайсар) деб чақирганлари сабабли ҳам фамилияси Прямов бўлиб кетганлигини, номи ҳам Иссаак эмас, Исҳоқ эканлигини надомат билан сўзлаб берди...

Хуллас, шогирдим Алексей Прямовнинг илдизи ҳам Сибирь ўзбекларига бориб тақалар экан. Рус халқи ичида кенг тарқалган "Агар ҳар бир руснинг бетини яхшилаб ишқаласанг, ярми татар бўлиб чиқади" деган нақлнинг замирида чуқур ҳақиқат ётса керак, деб ўйлайман

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Эроний сеҳргар.....	5
Сирли китоб калити.....	13
Синов.....	19
Янги режа.....	24
Таназзулга учраган шоҳ.....	33
Хиёнатга йўл тутиб.....	41
Забт этилган нишон.....	49
Душман билан юзма-юз.....	56
Муҳаббат ва нафрат.....	64
Бойчечак ифори.....	72
Фош этилган фитна.....	77
Шаҳзоданинг қарори.....	83
Саройдаги учрашув	90
Мерос қолган кашфиёт.....	96
Хунрезлик ёки душман тантанаси.....	101
Фалак қудрати.....	110
Сабантўйдаги томоша.....	115
Бошсиз чавандоз.....	121
Қасоскор малика.....	129
Сўнги қурбон.....	135
Барҳаёт илдизлар.....	141

Адабий-бадиий нашр

Аъзам АЗИМИЙ

ҚАСОСКОР МАЛИКА

Ёҳуд Сибирь хони Кучумхон баёни

Муҳаррир: Зоир ЗИЁ

Рассом: Абдулла РАСУЛОВ

Саҳифаловчи Латиф ЗАМОН

Мусахҳиҳа: Гулноза УСМОНОВА

Босишга рухсат этилди 10.05.2013. Бичими 108Х84 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 9,25. Нашриёт ҳисоб табоғи 10,0. Адади 500. Буюртма № 28. Баҳоси шартнома асосида.

“Dilshod-Print” МСНҲ босмаҳонасида чоп этилди.